7.	ЮЛДАШОВ Илхом Рузиевич	14.00.36-“Аллергология ва иммунология”	Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ихтисослашган кенгашларга тақдим этилган

## ДИССЕРТАЦИЯЛАР ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР \*

**Ҳимоя түғрисидаги эълон матни таҳрири учун ихтисослашган  
кенгаш масъулдир**

(маълумотларда талабгорлар томонидан ҳимоя қилинаётган  
ишининг илмий янгилиги келтирилган)

Ушбу диссертацияларнинг ҳимоялари түғрисидаги эълонлар  
ОАК Веб-сайтида ([www.vak.uz](http://www.vak.uz)) берилган

(ихтисосликлар шифрлари бўйича чоп этилади)

### **ФАН ДОКТОРИ илмий даражасини олиш учун**

#### **Физика-математика фанлари**

**Кутлиев Учкун Отобоевич:** «GaP ва муз монокристалларининг сиртини  $Ne^+$  ва  $Ar^+$  ионлари билан бомбардимон қилганда ионларнинг сочилишини ва сиртни кластер кўринишида чангланишини компьютерда моделлаштириш» (01.04.04) – ЎзР ФА Электроника институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 33. Тел.: 262-79-40, факс: 262-87-67) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Н.Ю.Тураев

Иш бажарилган ташкилотлар: ЎзР ФА Электроника институти,

Урганч давлат университети

Оппонентлар: Т.Д.Раджабов, А.С.Балтенков, М.В.Кремков

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади - идеал ва нуқсонли икки таркибли GaP(100) и муз монокристаллари сиртларига кичик бурчак остда йўналтирилган ионларнинг сочилиши ва Au(111) сиртига қопланган муз қатламларининг кластерлар кўринишида чангланиш механизmlарини ва қонуниятларини компьютерда моделлаштириш усули билан ўрганиш.

Молекуляр динамика ва жуфт тўқнашувлар яқинлашиши усулларига асосланган компьютер дастурларини модификация қилиш йўли билан сиртга кичик бурчак остда йўналтирилган ионларнинг монокристаллар сиртидан сочилиш ва монокристаллар сиртини чангланиш қонуниятларини ўрганиш учун моделлаштириш алгоритмлари ва дастурлари яратилди.

Идеал ва нуқсонли GaP(100) ва муз монокристаллари сиртларида кўп марта қайта фокусланган бошланғич энергияси  $E_0 = 1,0 \div 5,0$  кэВ бўлган  $Ar^+$  и  $Ne^+$  ионларининг ўзига хос траекториялари аниқланган ва тушунтирилган. Монокристаллар сиртидан сочилган ионларнинг сочилиш коэффициенти ҳисобланди. Идеал ва нуқсонли GaP(100) ва муз монокристаллари сиртларига кичик бурчак ( $\psi \leq 10^\circ$ ) остда йўналтирилган ионларнинг каналлардан чиқиш эффицити кузатилди. Сирт ости қатламларидаги каналлардан чиқсан ионларнинг энергияси, траекторияларининг узунлиги, азимутал сочилиш бурчаги ва бу заррачаларнинг нишонларнинг атомлари билан тўқнашиш коэффициенти аниқланди. Au(111) сиртига қопланган муз қатламларининг чангланиши ўрганилди. Чангланган зарраларнинг масс-спектрида сув молекуласи, кластерлари ва металл таглик атомларига тегиш бўлган чўқилари аниқланди. Мусбат ва манфий киришма ионлари бўлган муз қатламининг чангланиш механизми ўрганилди. Муз қатламидаги киришма ионлар сув молекуласи билан қутбланган боғланиш хосил қилиши ва қатлам сиртини ионлар дастаси билан бомбардимон қилганда ионли кластерлар кўринишидаги чангланиш

\* Диссертация ҳимоялари ҳақидаги материалларни «ОАК Бюллетени» журналида эълон қилиниши диссертация ишлари ижобий баҳолангандигини ёки ОАК томонидан тан олинганлигини мутлақо билдирамайди.

кузатилди. Au(111) сиртига қопланган муз қатламларидан чангланган зарраларнинг кинетик энергиялари бўйича тақсимоти ҳисобланди ва тақсимотнинг кичик энергиялар қисмидаги интенсив чўққини сув молекулаларининг кластерлари ҳосил қилиши аниқланди.

**Аюханов Рашид Ахметович:** «Экситон ва зоналараро резонанс соҳасида ҳажмий ва паст ўлчамли структураларнинг оптик ва деформация хоссалари» (**01.04.10**) – ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институти (100084, Тошкент, Бодомзор йўли кўч., 2-Б. Тел.: 233-12-71) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.Ю.Лейдерман

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Физика-техника институти

Оппонентлар: А.С.Бугаев, С.Х.Шамирзаев, Г.Гулямов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади экситонли ва зоналараро резонанслар соҳасида ҳажимли кристалларда ва турли типдаги квант ўрали сверхрешеткаларда оптик-деформация ўзаро таъсир этиш назариясини яратишдир.

Сверхрешеткаларда квантли ўрасининг қалинлигини ҳисобга олган ҳолда ва қия чуқурликли квантли ўрали сверхрешеткаларда модификацияланган экситон резонансли частоталар яқинида резонанс диэлектрик сингдирувчанлик ва фотоэластиклик коэффициентларни топишнинг умумлашган услуби яратилди. Квантли ўралда экситонларнинг утириб колиши ва сверхрешеткада максимал жойлашуви зичлиги экситонларининг ошишига боғлиқ равища диэлектрик сингдирувчанлик ва фотоэластиклик коэффициентларининг салмоқли ошиши кўрсатилди. Сверхрешеткада квантли ўрасини ҳосил қилувчи қатламда турган ўзаро таъсирлашмайдиган электрон ва ковакларни экситонга ухшаш осциллятор деб қараш мумкинлиги кўрсатилди. Илк бор экситоннинг квант чуқурлигига утириб колиши экситон ва зоналараро резонанс яқинида диэлектрик сингдирувчанлик ва фотоэластик коэффициентларнинг салмоқли ошишига олиб келишлиги кўрсатилди.

Тадқиқот натижалари яримўтказгич кристаллари оптик параметрларининг деформация уйғонишига сезгирлиги тўғрисидаги билимларни кенгайтиради. Бу натижалар асосида экситон ва зоналараро резонанс соҳасида ишловчи ва анчагина кичик бошқарув қувватга ҳамда ташқи товуш сигналларига нисбатан катта сезгирликка эга бўлган янги типдаги акустооптик курилмалар яратилиши мумкин.

**Қаранг яна: А.М.Муралиев (04.00.22)**

## Биология фанлари

**Қаранг: Д.А.Мусаходжаева (14.00.36)**

## Геология-минералогия фанлари

**Нугманов Асхат Хабибуллович:** «Амударё синеклизаси шимолий қисмининг нефть-газга истиқболлиги, нефть ва газ уюмларининг ҳамда тутқичларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари» (**04.00.17**) - Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти (100059, Тошкент, Шота Руставели кўч., 114. Тел.: 250-92-15, факс: 250-92-15) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.Р.Хўжаев

Иш бажарилган ташкилот: Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ОАЖ

Оппонентлар: Т.Л.Бобоҷонов, А.Г.Ибрагимов, Р.Н.Ибрагимов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Геология ва геофизика институти

Ишнинг мақсади Бухоро-Хива ва Жануби-Ғарбий Ҳисор нефть-газли регионларининг тектоник ривожланиш тарихини, ҳамда чўқинди қопламида ва хусусан, юра даври чўқинди қопламида жинсларнинг тўпланиш шароитларини тавсифлаш, юра даври ётқизикларида нефть ва газнинг маҳсулдор тутқичлари ва уюмлари шаклланишининг қонуниятларини ва вақтини асослаш, нефть-

газлилик истиқболини баҳолаш ва геологик-разведка ишларининг асосий йўналишларини белгилашдан иборат.

Чўкинди қопламаси бўлимлари палеотектоник таҳлил қилиниб, юра даври ётқизиқларидағи конлар юра даврида пайдо бўлиб палеоген асри охиригача конседиментацион узилишлар билан ривожланган тутқичларга тўғри келиши аниқланди. Ўрганиб чиқилган тутқичларнинг катта қисмининг маҳсулсизлиги уларнинг неоген даврида регионал миграция ниҳоясига етгач пайдо бўлганлиги билан боғлиқ. Мезозой ва кайнозой эрасида суюқ ва газсимон УВ миграцияси ривожланишида ҳамда нефтли ва газли жинсларнинг ҳосил бўлишида регионал тектоник ҳаракатларнинг аҳамияти тавсифланади. Регионларнинг юра ва бўр даври ётқизиқларидағи нефть, газ ва конденсатнинг башоратли ресурслари баҳоланди. Нефть ва газ учун биринчи навбатда геологик-разведка ишлари амалга ошириладиган участкалар ва зоналар ажратилди.

Бурғилаш маълумотлари бўйича аниқланган тутқичларнинг маҳсулдорли тўғрисидаги қонуниятдан фойдаланиб узок ривожланиш мобайнида ҳосил бўлиши мумкин бўлган мобайнида тутқичлар зоналари ва участкаларини аниқлашда фойдаланилади. Унинг асосида тайёрланган структураларнинг маҳсулдорлигини башорат қилиш методикаси тавсия этилади. Мавжуд гипотезалардан фарқ қиласидаги денгиз галогенезининг янги схемаси ишлаб чиқилди. Туз остидаги карбонат ётқизиқларида нефть-газ ҳосил қиласидаги жинслар пайдо бўлишида галогенезнинг бошланғич босқичининг роли асосланди.

**Муралиев Абдирашит Муркамилович:** «Тян-Шан зилзила ўчоқларининг сейсмологияси» (**04.00.22-физика-математика фанлари**) – ЎзР ФА Сейсмология институти (100128, Тошкент, Зулфияхоним кўч., 3) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: К.А.Абррахматов

Иш бажарилган ташкилот: Қирғизистон Республикаси МФА Сейсмология институти

Оппонентлар: Р.С.Ибрагимов, А.М.Сайибекова, А.И.Ходжиметов.

Етакчи ташкилот: Қозогистон Республикаси Сейсмология институти

Ишнинг асоси мақсади Тян-Шан ер қобигининг деформацияланиш механизми ва кучланганлик холатининг сейсмотектоник моделини қуриш, ер қобиги кучланганлик холати билан энергия миқдори бўйича зилзилалар тақсимланиши ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш ва таклиф қилинган модел асосида Қирғизистон ҳудудининг сейсмик хатарлилик даражаларини прогностик баҳолашдан иборат.

Ишда қобиқ зилзилалари тўпламишининг кинематик (зилзила ўчоқлари механизми) ва статистик (сейсмик режим) ҳусусиятларини биргалиқда таҳлиллаш усули ишлаб чиқилган. Ишда илк бор зилзила ўчоқлари механизми, сейсмик режим ҳамда сейсмотектоник деформациялар ва кучланганлик холатлари Тян-Шан ер қобиги учун биргалиқда таҳлил қилинган. Тян-Шан ҳудуди учун тўртта турли деформацияланиш турлари: горизонтал сиқищдаги кўтарилиш, вертикал сиқищдаги кўтарилиш, вертикал тортилишдаги чукурлашиш ва горизонтал тортилишдаги чукурлашиш шакллари ажратилган. Зилзила ўчоқлари механизми, сейсмотектоник деформациялар, ер қобиги кучланганлик холатлари ва сейсмик майдоннинг макон ва вақтда ўзгаришидан зилзила ўчоқларининг сейсмологияси ва Тян-Шан зилзилалари физикасининг илмий асослари ривожлантирилган. Тян-Шан бўйича сейсмологик материаллардан фойдаланиб деформацияланиш механизмини ва ер қобиги кучланиш кўринишларини аниқлаш методи региондаги бошқа сейсмик ҳавфли ҳудудларнинг замонавий сейсмотектоник ҳаракатларини ўрганишда ўз амалий аҳамиятига эга.

## Техника фанлари

**Қосимов Каримжон:** «Қишлоқ хўжалик ва мелиорация машиналари деталлари ресурсини оширишнинг технологик асослари» (**05.20.03**) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўч., 39. Тел.: 237-19-31, факс: 233-09-19) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Т.С.Худойбердиев

Иш бажарилган ташкилот: Андижон қишлоқ хўжалик институти

Оппонентлар: Ш.А.Шообидов, С.Н.Шамшетов, К.К.Нуриев

Етакчи ташкилот: «Ўзагромашсервис» уюшмаси

Ишнинг мақсади: Куқунсимон композицион материалларни пайвандлаб қоплаб қайта тиклаш орқали ейилган деталларнинг ресурсини оширишнинг технологик асосларини яратиш.

Кўйидаги янги илмий натижалар олинди:

- ишқаланиш жуфти биримларни ресурсини машинанинг икки ва ундан ортиқ таъмирлашлараро ресурсига тенг ортишини таъминловчи деталнинг ейилишга чидамлилик кўрсаткичлари ва уларнинг асосланган қийматлари;
- куқунсимон композицион материаллардан контакт пайвандлаб қатлам олиш кўрсаткичларининг уларга таъсири этувчи омилларга боғлиқ равиша ўзгариш қонуниятлари;
- шакллантирилган куқунсимон композицион материаллардан олинган пайванд қатламнинг режим ва технологик кўрсаткичларини ифодаловчи аналитик ва график боғланишлар;
- қишлоқ хўжалик ва мелиорация машиналари деталларининг ресурсини ортирувчи куқунсимон композицион материаллардан олинган пайванд қатламнинг гетероген структураси;
- шакллантирилган куқунсимон композицион материаллардан олинган пайванд қатламнинг таркиби ва хоссаларини асослаш устида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини ифодаловчи боғланишлар.

## Иқтисод фанлари

**Мухитдинова Умидахон Саидахтаровна:** «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари» (**08.00.04**) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий маслаҳатчи: Б.К.Ғойибназаров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Р.В.Абдуллаев, Ф.Х.Қудратов, Ф.Х.Назарова

Етакчи ташкилот: ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ишнинг мақсади: миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорини барқарор ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари аниқланди;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг ривожлантириш омилларининг таъсири механизми асослаб берилди;
- мева-сабзавотчилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди;
- мева-сабзавотчилик маҳсулотларини маркетинги тизимини тақомиллаштириш йўллари таклиф қилинди;
- республика мева-сабзавотчилик ва узумчилик бозорини ривожлантиришда синергик самарадорликни баҳолаш услубиётини кўплаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Абдурахманов Одил Қаландарович:** «Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш комплекс тизимини шакллантириш ва унинг самарадорлиги» (**08.00.13**) – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Д.Н.Рахимова

Иш бажарилган ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Оппонентлар: С.С.Ғуломов, М.Л.Турсунходжаев, А.Э.Ишмуҳамедов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини ривожлантириш шароитида меҳнатни муҳофаза қилиш ва касбий хавфларни ижтимоий суғурталаш комплекс тизимини бошқаришни шакллантириш.

Диссертация тадқиқоти давомида эришилган илмий натижалар қўйидагилардан иборат ва уларнинг янгилиги: муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишда меҳнатни муҳофаза

қилишнинг ўрни аниқланди ҳамда муносиб меҳнат хусусиятининг мақсадли йўналишига аниқлик киритилди; “меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш” тушунчасининг тизимли белгилари таснифига тааллуқли қисмiga аниқлик киритилди, бу мазкур соҳада асосли бошқарув қарорлари қабул қилишга комплекс ёндашиш имконини беради; меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришда давлатнинг роли аниқланди ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш комплекс тизимининг ташкилий чизмаси таклиф этилди, бу ҳам макро-, ҳам микродараҷаларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширишни таъминлашга хизмат қиласи; мамлакат хўжалик фаолиятида бозор ўзгартишлари таъсирида меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатини аниқлайдиган омилларнинг ўзаро боғлиқ тизими ишлаб чиқилди; иш берувчилар, ходимлар, касаба уюшмалар ва давлат ўртасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий суғурталашни бошқариш комплекс тизимини шакллантиришда ижтимоий шерикликнинг зарурати исботланди; касбий хавфларни бошқариш тизимини яратиш зарурати асосланди ҳамда ижтимоий ва касбий хавфларни суғурталаш институтини тақомиллаштириш, актуар ҳисоб-китоблар асосида суғурта мажбуриятлари уларни қоплаш ресурслари эквивалентлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан меҳнат муҳофазасини бошқариш, қонунчилик ташаббусларини ўрганиб чиқиш борасидаги ишларни тақомиллаштириш муаммолари юзасидан таҳлилий ва башорат материалларини тайёрлашда, мутахассисларни ўқитиш соҳасидаги ўқув дастурларини тузишда фойдаланиш мумкин.

## Юридик фанлар

**Рузметов Хайрулло Ибадуллаевич:** «Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари» (12.00.02) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.Т.Тўлаганов

Иш бажарилган ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Оппонентлар: О.Т.Хусанов, Ҳ.Т.Одилқориев, Б.Э.Жўраев

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкилий-хуқуқий асосларини назарий ва амалий жиҳатларини комплекс ўрганиш; ривожланиш тенденциясини аниқлаш; ривожланган хорижий давлатларни тажрибасини таҳлил қилиш ва уларни бизнинг давлатчилигимиз шароитида қўллаш мумкин бўлган қирраларини аниқлаш; шу асосда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси хуқуқий фанида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларининг муаммолари комплекс тарзида илк бор кўриб чиқилди. Уларни ташкил этилиши ва фаолиятининг сиёсий, хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатларини таҳлили ўтказилди. Объект Ўзбекистонни демократик хуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган янги сиёсий дастурини амалга оширишни инобатга олган ҳолда тадқиқ қилинган.

Ишлаб чиқилган назарий хulosалар ва амалий таклифлар маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш вазифасини ҳал қилишда фойдаланилиши мумкин, шунингдек ишнинг негизида уларни хуқуқий мақомини ривожлантириш истиқболларининг йўлларини кўрсатувчи ғоялар илгари сурилган.

## Тиббиёт фанлари

**Таджиев Ботир Мирхашимович:** «HBV ва HCV инфекцияларнинг клиник ташхисоти ва молекуляр-генетик хусусиятлари» (14.00.10) – ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ (100133, Тошкент, Решетов кўч., 2. Тел.: 243-36-05) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: А.Х.Закирходжаев

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент педиатрия тиббиёт институти,  
ЎзР ССВ Вирусология ИТИ

Оппонентлар: Ф.И.Иноятова, Л.Н.Туйчиев, С.Х.Вафакулов

## **Етакчи ташкилот: Иркутск давлат тиббиёт университети**

Ишнинг мақсади: Гепатит В ва С вирусларининг молекуляр-генетик ҳусусиятларини аниқлаш ва бу кўрсаткичларни ўткир гепатит В, сурункали гепатит В, С ва микст В+С гепатитларнинг ташхисига, клиник кечишига ва оқибатларига аҳамиятини ўрганиш.

Илк бора ўткир ва сурункали В, С ҳамда В+С микст-гепатитларда HBV вируси мутацияси натижасида ҳосил бўлган касалликнинг HBeAg-негатив ва оккульт шакллари учраб туриши ўрганилди. Замонавий босқичда СВГВ, СВГС, ҳамда В+С микст гепатитларнинг серологик ва молекуляр-генетик ташҳис килиш усувлари имкониятлари аникланди. СВГВ, СВГС, ҳамда В+С микст гепатитларда вируснинг молекуляр-генетик ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташҳисот алгоритми ишлаб чиқилди. Вируснинг генотипига боғлиқ серологик атилик СВГВ, СВГС, ҳамда В+С микст гепатитларда беморлар қони ва жигарида HBV ДНК, HCV РНКни аниқлашда молекуляр-генетик усувларнинг аҳамияти юқорилиги исботланди, ушбу кўрсаткичлар бошқа лаборатор текширув усувлари билан биргаликда инфекцион жараённи ташҳислаш, жараён характерини аниқлашга ёрдам беради. СВГВ, СВГС, ҳамда В+С микст гепатит беморларига жигар пункцион биопсиясининг ўтказилиши зарурлиги асослаб берилди. Бу, айниқса, гепатитнинг оккульт шаклларида нафақат патологик жараённинг фаоллигини, касаллик даврини аниқлаш учун қолаверса касалликнинг этиологияси ҳамда оқибатларини вируснинг молекуляр-генетик ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлашга ёрдам беради. В+С микст гепатитлар кўп тарқалганилиги, ҳамда атилик серологик кўринишга олиб келувчи вирус мутациялари кўплигини ҳисобга олиб ҳар бир СГ беморида барча серологик, молекуляр-генетик маркерларни аниқлаш мақсадга мувофиқидир. Молекуляр-генетик ва серологик усувлар мажмуси нафақат вирусни аниқлаш, балки бемор қони ва жигар тўқимасида маркерлар борлигига қараб касаллик кечиши ва оқибатини башоратлашга ҳам ёрдам беради.

**Беркинов Улугбек Бозорбаевич:** «Видеоторакоскопик амалиётларни яратиш ва такомиллаштириш» (14.00.27) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 150-78-25) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ш.И.Каримов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: С.И.Емельянов, В.Д.Паршин, А.Е.Аталиев

Етакчи ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Ишнинг мақсади – видеоторакоскопик амалиётлар бажарилиши уринилаётган беморларда техник, тактик ва даволаш йўлларини яратиш ва такомиллаштириш орқали уларни натижаларини яхшилаш.

Иш асосида 452 та беморларда даво ва текширув давомида уринилган 499 видеоторакоскопик амалиётлар (ВТА) натижалари таҳлили ётади. Беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинган: назорат гуруҳи – ВТА стандарт усули бўйича бажарилган 210 bemor ва асосий – ВТА киритилган янгиликлар ва такомиллаштиришлар асосида бажарилган 242 bemor.

Ўтказилган текширув ВТА назорат ва асосий гурухларда акс эттирилган бир неча хил патологияларда самародорлигини тасдиқлади. Шунга қарамай назорат гурухида бажарилган ВТА етарлича самарадосизлик факторлари аниқланган ва илмий тасдиқланган. Шуни ҳисобга олиб асосий гуруҳ беморларда техник, тактик ва даволаш яратишлар ва такомиллаштиришлар киритилган: ЭҲМ учун ВТА бажариш шароитини баҳоловчи программа яратилган ва унинг асосида кўкрак қафасининг тузилиши ва патологик жараённинг жойланишига қараб ВТА бажарилишида троакарларнинг оптимал киритиш зоналари аниқланган; видеоассистланган эхинококкэктомия бажарилишида эхинококк бўшлигини янги капитонаж усули яратилган ва у математик йўли орқали асосланган, ундан ташқари эхинококк бўшлиқларини оптимал капитонаж усувлари аниқланга; кўкрак симпатэктомиясини бўлажак эффектини янги башорат қилиш усули таклиф этилган; Рейно синдроми билан хасталангандан беморларда операциядан олдинги даврда пульс-терапия ўтказиш тавсия этилганг ва ундан ташқари 4 даражали оёқ-қўл ишемияли ушбу беморларда видеоторакоскопик симпатэктомиянинг бажарилиши такомиллаштирилган. Буларнинг хаммаси асосий гурух беморларда уринилган ВТА 99,2% ҳолларда очик усулага ўтмасдан бажаришга, амалиётдан кейинги даврда торакотомия бажармасликга ва ВТА ўрта бажариш вақтини  $63,7 \pm 4,2$  мин дан  $48,5 \pm 2,4$  мин гача қисқартиришга олиб келди.

**Мусаходжаева Дилярам Абдуллаевна:** «Аёлларда ҳомиладорликдан ташқари ва ҳомиладорлик пайтида нормал ҳолатда ва ноқулай омиллар таъсир

этганда иммунобиологик кўрсаткичлар» (**14.00.36-биология фанлари**) - ЎзР ФА Иммунология институти (100060, Тошкент, Я.Фуломов кўч., 74. тел/факс: 133-08-55) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Т.У.Арипова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иммунология институти

Оппонентлар: Н.А.Нуралиев, Ю.К.Жабборова, Б.А.Садыков

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Аёлларда ҳомиладорликдан ташқари ва ҳомиладорлик пайтида нормал ҳолатда ва нокулай омиллар таъсир этганда иммун тизим ҳужайравий ва гуморал бўғини ҳамда цитокинлар мақоми кўрсаткичларини ўрганиш.

Репродуктив ёшдаги амалий соғлом аёллар ҳайз циклига боғлиқ ҳолда узгарувчи яллиғланиш олди (IL-1B, IL-6, TNF $\alpha$ , IFNy) яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинлари ва ўткир фаза оксилиларининг циклик синтези биринчи марта аниқланди. Лютеин фазада апоптоз жараёнининг активацияси биринчи марта кўрсатилди, бу Ҳайз циклининг шу фазасида антраваль фолликулларнинг кайта ривожланишида катта аҳамиятга эга. Тухумдонда пролифератив жараёнлар ривожланишига TNF $\alpha$  нинг юкори даражаси ингибирловчи таъсири аниқланди. Шикастловчи омиллар таъсирида иммунитет тизимида бузилишлар рўй беради, бу эса туғиш ёшидаги аёллар репродуктив функциясида акс этади. Ҳомиладорлик физиологик кечишининг гестация динамикасида цитокинлар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги иммунологик характеристикиси биринчи марта берилди.

Туғруқ фаолиятида яллиғланишга қарши цитокинларнинг даражаси камайиши ва яллиғланиш олди цитокинларининг даражаси кутарилиши биринчи марта кўрсатилди.

Ҳомиладорлик даврида иммунологик толерантликни ушлаб туришда яллиғланишга қарши ва яллиғланиш олди цитокинларини даражаси нисбати аҳамиятли рол ўйнаши аниқланди, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг баланси бузилиши ҳомиладорлик вақтида иммунологик толерантлик ечилиши ва трофобласт ёки плацента кўчишига олиб келиши кўрсатилди.

**Убайдуллаева Камола Маратовна:** «Ўзбекистонда сурункали обструктив ўпка касаллиги шаклланишининг клиник-патогенетик жиҳатлари ва унинг мажмуавий давосини мукаммаллаштириш» (**14.00.43, 03.00.04**) – ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пулмонология ИАТМ (100086, Тошкент, Алимов кўч., 1. Тел.: 278-04-70) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчилар: Ш.У.Исмаилов, К.С.Казаков.

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган  
Фтизиатрия ва пулмонология ИАТМ

Оппонентлар: Д.Х.Махмудова, А.Л.Аляви, А.А.Абидов

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда СОЎК шаклланишининг концептуал моделини асослаш ва унинг асосида касалликни барқарорлаштириш ва беморлар ҳаёт сифатини оширишга қаратилган даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш.

СОЎК билан хасталанган 174 беморларни комплекс клиник текшириш асосида Ўзбекистоннинг худудий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда СОЎКнинг шаклланиши ва ривожланишининг концептуал модели ишлаб чиқилди, бу СОЎКнинг шаклланувчи типини, касалликнинг кечишини ва оқибатини олдиндан аниқлади. Бунда алмашинув жараёнлари, газ алмашинуви ва кислород транспорт тизими бузилишлари билан намоён бўлувчи бир-бирига боғлиқ чуқур ўзгаришлар шаклланишига хлорорганик брикмалар (ХОБ) таъсири акс эттирилган.

Кислород ташиш тизими функциялари, эритроцит даражасида гликолитик ва ферментатив жараёнлар, ҳамда ишлаш кобилияти ва газлар алмашинувининг пасайишига сабаб булувчи фиброзланиш жараёнининг ҳосил бўлиши томон йўналтирилган коллаген алмашинувининг бузилишларида ХОБ нинг узок токсик таъсири оқибатлари акс эттирилган.

Респиратор мушаклар толиқиши индексининг ва жисмоний юкламага толерантликнинг пасайиши, гипоксемия, гиперкарпния ва тана вазни индекси даражалари билан боғлиқ касалликнинг ноxуш оқибати мезонлари илк бор ишлаб чиқилиб, улар касалликнинг ўта оғир босқичидаги 41,4% bemорларда ноxуш оқибатни башорат қилишга имкон беради.

СОЎКни даволашнинг янги йуналиши – патогенетик бузилишларни ва нафас мушаклари функционал фаоллигини тикловчи, шунингдек касаллик ривожланишини олдини олувчи ва ҳаёт сифати оқибатларини яхшиловчи антигипоксант ва метаболик терапия, ҳамда нафас мушаклари стимуляцияси ишлаб чиқилди.

**Арипов Орифжон Абдумаликович:** «Гепатитларда хужайра ўлимининг молекуляр механизмлари ва уларни тиклаш йўллари» (**14.00.46, 03.00.04**) - Тошкент тибиёт академияси (100047, Тошкент, Тараккиёт кўч., 103) (диссертация рус тилида)

Илмий маслаҳатчи: Ф.И.Иноярова

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган педиатрия ИАТМ

Оппонентлар: А.И.Камилов, Т.С.Саатов, О.В.Шамшева

Етакчи ташкилотлар: РТФА Биотибиёт кимёси ИТИ,

Тошкент педиатрия тибиёт институти

Ишнинг мақсади: жигарнинг ўткир ва сурункали шикастланишларида гепатоцитлар ўлими механизмлари ва уларнинг тикланишини апоптоз ва некроз нуқтаи назарида ўрганиш, гепатоцитлар шикастланишларининг структур-биохимик ва клиник патофизиологик маркерларини излашдан иборат. Сурункали гепатитларнинг диагностикаси, давоси ва кечишини баҳоловчи усусларни такомиллаштириш.

Болаларда гепатитлар кечишини баҳоловчи патогенетик механизмлар бўлиб, гепатоцитларнинг ўлиш йўллари ичда некроз йўлиниг устун бўлиши хисобланади. Некроз йўлиниг апоптоз йўлидан устун бўлишини таъминловчи маркерлари бўлиб цитолитик синдромнинг яққоллик даражаси, Т-хужайра звеноси иммунитети функционал холатининг пасайиши CD-95, NO махсулотлари ва ФНО – с микдорининг ортиши кузатилади.

Жигарнинг экспериментал шароитда шикастланишларида гепатоцитлар янгиланишини белгиловчи P53 ва PCNA специфик оқсиллари экспрессиясининг бузилиши кузатилади. Жигарнинг сурункали токсик шикастланишларида жигар хужайралари ўлимининг юқори микдорда бўлишига қарамасдан, жигар хужайраларининг митотик фаоллиги паст даражада қолади ва бу эса апоптоз жараёнининг некроз жараёнидан устунлик қилаётганлигини билдиради.

Аниқланишича ўткир ва айниқса сурункали гепатитларни даволашнинг илғор принциплари бўлиб гепатоцитлар ўлимининг некроз йўлини апоптоз йўлига айлантириш, апоптоз ва жигар хужайралари янгиланишини таъминлаб турувчи хужайра ўлимининг физиологик йўлини қайта тиклаш ётади.

## **ФАН НОМЗОДИ илмий даражасини олиш учун**

### **Физика-математика фанлари**

**Зуннунов Раҳимжон Темирбекович:** «Чегараланмаган ва чегараланган соҳаларда аралаш типдаги тенглама учун чегаравий масалалар» (**01.01.02**) – ЎзРФА Математика ва информацион технологиялар институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29. Тел.: 262-75-44, факс: 262-73-57) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Қ.Ўринов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзРФА Математика ва информацион технологиялар институти

Оппонентлар: Б.И.Исломов, А.Р.Хошимов

Етакчи ташкилот: РФА Кабардин-Балкар илмий маркази Татбиқий математика ва автоматлаштириш ИТИ

Мавзунинг долзарблиги. Аралаш типдаги тенгламалар - хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг янги ва жадал ривожланаётган йўналишларидан бири хисобланади. Бундай тенгламалар синфига ва нолокал чегаравий масалаларга қизиқиш олинган натижаларнинг назарий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳамда уларнинг кўплаб тадбиқлари газодинамикада ва гидродинамикада, қаттиқ жисмлар физикасида, математик биологияда ва билимнинг бошқа соҳаларида мавжудлиги билан изоҳланади.

Ишнинг асосий мақсади аралаш типдаги тенглама учун чегараланмаган ва чегараланган соҳаларда нолокал чегаравий масалаларни кўйиш ва тадқиқ қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги.

- юқори ярим текислик ва характеристик учбурчақдан ташкил топган соҳада аралаш типдаги тенглама учун А.М. Нахушев шартларига ўхшаш шартлар билан берилган силжишли чегаравий масалаларни бир қийматли ечилиши исботланган;

- эллиптик қисми вертикал ярим полосадан ёки тўғри тўртбурчақдан, гиперболик қисми эса характеристик учбурчақдан ташкил топган аралаш соҳаларда аралаш типдаги тенглама учун бир чегаравий характеристикада нолокал шарт берилган чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

- горизонтал ярим полоса ва чегараланмаган характеристик учбурчақдан ташкил топган соҳада аралаш типдаги тенглама учун чегаравий характеристикада нолокал шарт билан берилган чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши исботланган ;

- ярим текислиқда, тўғри тўртбурчақда, вертикал ва горизонтал ярим полосаларда эллиптик типдаги тенглама учун Хольмгрен масаласига ўхшаш айрим масалаларнинг ечимлари топилган.

**Каримов Камолиддин Тўйчибоевич:** «Иккита сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар учун ички-чегаравий масалалар» (**01.01.02**) – ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29. Тел.: 262-75-44) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Қ.Ўринов

Иш бажарилган ташкилот: Фарғона давлат университети

Оппонентлар: Ж.О.Тохиров, А.М.Нагорный

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Мавзунинг долзарблиги. Аралаш типдаги тенгламалар назарияси хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай тенгламалар синфиға қизиқиш олинган натижаларнинг назарий аҳамиятга эга эканлиги билан ҳамда уларнинг жуда кўп тадбиқлари газ ва гидродинамикада, сиртнинг чексиз кичик эгилиши назариясида ва ўзгарувчи ишорали эгилишга эга бўлган қатлам назариясида, яхлит муҳит механикасининг турли бўлимларида ва билимнинг бошқа соҳаларида мавжудлиги билан изоҳланади. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатадики, бундай тенгламалар биологик жараёнларни моделлаштирилишида асос ҳисобланади.

Ишнинг асосий мақсади иккита сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар учун ички-чегаравий масалалар тадқиқотидан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Иккита сингуляр коэффициентга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун янги ички-чегаравий масалалар ва хос қиймат ҳақидаги масалалар кўйилган. Регуляр ва умумлашган ечимлар синфида кўйилган масалаларнинг бир қийматли ечилиши исботланган, кўйилган хос қиймат ҳақидаги масалаларнинг хос қийматлари ва хос функциялари топилган.

**Юлдашева Асал Викторовна:** «Жуфт тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар» (**01.01.02**) – ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29. Тел.: 262-75-44, факс: 262-73-57) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.Аманов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Оппонентлар: О.Р.Холмуҳамедов, Б.Ж.Қодирқулов

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Мавзунинг долзарблиги. Реал дунёдаги тараққиётларнинг математик моделлаштириш хусусий ҳосилали тенгламалар учун бошланғич-чегаравий, тўғри ва тескари масалаларга келтирилади. Аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу кунга қадар жуфт тартибли аралаш типдаги тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади: Жуфт тартибли тенгламалар ва аралаш типдаги жуфт тартибли тенгламалар учун тўғри ва тескари масалаларни кўйиш ва тадқиқ қилиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тўғри тўртбурчакли соҳада жуфт тартибли тенгламалар ва аралаш типдаги жуфт тартибли тенгламалар учун тўғри масалаларнинг соҳа

ўлчамларига боғлиқ ҳолда бир қийматли регуляр ечимининг мавжудлиги кўрсатилган. Қаралаётган тўғри масалаларнинг қучли ечимга эгалиги исботланиб, спектрал хоссалари ўрганилган. Айрим тўғри масалаларнинг ечими учун априор баҳо олинган. Жуфт тартибли тенгламалар ва аралаш типдаги жуфт тартибли тенгламалар учун қўйилган тескари масалалар учун ягоналик ва мавжудлик теоремалар исботланган.

**Мирзоев Акмал Аҳадович:** «Қаттиқ заррачалар ёнаётган икки фазали струяларни моделлаштириш» (**01.02.05**) – ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти (100125, Тошкент, Академшаҳарча, Дўрмон йўли кўч., 31. Тел.: 262-71-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Я.Д.Ходжаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Оппонентлар: И.Қ.Хўжаев, Ф.Алиев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Самарқанд бўлими Минтақавий муаммолар комплекс ИТИ

Ишнинг мақсади: Қаттиқ заррачаларнинг турбулент струя оқимларда аралашуви ва ёниши жараёнларини ўрганиш учун адекват математик моделинини, уни ечишнинг самарали сонли усулини ишлаб чиқиши.

Ишда икки фазали струяларда кўмир заррачалари ёнишининг соддалаштирилган, ўзаро киришувчи муҳитлар назарияси асосидаги математик модели курилган ва олинган дифференциал тенгламалар системасини ечиш учун самарали сонли усул ишлаб чиқилган. Икки фазали струяларда кўмир заррачаларининг диффузион ёниши ҳамда чекли тезлиқда кимёвий реакцияга киришиши жараёнлари турбулент чегаравий қатлам назарияси яқинлашуви асосида тадқиқ қилинган.

Олинган натижалар, ҳамда ёқилғи ва ҳаво сарфининг критик нисбатларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган усул кўмир ёқилғисини ёқишининг экологик ва иқтисодий мақсадга мувофиқ режимларини ташкил этиш имконини беради. Реакция маҳсулини узлуксиз ҳайдаш йўли билан турбулент аралашув жараёни кечадиган, монодисперс ёқилғининг гетероген ёниш режимда заҳарли чиқиндиларни салмоқли камайтириш имконияти мавжудлиги исботланган. Таклиф этилган математик модель ва сонли алгоритмлар, қаттиқ заррачаларни газ муҳитида ёқишининг янги технологияларининг дастлабки экспертизасида, шунингдек икки фазали муҳит струялари назариясининг ривожи учун фойдаланиши мумкин.

**Холияров Эркин Чоршанбиевич:** «Турғун ва турғунмас қатламларда эластик-пластик сизишнинг тўғри ва тескари масалалари» (**01.02.05**) – ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти (100125, Тошкент, Академшаҳарча, Дурмон йули кўч., 31. Тел.: 262-71-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.Х.Хўжаёров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Самарқанд бўлими Минтақавий муаммолар комплекс ИТИ

Оппонентлар: А.А.Хамидов, Ш.Каюмов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Иш турғун ва турғунмас қатламларда эластик-пластик сизишнинг тўғри ва тескари масалаларини тадқиқ этишга бағишиланган. Ишда турғунмас қатламларда эластик-пластик сизишнинг самарадор математик моделлари танланган ва улар асосида бир қатор янги масалалар ечишган. Текис-параллел ҳол билан таққослаб текис-радиал қатламларда қатлам босими тушиш жараёни ва турғунмас соҳа чегарасининг қатлам ичига тарқалиши секинлашиши, турғунмас соҳада сизиш тезлигининг юқорилиги кўрсатилган.

Турғун ва турғунмас қатламларда эластик-пластик сизиш режимида юксизланиш тўлқини тарқалиши тадқиқ этилган. Турғун қатламларда ғоваклик ўзгариши тикланмаслик коэффициентининг ошиши билан юксизланиш тўлқини ва сизиш режими ўзгариши таъсир соҳаси чегараси тарқалишининг жадаллашуви кўрсатилган. Қатлам жинси пластиклик ва турғунмаслик омилларининг ошиши билан юксизланиш тўлқини жадаллашади. Танланган параметрларнинг қийматларида қатлам жинси пластиклик омиллари юксизланиш тўлқини тарқалишига қатлам жинси турғунмаслиги омилларига нисбатан кўпроқ таъсир қиласди.

Биринчи марта суюқликлар эластик-пластик сизишининг тескари масалалари ечилган ва ҳар хил кўринишдаги бошланғич маълумотлар учун унинг параметрлари аниқланган. Идентификация усулини қўллаб координата бўйича «қўшимча маълумотлар» берилган нуқталар микдорини ошириб итерациялар миқдори камайиши ўрнатилди. Детерминистик моментлар усулини қўллаб босим тушиши ва кўтарилиш жараёнида босим ўтказувчанлик коэффициентларини ва қатлам ўтказувчанигини аниқлаш учун содда формулалар чиқарилди.

**Узоқов Абдулла Абдураимович:** «Тербий ортоалюминати  $TbAlO_3$  нинг оптик ва магнитооптик хусусиятлари» (01.04.05) – ЎзР ФА Иссиқлик физикаси бўлими (100135, Тошкент, Қатортол кўч., 28. Тел.: 276-44-57) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: У.В.Валиев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: К.М.Муқимов, И.А.Хусаинов

Етакчи ташкилот: Урал давлат университети (Екатеринбург, Россия)

Тербий ортоалюминати  $TbAlO_3$  структурасидаги  $Tb^{3+}$  нодир ер иони асосий  $^7F_6$  ва ғалаёнланган  $^5D_4$  мултиплетларининг Штарк интерваллари катталиклари ва Штарк сатҳчаларининг тўлқин функциялари тербий ортоалюминатининг 8÷300 К температуралар интервалидаги оптик спектрларни (ютилиш, люминесценция) экспериментал изланишлар ва  $TbAlO_3$  орторомбик кристаллининг турли хил кристаллографик ўқлари бўйлаб ўлчанганд магнит қабул қилувчанлик  $\chi$  нинг температуравий боғланишларни солишириш натижасида аниқланган маълумотлар  $C_S$  симметрияли кристалл майдондаги  $Tb^{3+}$  нодир ер иони энергетик спектрини ҳисобланган маълумотлари билан яхши муносабатда эканлиги кўрсатилган.  $TbAlO_3$  орторомбик кристаллининг [001] ўқи - «с» ўқи бўйлаб ўлчанганд магнит қабул қилувчанлик  $\chi$  нинг температурага боғланиши  $C_S$  симметрияли кристалл майдондаги нокрамерс нодир ер ион  $Tb^{3+}$  нинг асосий  $^7F_J$  ва ғалаёнланган  $^7F_J$  ( $J=0,1,\dots,6$ ),  $^5D_J$  ( $J=3,4$ ) мултиплетларининг аналитик топилган Штарк сатҳчалари тўлқин функциялари асосида назарий ҳисобланган аналогик боғланиш билан яхши муносабатда эканлиги аниқланди.  $TbAlO_3$  нодир ер ортоалюминатининг [110] ромбик кристалл ўқи бўйлаб ўлчанганд Верде доимийсининг температурага боғланишининг нотривиал хусусиятлари ташки магнит майдон ҳисобига  $Tb^{3+}$  ион электрон ҳолатларининг Ван-Флек «араласиши» механизмининг  $T=85\text{--}300$  К интервалда  $TbAlO_3$  нодир ер ортоалюминатининг Фарадей бурилишига таъсири йўқлиги билан боғланганлиги кўрсатилган.

**Зоирова Пола Хамидовна:** «Галлий арсениди асосидаги уч тўсиқли фотодиоднинг электрофизик ва спектрал характеристикалари» (01.04.10) - ЎзР ФА «Физика-Қўёш» ИИЧБ Физика-техника институти (100084, Тошкент, Бодомзор йўли кўч., 2Б. Тел.: 233-12-71, факс: 235-42-91) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.В.Каримов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Физика-техника институти

Оппонентлар: М.С.Бахадырханов, Н.А.Матчанов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади арсенид галлий ва унинг бирикмалари асосидаги гетероўтишнинг хажмий зарядлар соҳасида содир бўлаётган физик жараёнларни аниқловчи механизмларни ўрнатиш, хамда ҳар хил миқдордаги гетероқатламли уч тўсиқли структуранинг спектрал ва ток характеристикаларига тўғриловчи тўсиқларнинг таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Қўллашниш мақсадига қараб диэлектрик ўтказувчанигини хамда индий ва алюминийларни миқдорини танлаш асосида биринчи бор уч тўсиқли фотодиод  $Au-pAlGaInAs-nGaAs:O-Ag$ -структуралари олинган,  $pAlGaInAs-nGaAs$  гетероўтиш асосида олинган бир ва уч тўсиқли структураларда тўғриловчи тўсиқларнинг фотоказулқилгич спектрал диапазонини узун тўлқин узунлиги томон силжишидаги ахамияти аниқланган. Ёпилувчи тўсиқларнинг хажмий зарядлари орқали гетероқатламни квазинейтрал қисмини торайиши натижасида саёз жойлашган фотогенерация қисмига боғлиқ фототокларнинг юқори қийматига  $Au-pAl_{0.08}Ga_{0.82}In_{0.1}As-nGaAs-Ag$ -структурани гетероқатлам томонидан ўйғотилганда эришилиши тажрибада кўрсатилган. Ток ўтиш механизмлари аниқлаган ва спектрал характеристикаларининг ўзгариш динамикаси гетероқатламнинг жинслари ва гетероўтишни кетма-кет потенциал тўсиқлар улаш орқали модификациялаш билан ўзвий боғлиқ равища тадқиқ қилинган.

**Мавлонов Ғиёсиддин Ҳайдарович:** «Кремнийдаги марганец атомлари нанокластерларининг фотоэлектрик ва магнит хусусиятларини ўрганиш» (01.04.10) – ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институти (100084, Тошкент, Бодомзор йўли кўч., 2Б. Тел.: 233-12-71) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: К.С.Аюпов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: Ш.А.Мирсагатов, Д.Э.Назыров

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади кремнийда марганец киришма атомлари нанокластерларининг заряд ҳолати ва магнит моментини бошқариш имкониятини берувчи технологияни яратиш, уларнинг хусусиятларини ўрганиш ва замонавий электроникада материалларнинг функционал хоссаларидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Ғайри оддий катта юқори ҳароратли манфий магнит қаршилик,  $\lambda=1,5\div8$  мкм оралиғида ўта катта қийматдаги қолдиқ фотоўтказувчанлик, фотоўтказувчанлик қийматини инфрақизил нурлар таъсирида ғайри оддий чуқур сўниш эфектлари очилди. Эффектларнинг ташқи электр ва магнит майдон, ҳарорат ва ёритилганлик даражасига боғлиқ ўзгариш қонуниятлари аниqlанди. Кремнийда марганец атомлари нанокластерларининг заряд ҳолатини ва концентрациясини бошқариш имконини берувчи технология яратилди. Магнит хусусиятли нанокластерлар мавжуд бўлган кремнийдаги манфий магнит қаршилик асосида янги турдаги сезгир магнит датчикларни ва фон ёруғлик етарлича кучли бўлгандга ҳам инфрақизил нурларга ўта сезгир фотоприёмникларни яратиш имкониятлари очиб берилди.

**Хажиев Мардонбек Улуғбекович:** «Al, Au, Ni ва Ti асосидаги металл-Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> структуралар хусусиятларига сиртий ҳолатлар ва германий миқдорининг таъсири» (01.04.10) – ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институти (100084, Тошкент, Бодомзор йўли кўч., 2-Б. Тел.: 233-12-71) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Матчанов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Физика-техника институти

Оппонентлар: А.Ю.Лейдерман, Н.Ф.Зикрилаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> ҳажмий кристаллари асосидаги Металл-Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> контактлар хусусиятларини металл турига, германий миқдорига ва юзадаги сиртий ҳолатларга боғлиқ равиша ўрганиш.

Ишда ҳажмий Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> монокристалларини ўстириш технологияси яхшиланган ва электрон нурли тигелсиз зонавий эритиш усулида кам дислокацияли ( $\sim 10^2\div10^4$  см<sup>-2</sup>), заряд ташувчиларнинг яшаш вақти юқори бўлган (~600 мкс), бир жинсли монокристаллар ўстирилган. Биринчи маротаба ҳажмий Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> монокристалларида Au ва Al асосида олинган Шоттки барьерлари баландлиги ҳақида маълумот олинган. Қотишмада Ge миқдори 2 ат.% гача бўлганда барьер баландлиги кескин ўзгариши, сўнгра амалда ўзгармай қолиши кўрсатилган. Олинган натижалар, олдин Au-Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub><Li> барьерларини ўрганиш орқали қилинган, кристалл юзасини германий атомлари билан бойиши ҳисобига сиртий ҳолатлар пассивацияланади деган холосани тасдиқлайди. Ti-Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> контактлар учун қотишмадаги Ge миқдори ошиши билан энергетик барьернинг монотон ўсиши кузатилади. Ваҳоланки, Ni-Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> контакктарнинг электрофизик хусусиятлари ҳосил бўлган оралиқ (германид) қатламигининг таъсири туфайли, Шоттки барьерининг вольтампер ва вольтсигим характеристикалари учун маълум бўлган қонуниятларига бўйсунмайди.

M-Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> Шоттки барьерлари олиш ва қотишмадаги Ge нинг юзадаги сиртий ҳолатларга таъсири бўйича олинган экспериментал натижалар яrimутказгич қаттиқ қотишмалар физикаси учун аҳамиятга эга. Бу натижалар яrimутказгич асбоблар яратишда, хусусан ҳажмий Si<sub>1-x</sub>Ge<sub>x</sub> кристаллари асосидаги инфрақизил ва ядрорий нурланиш детекторлари тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

**Холиқов Қурбонбой Тўйчиевич:** «pSi-n(Si<sub>2</sub>)<sub>1-x</sub>(CdS)<sub>x</sub>, nSi-p(Si<sub>2</sub>)<sub>1-x-y</sub>(Ge<sub>2</sub>)<sub>y</sub>(GaAs)<sub>y</sub> гетероструктураларни олиш ва уларнинг электрофизик, фотоэлектрик хоссалари» (01.04.10) – ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Физика-техника институти (100084, Тошкент, Бодомзор йўли кўч., 2-б. Тел.: 233-12-71) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Н.Усмонов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Физика-техника институти

Оппонентлар: Ш.А.Мирсагатов, Ш.Махкамов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади Si-тагликларга янги  $(Si_2)_{1-x}(CdS)_x$ ,  $(Si_2)_{1-x-y}(Ge_2)_x(GaAs)_y$  қаттиқ қоришмаларини синтез қилиш, уларнинг монокристалл эканлиги аниқлаш, ҳамда уларнинг баъзи элекрофизик ва фотоэлектрик параметрларини аниқлаш.

Биринчи марта Si тагликларда суюқ фазали эпитаксия усулида Sn қотишма-қоришмадан  $(Si_2)_{1-x}(CdS)_x$  қаттиқ қоришманинг n-типли, Pb қотишма-қоришмадан  $(Si_2)_{1-x-y}(Ge_2)_x(GaAs)_y$  ( $0 \leq x \leq 0.90$  и  $0 \leq y \leq 0.92$ ) қаттиқ қоришманинг p-типли монокристалл қатламлари ўстирилди.  $(Si_2)_{1-x}(CdS)_x$  қаттиқ қоришма кристалл панжарасида CdS молекуласи Si атомлари билан тетраэдрик ковалент боғланишда жойлашса, CdS молекуласининг ионлашиш энергияси уни ўраб турувчи Si атомлари таъсирида 2,48 эВ дан 2,35 эВ гача камайиши кўрсатилди. pSi-n $(Si_2)_{1-x}(CdS)_x$  ( $0 \leq x \leq 0.01$ ) ва nSi-p $(Si_2)_{1-x-y}(Ge_2)_x(GaAs)_y$  ( $0 \leq x \leq 0.28$ ,  $0 \leq y \leq 0.03$ ) структуралар вольт-ампер характеристикалари тўғри томони 2 дан 3 В гача кучланишлар оралиғида кучланиш ошиши билан токнинг номувозанатий заряд ташувчилар амбиполяр диффузияси ва амбиполяр дрейфининг қарама-қарши йўналишлардаги инжекцион камайиши ҳисобига юзага келувчи субчизиқли ўсуви қисмларга эга эканлиги аниқланди.  $10^5$  рад дозагача гамма нурланиш pSi-n $(Si_2)_{1-x}(CdS)_x$  структурада ноасосий заряд ташувчилар релаксация вақти доимийси, диффузия узунлиги, ҳаракатчанлик ва яшаш вақти кўпайтмаси қийматларининг ортишига, nSi-p $(Si_2)_{1-x-y}(Ge_2)_x(GaAs)_y$  структурада эса бу параметрларнинг камайишига олиб келади.

Si таглика олинган  $(Si_2)_{1-x}(CdS)_x$ ,  $(Si_2)_{1-x-y}(Ge_2)_x(GaAs)_y$  қаттиқ қоришмаларнинг эпитаксиал қатламлари кўёш элементларини лойихалаш учун фотоактив материал, ҳамда сифатли ва арzon тагликлар сифатида уларга қўёш энергиясини электр энергиясига алмаштиришда ва яrimутказгич асбобларни ишлаб чиқаришда ишлатилувчи  $A^2B^6$  ҳамда  $A^3B^5$  яrimутказгич бирикмаларни ўстиришда фойдаланиш мумкин.

**Қаранг яна: А.С.Матякубов (05.13.18)**

## Кимё фанлари

**Каримова Дилором Амоновна:** «Чиқинди газларни тозалаш учун полианилин асосида композицион сорбентлар ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» **(02.00.16)** – Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК (100174, Тошкент, Мирза Голиб кўч., 7а. Тел.: 246-39-29) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.М.Яриев

Иш бажарилган ташкилотлар: Бухоро давлат университети,  
Навоий давлат педагогика институти

Оппонентлар: Б.Дж.Кабулов, О.С.Махсумова

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади: полианилиннинг поликислоталар билан таъсиралишиш механизмини, ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганиш ҳамда полианилин ва поликислоталар асосида композицион полимер сорбентларнинг янги таркибини яратиш.

Илк бор персульфат аммоний инициатори таъсирида,  $5\text{--}7^0$  С ҳароратда терини қайта ишлаш саноати чиқиндиси - сульфат анилиндан полианилин олинди. Биринчи марта полианилиннинг дегидрохлорланиш фаоллик энергияси (26,4 кЖ/моль) ва полианилиннинг поликислоталар билан полимер-полимер комплекслари ҳосил бўлиши ўрганилди.

Полимер-полимер композицияли гидрогелини қимматбаҳо ва оғир металларнинг сувли эритмаларига туширганимизда учламчи металл комплекс ҳосил қилган ҳолда металларни сорбциялаш хусусияти аниқланди.

Яратилган композициянинг структураси ва хоссалари комплекс равишда УБ, ИК, ЯМР, ЭПР-спектроскопия, потенциометрия, электрон-нусха кўчирувчи микроскоп тадқиқот усувларида ўрганилганда, полимер-полимер комплекслар полианилин занжиридаги азот атомларининг протонланиши ва водород боғлар ҳисобига ҳосил бўлиши аниқланди, улар асосида саноат корхоналари чиқинди газларини тозалаш учун янги таркибдаги композицион полимер сорбент яратилди.

## **Биология фанлари**

**Маматқулов Дониёр Анварович:** «Қалқонсимон без ҳужайраларидаги ўсма ҳосил бўлишида тиреоглобулин гени экспрессияси қонунлари ва структура-функционал тузилиши» (03.00.04) - ЎзР ФА Биокимё институти (100143, Тошкент, Ҳ.Абдуллаев кўч., 56. Тел.: 262-24-41, факс: 262-24-41) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.А.Қодирова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Биокимё институти

Оппонентлар: С.Н.Далимова, М.В.Зилялиева

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Биофизика ва физиология институти

Ишнинг мақсади: қалқонсимон безда ўスマлар ҳосил бўлишининг молекуляр генетик механизmlари ва ТГ гени экспрессияси регуляцияси бузилишларини ўрганиш.

Ишда ПАБЦ-ТГ:аТГ иммуносорбенти олинган, папилляр ва фолликуляр аденокарценома ҳолатида қалқонсимон без ҳужайраларидан индивидуал ТГ полиривбосомалар ажратиб олинган. Тадқиқотларда ТГ гени трнскрипцион - фаол бўлакларининг таркибий ташкил топиши ва функционал хоссалари ўрганилган. Папилляр ва фолликуляр аденокарценомада ДНК I транскрипцион - фаол фракция эмаслиги ва ушбу касалликларда геномнинг потенциал фаол соҳаларида жойлашганлиги аниқланган. Папилляр аденокарценомада метилтрансфераза фаоллиги сезиларли даражада ортади, бу ТГ гени 5<sup>1</sup>-соҳасининг гиперметилланишига олиб келади. Папилляр аденокарценомада ТГ генида 2,8 м.ж.н ўлчамли йирик делеция борлиги аниқланди, бу эса гетерозигота ҳолатига олиб келади.

**Сапаева Фируза Рузумбаевна:** «Оксациллинга турғун стафилококкларнинг касалхона шароитида тарқалиши ва уларга антибиотик, антисептик ва дезинфектантларнинг таъсири» (03.00.07) – ЎзР ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ (100133, Тошкент, Решетов кўч., 2. Тел.: 243-36-05) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.И.Исхакова

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: Э.Х.Эшбоев, Е.А.Шмелева

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: *S.aureus* ва унинг оксациллинга турғун вариантларини (MRSA) учраш даражасини атроф-муҳит, касалхонанинг турли йўналиши ходимларида аниқлаш, ҳамда уларга антибиотикларнинг, антисептикларнинг ва дезинфектантларнинг таъсирини белгилаш.

Урганч шахри саккиз ДПМ санитар-бактериологик текшируви 2002-2006 йиллар орасидаги ретроспектив таҳлили ўтказилди. Суртмаларда шартли-патоген энтеробактериялар (цитробактерлар, энтеробактерлар, клебсиеллалар) *S.aureus*га нисбатан кўпроқ ажратиб олинганлиги аниқланди. Ходимлар орасида *S.aureus* бурун-ҳалқум ташувчилари ва уларнинг оксациллинга турғун штаммлари контрол соғлом шахслар гурухига нисбатан сони сезиларли кўп даражада. *S.aureus* (MRSA) оксациллинга турғуллари оксациллинга сезувчан (MSSA) ларига нисбатан қуйидаги хусусиятлар хос: кўп антибиотикларга турғунлиги юқори, хосилавий ва биокимёвий хусусиятлари бўйича атипик, патогенлик ферментлари ишлаб чиқаради.

MRSAlарни тез аниқлаш скрининг ва бир вақтнинг ўзида уларга нисбатан актив бўлган антибиотикларга сезувчанлигини белгилаш усули ишлаб чиқилди.

Икки маҳаллий дезинфекцияловчи АБК-ЭКСТРА ва ЭКСТРА ДЕЗ моддалари апробацияси, MRSA ҳамда MSSA штаммларига юқори эффектив ва бактерицид таъсирини кўрсатди. Хлорамин фақат юқори (3% и 5%) концентрациясида таъсир этиб, унинг MSSAlарга таъсири MRSAlарга нисбатан устун келди.

**Бегимкулов Чори Рахманович:** «Шеробод чўли тупроқларига узоқ муддатли суғориш жараёнларининг таъсири ва уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари» (03.00.27-қишлоқ хўжалик фанлари) – Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-

тадқиқот давлат институти (100179, Тошкент, Қамарнисо күч., 3. Тел.: 246-09-50, факс: 246-76-00) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.А.Азимбаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Х.Х.Турсунов, А.Ахатов

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Ишнинг мақсади: Шеробод чўли суғориладиган тупроқларининг асосий хоссалари ва ҳозирги мелиоратив ҳолатини ўрганиш, узоқ йиллар суғориш таъсирида содир бўлган ўзгаришлар динамикасини аниқлаш, ўрганилган хўжалик ерларини агроишлаб чиқариш гуруҳларига ажратиш, ҳамда фосфогипснинг суғориладиган тупроқлар ишлаб чиқариш қобилиятига ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Шеробод чўли суғориладиган бўз-тақири, тақири, тақири-ўтлоқи, сур тусли қўнғир, қумли-чўл ва чўл-ўтлоқи тупроқларининг морфологияси, сув-физикавий, физик-кимёвий ва агрокимёвий хоссаларининг тавсифлари берилган. Грунт сувларининг жойлашиш чукурлиги, минерализацияси ва кимёвий таркиблари, тупроқда туз тўпланиш ва қайта шўрланиш жараёнлари, тупроқ профилидаги тузлар миқдори ва заҳиралари, шўрланган тупроқларнинг географик тарқалиш қонуниятлари, ҳамда кейинги 50 йил мобайнида тупроқ-мелиоратив ҳолатида содир бўлган ўзгаришлар динамикаси аниқланган.

Ўрганилган хўжалик тупроқларининг механик таркиби, шўрланганлик даражаси, фойдаланишга яроқлилиги ва бошқа бир қатор сифат кўрсаткичлари асосида агроишлаб чиқариш гуруҳларига ажратилган, ҳар бир гуруҳ учун зарурӣ агротехник ва мелиоратив тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган, тажрибалар асосида суғориш ва шўр ювишнинг оптималь меъёрлари белгиланган. Тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилини ошириш мақсадида фосфогипснинг оптималь меъёрлари аниқланган ва ишлаб чиқаришга тегишли тавсиялар берилган.

## Геология-минералогия фанлари

**Дулабова Нафиса Юсуповна:** «Буқантов структураларида олтин маъданшувларини жойланиш қонуниятлари ва ён-атрофдаги ёпиқ худудларни истиқболларини баҳолаш» (04.00.11) - ЎзР ФА Геология ва геофизика институти (100041, Тошкент, Н.Хожибоев күч., 49. Тел.: 262-65-16) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.К.Турапов

Иш бажарилган ташкилот: Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти

Оппонентлар: Ф.И.Исламов, А.Ж.Жураев

Етакчи ташкилот: “Нодир ва рангли металлар геологияси” ИИЧМ

Ишнинг мақсади: Буқантов олтин маъданлашувининг жойланиш қонуниятларини ўрганиш, олтин конларини асосий назорат структураларини аниқлаш, маъдан жойлаштирувчи структураларининг тектоник кучланишини аниқлаш, улар асосида Буқантов атрофидаги ёпиқ худудлар учун излаш-баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни истиқболлилигини аниқлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг илмий янгилиги: маъдан номаёнлари ва конлар жойлашувини назорат қилувчи асосий структуравий элементлари билан биргаликда уларни қамровчи муҳит аниқланди; Буқантау олтин маъданлари жойланишида айниқса кўкпатос, хўжаахмат, кўксой, архар свиталари ва қорашоҳ қатламларининг қулайлиги тасдиқланди; маъданлашувда геофизик майдонларнинг (магнитлилк ва тортиш кучи аномалиялари) ўзаро муносабатлари аниқланди; олтин маъданлашуви жойланишини интрузив ҳосилалари билан боғлиқлиги таърифлаб берилди; маъданларни геологик муҳитда жойланиши билан маъдан жойлаштирувчи структураларнинг тектоник кучланиши орасидаги ўзаро муносабати аниқланди; тектоник кучларнинг тарқалиш характеристи ва уларни геологик муҳитда миграция сабаблари таърифлаб берилди; ёпиқ худудлар истиқболлилигини аниқлаш учун структуравий, литологик, магматик, геофизик, тектоник (локал геодинамик), тектонофизик излаш-баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва бешта истиқболли майдонлар ажратилди. Истиқболли майдонларда кейинги олиб бориладиган геологик-қидирув ишларига тавсиялар берилди.

## Техника фанлари

**Бабашев Қутлымурат Айтмуратович:** «ИЁД тирсакли вали мисолида гидродинамик сирпаниш подшипникларининг параметрларини лойиҳалаш

боскичидаги оптимизациялаш» (05.02.04) - Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўч., 2. Тел.: 246-08-75. Факс. 118-90-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.В.Сайдов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: Р.У.Шукуров, И.К.Хужаев

Етакчи ташкилот: Тошкент автомобил-йўллар институти

Двигателни мойлаш тизимини хисоблашнинг мавжуд усууларида подшипник оркали утаётган мойнинг вал уки буйича окиши хисобга олинмас эди. Бунда фактат мойнинг юкни кутариш кобилиятини таъминлаши ва узелларнинг компактлигини таъминлаш масалалари ечилади. Шу сабабли мой катламида содир булаётган жараёнларни, конструктив ва эксплуатацион параметрларнинг бир-бирига узаро таъсиirlарини урганиш ишончлиликни таъминловчи долзарб илмий-техник масала хисобланади.

Ишда ИҶД тирсакли валининг умр узоклилигини оширишни таъминловчи сирпаниш подшипникларнинг конструктив параметрлари асосланган.

Мавжуд двигателлар тирсакли валларнинг конструктив параметрлари статистик тахлил килинган; гидродинамик сирпаниш подшипниклар узунлигининг чегарасизлиги хакидаги бошлангич шарт асосли эмаслиги исботланди; реал мойлаш режимини таъминлаш учун физик модел параметрларини идентификациялаш критериялари таклиф этилди. Шунингдек экспериментал тадқикотларда моделнинг режим ва геометрик параметрларини хисобга олувчи янги хисоблаш усули таклиф этилди.

Тирсакли вал умр узоклилигини оширувчи конструктив параметрларнинг оптимал кийматлари сирпаниш подшипникларининг ишлаш режимига боялик холда аникланди.

**Лямин Андрей Владимирович:** «Пахта тозалаш машиналарининг ишқалангиш узеллари учун модификацияланган сирпаниш подшипникларни ишлаб чиқиш ва излаш» (05.02.04) - Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўч., 2. Тел.: 246-08-75. Факс.: 118-90-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.Г.Махкамов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: А.Иргашев, А.Н.Авдеева

Етакчи ташкилот: «Пахта тозалаш» ИИЧБ ОАЖ

Материалнинг технологик ва физико-механикавий хусусиятлари урганиб чиқилиб, ўзимизнинг терак ва тол ёғочидан фойдаланилди. Улар асосида яратилган антифрикцион материал (ЁП-О), бошка антифрикцион материаллардан ўзининг кулай ва арzonлиги билан ажralиб тўради. Шу билан бир қаторда ёғоч қолдикларидан ҳам компазитцион материал (ЁКМ) ясалган. Лаборатория ва ишлаб чиқариш текширувлари натижаларга кўра: ЁП-О материал ейилишига яхши чидайди ( $I_h=(0,05-0,2)\cdot10^{-8}$ ), етарли даражада мустахкам ( $[\sigma_{ck}]=58\text{МПа}, \text{HB}=165\text{МПа}$ ), паст ейилиш коэффицентига эга ( $f=0,1\div0,28$ ), ўзини ўзи мойлаш хусусияти бошка полимер материаллари капрон ва текстолитдан қолишмайди. Сирпаниш подшипникнинг янги варианти (ЁП-О-А1, ЁП-О-А2) унга урнатилган алюминий штифт хисобига иссиқлик утказувчанлик хусусиятига эга. Шунинг учун  $p\cdot v \geq 0,7\text{МПа}\cdot\text{м}/\text{с}$  шароитда ва  $t < 90^\circ\text{C}$  ҳароратда ўзини ўзи мойлаш режимли ўртacha тезлиқда ( $0,3 \leq v \leq 1,6\text{м}/\text{с}$ ) ишлаши мумкин.

Биринчи тажрибада калта толани вал билан ёғочдан тайёрланган сирпанувчи подшипник ишига таъсири кўриб чиқилди. Калта толанинг УТ-2 мойловчи материалда концентрацияси 30 мг/г бўлганда валдаги ишқаланиш моментини ўзгартирмайди. №207 думалаш подшипники шу концентрацияли мойда ишлагандага валдаги ишқаланиш моменти 3 баробарига ошиб кетади. Паст тезлиқда ( $v \leq 0,3\text{м}/\text{с}$ ) ва калта тола шароитда ишлайдиган жойларда ЁП-О ва ЁКМ-О маркали ишқаланиш подшипникудан фойдаланишни маслаҳат берамиз. Бу ишқаланиш подшипниклари ортиқча ҳимоя воситаларисиз ишлайди.

Подшипниклар Ўзбекистон пахта тозалаш заводида ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтди. Асоси ёғоч ва полимерларга асосланган композицион материалларни олиш учун ОПР 85-05-ЛМТКМ регламенти олинган.

**Исматов Жуманияз Файзуллаевич:** «Дизел двигателларининг

кўрсаткичларини цилиндр-поршен гуруҳи деталларини иссиқлиқдан ҳимоялаш йўли билан яхшилаш (Т-62-1 дизел двигатели мисолида)» (**05.04.02**) - Тошкент автомобил-йўллар институти (100060, Тошкент, Амир Темур шоҳ кўч., 20. Тел.: 233-08-27, факс: 232-14-39) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.М.Арипджанов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент автомобил-йўллар институти

Оппонентлар: Ш.В.Сайдов, Б.Р.Тулаев

Етакчи ташкилот: «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти

Ишнинг мақсади: термодинамик циклдаги иссиқлик энергиясининг бесамар йўқотишларини қисқартириш ҳисобига дизел двигателларнинг кўрсаткичларини яхшилашдан иборатdir.

Ишнинг илмий янгилиги:

- термодинамик циклнинг самарадорлигини сиқиш ва кенгайиш политропларининг адиабата даражаси бўйича баҳолаш услуби, бунда адиабата эришилган катталиклар  $n_1$  ва  $n_2$  ларни адиабата кўрсаткичи  $k$  га нисбати билан ифодаланади;

- ёнишнинг энг муҳим фазаларида (индукция, тез ва бошқариладиган ёниш) иссиқлиқдан фойдаланиш даражасини боҳолаш мезонлари, булар аллангалишини кечикириш даврини қисқартириш ва сиқиш ҳамда кенгайиш жараёнларининг адиабата даражалари билан ифодаланади;

- аллангалишини кечикириш даврининг бошланиши ва давомийлигидаги ҳал қилувчи омил сифатида янги киритилган заряд ҳароратининг кўтарилиш даражаси қабул қилинган, бу проф. А.И.Толстовнинг формуласига киритилган коэффициент ёрдамида ҳисобга олинади;

- сиқиш ва кенгайиш жараёнлари адиабата даражасини ЦНИДИ ёниш камерали дизелни ўртача эффектив босим ва тирсакли валнинг айланишлар сони бўйича кучайтириш даражасига боғлиқлик тенгламаларини ишлаб чиқилганлиги ҳисобланади.

**Назарова Гульчехра Нурмуханбетовна:** «Радиочастотали идентификациялаш асосида рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш ва жўнатишнинг технологик жараёнларини автоматлаштириш» (**05.13.07**) - Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўч., 2. Тел.: 246-46-00, факс: 227-10-32) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Н.А.Муминов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: Ф.Б.Абуталиев, З.З.Шамсиев

Етакчи ташкилот: ЎзРФА «Алгоритм-инжинеринг» ИТИ

Ишнинг мақсади: радиочастотали идентификациялаш асосида рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларини бошқариш, ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш учун бошқарышнинг автоматлаштирилган тизимлари ва амалий дастурлар пакетини ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларини автоматик бошқариш тизимининг функционал-структуравий схемасининг структуравий-топологик схемаси ва математик модели; рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларини автоматик бошқариш тизими учун маъкул технология баҳолаш услубияти ва идентификациялаш технологиясини белгиловчи параметрларини танлаш кетма-кетлиги; рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларини автоматик бошқариш тизимининг радиочастотали идентификациялашнинг нимтизимлари конфигурациясини оптималлаштиришга алгоритмик ёндошув; таклиф этилган бошқарышни автоматлаштириш тизимида рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Ишнинг илмий янгилиги радиочастотали идентификациялаш асосида рўйхатдан ўтувчи почта жўнатмаларига ишлов бериш ва жўнатишнинг технологик жараёнларини бошқарышнинг автоматлаштирилган тизимларини синтез қилишнинг конструктив алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Халматов Давронбек Абдалимович:** «Пахтани қуритиш жараёнини автоматик бошқариш системаси» (**05.13.07**) – Тошкент давлат техника университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўч., 2. Тел.: 246-46-00, факс: 227-10-32) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: И.Х.Сиддиқов

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент давлат техника университети,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: Н.З.Камалов, М.Сапаев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА «Алгоритм-инжинеринг» ИТИ

Ишнинг мақсади: Микропроцессорли воситалар негизида пахтани қуритиш жараёнининг автоматик бошқариш тизимини ишлаб чиқиш.

Ишнинг илмий янгилиги: Пахтани қуритиш жараёнини бошқариш системасининг динамик тавсифлари аникланган; қуритиш барабанидаги иссиқлик жараёнининг икки сатҳли бошқариш схемаси ишлаб чиқилган; топологик интерполяцион усули асосида пахтани қуритиш жараёнини микропроцессорли бошқариш системаси динамикаси моделлаштирилган; пахтани қуритиш жараёнини бошқариш системаси аниқлигини оширишга имкон берувчи, қуритиш ускунасидаги пахтани қуритишнинг технологик режимларини оптимал бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган. Ишнинг илмий янгилиги пахтани қуритиш жараёнини моделлаштириш ва бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Иш натижаларининг амалий аҳамияти энергия харажатларини камайтириш, пахтани қуритиш жараёнининг бошқарувчанлик даражасини ошириш имконини берувчи математик моделлаштириш ва бошқарув таъсирларини синтезлаш масалаларининг математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

**Медетов Сейткамал Куатович:** «Стохастик оптималлаш масалаларининг бир синфини ечиш учун дастурний восита» (**05.13.11**) – Тошкент ахборот технологиялари университети (100084, Тошкент, Амир Темур кўч., 108. Тел.: 238-64-15) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ш.Раджабов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: А.Х.Нишонов, Р.И.Исаев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Ишнинг мақсади: Стохастик оптималлаш масалаларининг бир синфини ечиш учун мўлжалланган дастурний восита сифатида шакллантирилган маҳсус математик ва дастурний таъминотни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ҳисоблаш тизимларининг маҳсус математик ва дастурний таъминоти имкониятларини кенгайтирувчи, мураккаб объектларни моделлаштириш ва оптималлаш масалаларини ечишда фойдаланувчиларга масофадан мулоқот қилиш имкониятини таъминловчи дастурний модуллар ишлаб чиқилган; чизиқли ва ночизиқли стохастик оптималлаш масалаларини ечиши алгоритмлашнинг тамойиллари ва стохастик оптималлаш масалаларини ечиш жараёнларида мулоқот режимини *амалга оширишга* ва автоматлаштиришга имкон берувчи маҳсус дастурний восита яратилган; стохастик оптималлаш масалалари синфи ечими учун ишлаб чиқилган математик ва дастурний таъминотни амалга оширувчи, қулай фойдаланувчи интерфейсига асосланган, телекоммуникация тармоқлари ва маълумотларни узатиш тизимларини оптималлаш учун дастурний воситани тадбиқ этиш услубиёти таклиф этилган.

**Каримова Венера Аркиновна:** «Физик ва геометрик ночизиқликларни ҳисобга олган ҳолда конструкциялар деформациясининг математик модельлари ва алгоритмлари» (**05.13.18**) – ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Косимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: Б.Курманбаев, Н.Равшанов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади биргалиқда физик ва геометрик ночизиқликни ҳисобга олган ҳолда пластиналар эгрилигининг статик масаласини ечиш учун математик модель ва алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, улар масалани ечиш жараёнини автоматлаштириш ва кўп вариантли экспериментал тадқиқотлар ўtkазиш имконини беради.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: Ритц усули асосида пластина эгрилиги масаласининг физик ва геометрик ночизиқлигини ҳисобга олган ҳолда математик модель яратилиши; пластина кўринишидаги юпқа деворли конструкцияларни физик ва геометрик ночизиқликларни ҳисоблашнинг алгоритми тузилди.

Яратилган математик моделлар ва алгоритмлар тадқиқот обьекти физик холатини физик ва геометрик ночизиқликларни хисобга олган холда аниқ тавсифлашга имкон беради.

**Матякубов Алишер Самандарович:** «Клейн-Гордон түпидаги тенглама ва система асимптотикалари, уларни сонли ечиш» (**05.13.18-физика-математика фанлари**) – ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти (100125, Тошкент, Дўрмон йўли кўч., 29. Тел.: 262-72-47) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.Арипов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.Азамов, Ж.Мухаммадиев

Етакчи ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Ишнинг мақсади: асимптотик усууллар, чизиқсиз ажратиш алгоритми ва MathCAD математик мұхитидан фойдаланиб, тарқалиш ва газодинамика жараёнларини ифодаловчи Клейн-Гордон түридаги тенглама ва тенгламалар системаларини асимптотик ва сонли ечиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Клейн-Гордон түридаги иккинчи тартибли чизиқсиз тенглама ва тенгламалар системалари учун, оддин параболик турдаги тенглама ва тенгламалар системалари учун маълум бўлган чизиқсиз ажратиш алгоритми асосида асимптотик назария яратилди.

Чизиқсиз ажратиш алгоритмини мураккаб чизиқсиз масалалар учун қўллаш мумкинлиги асосланди.

Клейн-Гордон түридаги автомодел тенглама ва тенгламалар системалари ечимлари хусусиятлари ва асимптотик кўринишлари ўрганилди.

Чегараланмаган (blow up) ечимлар асимптотикалари олинди.

Олинган ечимлар сифат хусусиятларини ўрганиш асосида Клейн-Гордон түридаги тенглама MathCAD мұхити ёрдамида сонли ечилди.

**Хасанов Хислат Пўлатович:** «Диаматрицалар алгебраси элементлари асосида ахборотларни криптографик ҳимоялаш усууллари ва алгоритмлари» (**05.13.19**) - Тошкент ахборот технологиялари университети (100084, Тошкент, Амир Темур кўч., 108. Тел.: 238-65-09) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.К.Фаниев

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент ахборот технологиялари

университети, «UNICON.UZ» Давлат унитар корхонаси

– Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази

Оппонентлар: Т.Ф.Бекмуратов, З.Ё.Раҳимжонов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади. Диаматрицалар алгебрасини ахборотнинг криптографик ҳимоялаш масалалари учун такомиллаштириш ва унинг асосида мавжуд шифрлаш алгоритмларига нисбатан криптобардошлилиги юқори бўлган алгоритмларни ва уларни ишлаб чиқиш усулини таклиф этиш.

Ишнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

- ахборотни криптографик ҳимоялаш масалаларини ечиш учун такомиллаштирилган диаматрицалар алгебраик структураси ишлаб чиқилган;

- ахборотни криптографик ҳимоялаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган устунлар алгебраик структураси ишлаб чиқилган ва унинг криптографик хоссаларини аниқланган;

- диаматрицалар ва устунлар алгебраик структуралари асосида ахборотларни криптографик ҳимоялаш усули ва янги криптобардошли симметрик криptoалгоритмлар ишлаб чиқилган;

- таклиф этилган ахборотларни криптографик ҳимоялаш усули асосида криптобардошлилиги юқори маҳфий калит алмашув алгоритми ва ҳимояланган электрон хужжат айланиш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот иши натижаларидан республикамизнинг ахборот ва коммуникация тизимларида ахборотларни ҳимоялаш вазифасини ҳал қилишда, «E-Hujjat» ҳимояланган электрон хужжат айланиш ва «E-Xat» ҳимояланган электрон хат алмашув тизимларида, файлларни ҳимоялашда, шунингдек О'з DSt 1105:2009 «Ахборот технологияси. Ахборотларнинг криптографик мұхофазаси. Маълумотларни шифрлаш алгоритми» давлат стандартини ишлаб чиқиша фойдаланилган.

**Бардин Сергей Владимирович:** «Аммоний нитрат асосида азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (05.17.01) – ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (100170, Тошкент, Мирзо Улугбек кўч., 77-а. Тел.: 262-56-60, факс: 262-79-90) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Х.Ч.Мирзақулов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент кимё-технология институти

Оппонентлар: Б.М.Беглов, В.А.Линкевич

Етакчи ташкилот: «Самарқандкимё» ОАЖ

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида Ташкура фосфорит унининг нитратфосфорислотали эритмаси ёки нитрат ва экстракцион фосфор кислотаси аралашмасини аммиак билан нейтраллаш орқали аммоний нитрати асосида аммоний нитрат фосфат ва комплексли азотфосфорли ўғитларини олиш жараёнига технологик омиллар таъсири қонуниятлари ўрнатилди. Олинган ўғитларининг физик хоссаларини аммоний селитрасига таққослаганда анча яхшилиги билан тавсифланди, яъни ташқи таъсирга барқарорлиги ортади.

Таклиф этилган технология «Ammofos-Maxam» ОАЖ нинг ишлаб чиқариш шароитини тақорлайдиган модел ускунасида синовдан ўтказилди, ҳамда ўғитларни тажриба партияси ишлаб чиқарилди. Олинган маълумотлар технологик схема ва технологик регламентни ишлаб чиқишида асос бўлди. Ўғитларнинг агрокимёвий синов натижалари пахта ва шоли ҳосилдорлигини гектарига 2-4 центнер оширишини кўрсатди. Иқтисодий самарадорлик 1 тонна 100 % ли озуқа модда хисобида ишлаб чиқарилганда аммофос ва аммоний селитра аралашмасига таққослаганда ўғитлар таркибига боғлиқ холда аммоний нитрат фосфатда 21,0-204,2 минг сўмни, комплексли азот-фосфорли ўғитларда эса 30,5-263,5 минг сўмни ташкил этади.

**Каримов Ёкуб Зиёдуллаевич:** «Дон тозалаш машинаси иш органларининг параметрлари ва режимларини асослаш» (05.20.01) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўч., 39. Тел.: 237-19-31, факс: 237-38-79) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: К.Д.Астонақулов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини

механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ

Оппонентлар: Б.П.Шаймарданов, Э.Т.Фармонов

Етакчи ташкилот: ЎзҚХТСДМ

Иш дон қабул қилиш корхоналари ва фермер хўжаликлирида донларни тозалаш жараёнида уларнинг таркибидан ажратиб олинган чала янчилган бошоқ қисмларига ишлов бериб, донини ажратиб оладиган дон тозалаш машинасини ишлаб чиқиш ҳамда уни иш органларининг параметрлари ва режимларини асослаш мақсадида бажарилган.

Ишнинг илмий янгилиги донни дастлабки тозалаш жараёнини амалга оширишда тозаланаётган дон таркибидан ажратиб олинаётган чала янчилган бошоқ қисмларини чиқитга чиқариб юбормасдан, уларга ишлов бериб, донини ажратиб олиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланганлиги, ишқалагич жўвалар таъсирида чала янчилган бошоқ қисмларини қамраб олиш учун уларнинг диаметри асосланганлиги, донли аралашмаларнинг жўвалардан чиқиб, сўрувчи қувур ва ғалвир сиртидаги ҳаракатининг механик-математик моделлари ишлаб чиқилганлиги, донли аралашманинг тозалик даражаси ва ундаги енгил қўшилмалар миқдорини ҳисобга олган ҳолда машинанинг сўрувчи вентилятори ва ғалвирининг ўлчамларини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишлар олинганлигидан иборат.

Асосланган параметрлар бўйича ишлаб чиқилган дон тозалаш машинасини донларни дастлабки тозалаш жараёнида қўллаш иш сифатини оширишга ва чала янчилган бошоқ қисмларидан ажратиб олинадиган донлар ҳисобига қўшимча 33,6 тонна дон олишга имкон беради.

**Рузиев Имомали Салаевич:** «Такрорий экинларни экишга тупроқни тайёрлаш учун юмшаткич иш органлари параметрлари ва жойлашиш схемасини асослаш (Қашқадарё вилояти мисолида)» (05.20.01) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўч., 39. Тел.: 237-19-31, факс: 237-38-79) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.М.Муродов

**Иш бажарилган ташкилот: Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат  
технология институти**

**Оппонентлар: Р.И.Бойметов, Т.А.Абдиллаев  
Етакчи ташкилот: «БМКБ-Агромаш» ОАЖ**

Иш Қашқадарё вилояти тупроқ иқлим шароитида ер майдонларини тақорий экинлар экиш учун тайёрлашда тупроққа ағдармасдан ишлов берувчи юмшаткич ишчи органларининг параметрлари ва жойлашиш схемасини тупроқ ўзгарувчан хусусиятини ҳисобга олган ҳолда асослаш йўли билан тупроқни тайёрлаш муддатларини қисқартириш, сифатини ошириш ва энергия ҳажмини камайтириш мақсадида бажарилган.

Ишнинг илмий янгилиги Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида кузги дон йигиштириб олингандан сўнг тақорий экин учун ерларга ишлов берувчи юмшаткичнинг конструкцияси ишлаб чиқилган ва параметрлари асосланган, унинг асосий параметрлари, ишчи органлар оралиги, юзалари, тортишга қаршилиги ва жойлашиш схемасига қараб ишлов бериш сифати ва энергия ҳажмини ўзгариш қонуниятлари билан боғлиқ аналитик ифодалар келтириб чиқарилган, тупроққа ишлов беришда ишчи орган панжаларининг увалаш ва очилиш бурчакларини ўзгариши ҳамда энергия сарфини ҳисобга олган ҳолда регрессия тенгламаси келтириб чиқарилган.

**Қузиев Улуғбек Таджиевич:** «Комбинациялашган агрегат пушта ҳосил қилгичининг параметрларини асослаш» (**05.20.01**) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўч., 39. Тел.: 237-19-31, факс: 237-38-79) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.М.Худаяров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Оппонентлар: И.Т.Эргашев, Т.А.Абдиллаев

Етакчи ташкилот: «БМКБ-Агромаш» ОАЖ

Иш комбинациялашган агрегат пушта ҳосил қилгичининг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминловчи параметрларини асослаш мақсадида бажарилган.

Ишнинг илмий янгилиги тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини тадқиқ этиш асосида комбинациялашган агрегат пушта ҳосил қилгичи ишчи сирти ва геометрик шакли асосланган, унинг кўкрак баландлиги, йўналтирувчи эгри чизиқнинг радиуси, қанотлар кенглиги, тумшуқни тупроққа кириш бурчаги, қанотларнинг очилиш бурчаги, қанотнинг узунлиги, тумшуқнинг узунлиги ҳамда тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар келтириб чиқарилганлиги, пушта ҳосил қилгич сифат ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрлари ва агрегат иш тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ўрганилган, уларни ифодаловчи эмпирик формулалар ва регрессия тенгламалари олингандигидан иборат.

Асосланган параметрларга эга бўлган пушта ҳосил қилгичлар билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатни ўзапояли далаларда қўллаш эксплуатацион харажатларни 13,4% га камайтириш имконини беради.

**Джумаев Баҳтиёр Эргашович:** «Универсал чопик трактори трансмиссия мойини тозалаш тизимини ишлаб чиқиш ва унинг асосий параметрларини асослаш» (**05.20.03**) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўч., 39. Тел.: 237-19-31) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Сулаймонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: Т.И.Аскарходжаев, М.И.Марупов

Етакчи ташкилот: МКБ «Трактор» Давлат ҳиссадорлик жамияти

Ишнинг мақсади: Универсал чопик трактори трансмиссия мойини тозалаш тизимини ишлаб чиқиш ва унинг асосий параметрларини асослаш.

Қўйидаги илмий натижалар олинган:

- трактор узатмалар қутисига сезиларли ўзгартаришларсиз ўрнатиладиган, тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари минимал бўлган трансмиссия мойини тозалаш тизимининг тузилиш схемаси ва элементлари (шнекли насос ва фильтр) ишлаб чиқилган;

- назарий тадқиқотлар натижасида мой тозалаш тизими асосий элементларининг конструктив ва режим параметрларини аниқлайдиган, мойларни тозалаш жараёнинда механик абразив

заррачаларни шнек ўрамларининг сиртига ёпишмасдан, мой билан қўшилиб ўтишини таъминлайдиган, винт сиртида ҳаракатланувчи заррачанинг унга қўйилган кучлар таъсиридаги ҳаракатини тасвирлай оладиган математик ва физик моделлар яратилган;

- экспериментал тадқиқотлар натижасида мой тозалаш тизимининг ишлаш самарадорлиги текширилган ва асосий параметрларининг мақбул қийматлари аниқланган.

**Рахматуллаев Шавкат Арзимуродович:** «Геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда сув омборлари фойдали ҳажмини аниқлашнинг тезкор усулларини такомиллаштириш (Оқдарё сув омбори мисолида)» (**05.23.07**) – Тошкент ирригация ва мелиорация институти (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўч., 39. Тел.: 237-19-26) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбарлар: М.Р.Бакиев, Ле Костюмер Ф.

Иш бажарилган ташкилотлар: Тошкент ирригация ва мелиорация институти,  
Франциянинг Бордо-1 университети

Оппонентлар: Х.А.Исмагилов, Г.Т.Давронов

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Сув муаммоллари институти

Ишнинг мақсади чуқурлик қийматларини аниқлаш ва олинган маълумотларни қайта ишлашни такомиллаштириш ва геоахборот тизимлардан фойдаланган ҳолда сув омборларининг фойдали ҳажмларини аниқлашни илмий-технологик асосини ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг асосий илмий янгилиги шу билан белгиланади, геоахборот тизимлардан фойдаланган ҳолда сув омборларининг фойдали ҳажмларини аниқлашни илмий-технологик асоси ишлаб чиқилди. Жумладан, гидротехника курилишида сув омборлари фойдали ҳажмларини тезкор аниқлаш ва башоратлаш учун геостатистик таҳлил усули ишлаб чиқилди ва апробациядан ўтказилди.

Оқдарё сув омборининг Ҳалқаро гидрографик ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тузатиш коэффициентлари ёрдамида янги эгри чизиклар қийматлари олинди. Объект тубининг илмий асосланган рақамли батиметрик модели сеткаси ўлчами асосланди ва батиметрик модели юзаси қамраш кенглиги ортиши натижасида кўндаланг ўлчамда чуқурлик ўлчови камайишига эришилди. Башорат қилинган ҳажм эгри чизиклари асосида сув чиқарадиган гидротехник сув олиш иншоотларининг баландлик белгиларини кўтариш учун тезкор аниқлаш имконияти асосланди.

«SURFER-7 дастури ёрдамида сув омборининг фойдали ҳажмини аниқлаш учун услубий қўлланма» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган, ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилган ва қўлланилмоқда.

## Қишлоқ хўжалик фанлари

**Урунбоева Гулчехра Шокировна:** «Такрорий экинлардан кейин қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрларини кузги буғдойнинг ҳосилдорлигига таъсири» (**06.01.01**) - Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ (111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Оққовоқ а/б, ЎзПИТИ. Тел.: (99895) 142-22-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.Ўразматов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ Фарғона филиали

Оппонентлар: К.М.Мўминов, Б.М.Азизов

Етакчи ташкилот: Андикон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар ИТИ

Ишнинг мақсади: Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари ша-роитида такрорий экинлардан кейин тупроқда қолган ангиз ва илдиз қолдиқлари таркибидаги озиқа унсурларини ва улардан кейин экилган кузги буғдойни ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқ унумдорлиги ҳамда буғдой ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Ўтлоқи соз тупроқлар шароитида илк бор такрорий экинлар: макка-жўхоридан уч йилда ўртacha 38,4 ц/га дон, 307,3 ц/га кўк масса, мoshdan 15,2 ц/га дон, 32,2 ц/га пичан, ловиядан 12,7 ва 12,3 ц/га, соядан 23,3 ва 33,5 ц/га ҳосил олиниб, уларни илдиз ва ангиз қолдиқлари жами 52,2; 45,5; 32,9; 42,4 ц/гани ташкил этган ҳолда таркибида 20,8; 71,0; 30,7 ва 45,7 кг/га умумий азот ва 9,5; 51,0; 11,8; 16,7 кг/га фосфор; 12,8; 60,9; 21,0; 30,5 кг/га калий тўпланиши аниқланди.

Буғдойдан сўнг буғдой экилган вариантда тупроқдаги гумус миқдо-ри йилдан-йилга камая борганлиги кузатилди. Нисбатан юқори кўрсат-кичлар (1,990%) кузги буғдой мoshdan кейин экилиб,

ўғитлар N-150, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-105, K<sub>2</sub>O-75 кг/га меъёрда қўлланилганда олинди. Бу дастлабки ҳолатидан 0,050% га, назоратдан эса 0,210% га ортганлиги кузатилди.

Такорий экинларни экишда энг юқори иқтисодий самарадорлик мөш ўсимлигида олинниб, шартли соф фойда 164626 сўм/гани, рентабеллик 56,5% ни, ташкил қилгани ҳолда, ундан кейин экилган кузги буғдойда ўғитларни N-150, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-105, K<sub>2</sub>O-75 кг/га меъёрида ҳам юқори шартли соф фойда олинди ва 284315 сўм/га, рентабеллик 45,8% ни ташкил қилди.

**Хофизов Баҳриддин Турдиевич:** «Асосий ва такорий (анғизга) экилган Бухоро-6, Бухоро-8 ва Денов ғўза навларининг сув-озиқа меъёrlари ва суғориш тартиби» (06.01.02) – Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ (111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ а/б, ЎзПИТИ. Тел.: 142-22-35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Э.Авлиёқулов

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ

Оппонентлар: М.Х.Хамидов, Ш.А.Бердиқулов

Етакчи ташкилот: Ўрта Осиё ирригация ИТИ

Ишнинг мақсади: Сурхон-Шеробод воҳаси Қизириқдара массиви суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида асосий майдонда ўрта толали Бухоро-6, Бухоро-8 ва Денов ғўза навларини ҳамда такорий анғизга экилган Бухоро-8, Денов навларининг сув-озиқа (NPK) меъёrlари ва суғориш тартиблари, суғориш давомийлиги, ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосил ва қуруқ масса тўплаши ҳамда пахта толаси сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва фермер хўжаликларига тавсиялар беришдан иборат.

Сурхондарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида илк бор асосий майдонда районлашган ўрта толали Бухоро-6 ва истиқболли Бухоро-8, Денов ҳамда такорий анғизга экилган Бухоро-8, Денов ғўза навларининг мақбул суғориш тартиблари ва NPK меъёrlари аниқланди ҳамда ҳосилдорликни оширишнинг илмий-амалий асослари яратилди.

Асосий экин сифатида экилган Бухоро-6 ва Бухоро-8 ғўза навлари учун мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% тартибида бўлганда ўртача 40.0-39.6 ц/га пахта ҳосили олинди ва 1 центнер пахта ҳосили учун 121,2 ва 122,5 м<sup>3</sup> сув сарфланди. Денов ғўза навида бу кўрсаткичлар 60-60-60, 40.4 ц/га ва 105,5 м<sup>3</sup> ни ташкил қилди. Уччала нав учун ҳам маъдан ўғитлар меъёри N-250, P-175, K-125 кг/га қўлланилганда ҳосилдорлик юқори бўлганлиги кузатилди.

Такорий экин сифатида экилган Бухоро-8 ғўза нави учун мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% да сақланганда, маъдан ўғитлар меъёри N-200, P-140, K-100 кг/га қўлланилганда ҳосилдорлик 26,3 ц/га етди ва 1 центнер пахта ҳосили учун 190,4 м<sup>3</sup> сув сарфланди. Денов нави учун эса бу кўрсаткич суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60-60-60% бўлганда, маъдан ўғитлар меъёри N-150, P-105, K-75 кг/га қўлланилганда ҳосилдорлик 26,4 ц/га етди ва 1 центнер пахта ҳосили учун сув сарфи 166,7 м<sup>3</sup> га тенг бўлди.

**Шокиров Баҳодир Косимович:** «Амударё қуви оқими тупроқ қопламининг сахроланиш таъсирида ўзгариши ва уни яхшилаш тадбирлари (Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари мисолида)» (06.01.03) – Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти (100179, Тошкент, Қамарнисо кўч., 3. Тел.: 246-09-50, факс: 246-76-00) (диссертация ўзбек тилида).

Илмий раҳбар: С.Абдуллаев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: И.Турапов, Р.Курвантаев

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Ишнинг мақсади: Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари мисолида Амударё қуви оқими ҳудуди тупроқлари ва улар қатламларида тузлар тўпланиши жараёнларини ўрганиш, ушбу жараёнларнинг тупроқлар агрокимёвий, агрофизикавий ҳоссаларига, мелиоратив ҳолатига таъсирини, оқар ва сизот сувларга боғлиқлигини аниқлаш орқали тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатларини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиши.

Амударё қуви оқими тупроқларининг ҳолатида содир бўлаётган ўзгаришлар ўрганилиб, асосий тупроқ типларида суғориш ҳамда чўлланиш жараёнлари таъсирида юз беряётган ўзгаришлар, тупроқларда кечайётган шўрланиш жараёнлари, сизот сувларининг таркиби ва уларнинг шўрланиш жараёнига таъсири ва тартиби тўғрисидаги янги маълумотлар олинган ҳамда агромелиоратив тадбирлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари Амударё қуви оқими суғориладиган тупроқлари унумдорлигини бошқариш ва улар мелиоратив ҳолатини яхшилаш имкониятларини беради.

**Абдуллаев Абдукарим:** «Фарғона водийси шароитида шолини кўчат усулида етиштиришда ўсиш, ривожланиш ва ҳосилдорликка озиқлантиришнинг таъсири» (06.01.09) – Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ (111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Оққовоқ а/б, ЎзПИТИ. Тел.: (99895) 142-22-35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Ш.Тиллаев

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Шоличилик ИТИ Андижон филиали

Оппонентлар: С.Р.Рахмонқулов, Ҳ.Н.Атабаева

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Ўсимлиқшунослик ИТИ

Ишнинг мақсади Фарғона водийси шароитида анғизга экилган шолини кўчат усулида етиштиришда ўсиш, ривожланиш, ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорликка азотли озиқлантириш меъёрлари таъсирини илмий-амалий асослашдан иборат.

Фарғона водийси шароитида шолининг ўртапишар «Авангард» ва истиқболли тезпишар «Арпа шоли» турига мансуб «Оқ қилтиқ» навларини кўчат усулида кузги буғдойдан кейин ҳамда фақат шоликорлиқда фойдаланиш мумкин бўлган ерларда шоли етиштиришда азотли ўғитларнинг мақбул меъёрлари илк бор аниқланди ҳамда 60-70 ц/га ва ундан юқори ҳосил олишнинг илмий-амалий асослари яратилди.

Такрорий экин сифатида кўчат усули билан шоли етиштиришда янги районлаштирилган биологик тезпишар «Оқ қилтиқ» навида фосфорли ўғитлар 120 кг/га, калийли 150 кг/га қўлланилган фонда азотли ўғит миқдори 90 кг/га, ўртапишар «Авангард» навида эса 120 кг/га берилиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бунда таъллуқли равишда туплаш коэффициентини 1,1-1,5 га, ҳосилдор поялар сонини бир гектарда 63-83 мингтага ортиши, ҳосилдорликни 56,6-74,5 ц/гани ташкил этиши, дон сифатини яхшиланиши, сара уруғ ҳамда бутун дон чиқиши 90 фоиздан юқори бўлиши исботланди.

**Негматова Сурайё Тешаевна:** «Турли муддатларда ва меъёрларда анғизга экилган мошнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги» (06.01.09) – Ўзбекистон Пахтачилик ИТИ (111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Оққовоқ а/б ЎзПИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.И.Ирназаров

Иш бажарилган ташкилот: Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Р.С.Назаров, З.К.Юлдашева

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Шоличилик ИТИ

Ишнинг мақсади - Қашқадарё вилоятининг тоғ олди текислиги типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой анғизида такрорий экин сифатида мошни турли муддатларда ва меъёрларда экинда унинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Қашқадарё вилоятининг тоғ олди текислиги типик бўз тупроқлари шароитида мошнинг “Радость” нави кузги буғдой анғизига июл ойининг бошида ҳар гектар ер ҳисобига 400 минг донадан уруғ сарфланиб экилганда уруғни униб чиқиш суръатининг ошиши, вегетация даврининг кеч экилгандагига нисбатан давомли бўлиши, кўчкатларнинг сақланувчанлик, гуллаш, тўла қийматли дуккаклар, дон, куруқ модда, туганаклар ҳосил қилиши, мўл ҳосил етиштириши ва тупроқ унумдорлигини ошириши илк бор аниқланди.

Кузги буғдой анғизида ёзнинг иккинчи ярми мобайнида такрорий экин сифатида мошнинг “Радость” нави ҳар гектар ерга 400 минг донадан (16 кг) уруғ сарфланиб, июл ойининг бошида экилса, иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, соф фойда 48783 сўм/га гача, рентабеллик эса 12,6% гача бўлиши таъминланади.

**Носиров Талъат Убайдуллаевич:** «Голштин зотли яхшиловчи буқаларни генотипи ва селекция самарадорлиги бўйича баҳолаш» (06.02.01) – Ўзбекистон чорвачилик ИТИ (111212, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, “Қизил шалола” п/б. Тел: 8(370)95-65-335) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.Усмонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: П.С.Собиров, И.Я.Эшматов

## **Етакчи ташкилот: Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИ**

Ишнинг асосий мақсади қора-ола зотли моллар популяциясида голштин зотли буқалардан фойдаланиш, уларни генотипи ва селекция самарадорлиги бўйича баҳолашнинг наслчилик ишлари тизимини ишлаб чиқиш.

Унда қуйидаги илмий натижаларга эришилди:

- буюртмали саралашда қора-ола зотли моллар популяциясидаги (Фаргона вилояти) сигирларнинг маҳсулдорлиги (тирик вазни 436-443 кг, сут соғими 3054-3089 кг, сутнинг ёғдорлиги 3,80-3,90 %, сут ёғи 116-120 кг) аниқланди;
- буюртмали саралашда голштин зотли яхшиловчи буқаларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатлари (аждодлар индекси сут соғими бўйича 9370-12545 кг, сут ёғи 410,8-506,8 кг, наслдорлик нисбий қиймати RZG 125-133 %, RZM 118-132 и RZE 116-131 %) баҳоланди;
- буюртмали саралашдан олинган гунажинларнинг 6 ойлик буғозлигидаги тирик вазни 400,0-421,5 килограммга ва 9 ойлигига 473,8 – 503,8 килограммга, биринчи туқсан сигирларнинг сут соғими 3578,5-4679,2 килограммга, сут ёғи 143,9-197,9 килограммга, сутдорлик коэффициенти 884-1133 килограммга ва сут бериш тезлиги 1,63-2,10 кг/дақиқага оширилди;
- буқаларнинг селекция самарадорлиги оталар кучининг таъсири бўйича 0,58-8,64 %-ни, сут соғими бўйича 278,7-484,3 килограммни ва сут ёғи бўйича 20,3-40,5 килограммни ташкил этди;
- иссиққа чидамлилик индекси билан сут маҳсулдорлиги оралиғидаги ижобий коррелияция аниқланди;
- ҳар бир сигирдан олинган фойда 217-322 минг сўмга ва рентабеллик даражаси 32,6-36,2 фоизга кўтарилиди.

**Қаранг яна: Ч.Р.Бегимкулов (03.00.27)**

## **Тарих фанлари**

**Абдуллаев Тимур Пулатович: «XII – XV асрларда Хоразм ҳунармандчилиги» (07.00.01) – ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти (230100, Нукус, Амир Темур кўч., 179 «А». Тел.: (8-361) 224-05-98, факс: (8-361) 222-17-44) (диссертация ўзбек тилида)**

Илмий раҳбар: F.Ходжаниязов

Иш бажарилган ташкилот: Урганч давлат университети

Оппонентлар: М.-Ш.Кдирниязов, Б.Ж.Эшов

Етакчи ташкилот: Давлат ва жамият қўрилиши академияси қошидаги  
Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази

Ишда ўрта асрлардаги Хоразмнинг XII – XV асрга оид ҳунармандчилик тарихи ёзма манбалар ва археологик топилмалар асосида қиёсий тадқиқ қилинган.

Тадқиқотда Хоразм ҳунармандчилигининг асосий тармоқлари кулолчилик, темирчилик, шишасозлик, тоштарошлиқ, сукка ишлов бериш, тўкимачилик турлари тадқиқ этилиб, ҳунармандчиликнинг хом-ашёвий манбалари, ҳунармандчиликдаги ташкилий ишлар, маҳсулотларнинг ташқи савдога чиқарилиши ва анъанавийлик масалалари ёритилади.

Ёзма манбалар ва археологик материалларни ўрганиш асосида Хоразм ҳунармандчилигининг Марказий Осиё ва Шарқ давлатлари маданияти тизимидағи ўрни ва иқтисодий алоқалардаги йўналишлари таҳлил қилинган.

**Акбарова Манзура Лутфуллаевна: «Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқлар, уларнинг ҳаёти ва тақдири (1929-1956-йиллар)» (07.00.01) – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73, факс: 262-93-51) (диссертация ўзбек тилида)**

Илмий раҳбар: Р.Т.Шамсутдинов

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат университети

Оппонентлар: С.С.Агзамходжаев, Ш.А.Хайтов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади - Ўрта Осиёда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш натижасида 1929-1956 йилларда қулоқ қилингандарни Қозогистонга сургун қилиш, уларнинг “қулоқлар қишлоғи” даги ҳаётини ва бу жараённинг фозиали оқибатларини комплекс тарзда ўрганишдан иборатдир.

Ишнинг илмий янгилиги қуидагилардан иборат:

- мавзуга оид Россия, Қозогистон, Ўзбекистондаги манбалар таҳлил қилинди, ишнинг манбавий асослари очиб берилди ҳамда муаммонинг ўрганилиш даражаси ёритилди;
- коллективлаштириш, қулоқ қилиш ва сургун қилишнинг янги жиҳатлари, бу жараёнда совет давлатининг куч ишлатиш органлари, айниқса, ГПУ, ОГПУнинг қонунга хилоф фаолияти кўрсатилди;
- совет режимининг қишлоқ аҳолисига, айниқса, дехқонларга қарши олиб борган иқтисодий, сиёсий, мағкуравий қатағон сиёсати ва унинг турли кўринишлари фош этилди;
- Ўрта Осиёдан Қозогистонга сургун қилингандеконларни қулоқка тортилиши, уларнинг бу сиёсатга қарши норозилик чиқишлари кўрсатилди;
- Қозогистон меҳнат посёлкаларидағи ўзбек, тоҷик, туркман миллатига мансуб маҳсус кўчириб келтирилган “қулоқлар сургуни”дагиларнинг бу бегона ўлгадаги оғир турмуши, аҳволи, яшаш шароитлари тадқиқ қилинди;
- “қулоқлар сургуни”дагиларнинг Қозогистондаги очарчилиқдан, қаҳатчилиқдан тортган азоблари, уларнинг такроран қатағон қилиниши, мудҳиш катта террор даврида ва ундан кейин ГУЛАГ концлагерлари ҳамда меҳнат тузатув лагерларига ташланганлар ва отиб юборилганларнинг номлари аниқланди;
- Ўрта Осиёдан сургун қилиб келтирилганларнинг Қозогистон ва СССР иқтисодиётiga қўшган ҳиссаси, маҳсус кўчирилганларнинг меҳнат фаолияти таҳлил қилиб берилди;
- сургун қилингандарнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, уларнинг фронт ва фронт ортидаги жанговарлик ва меҳнат фаолияти ёритилди, немис-фашистларга қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлганларнинг номлари аниқланди;
- Қозогистонга сургун қилингандебиқ “қулоқ”ларнинг озод қилиниши ва юртга қайтиш жараёни, уларнинг кейинги тақдирлари тадқиқ қилинди.

**Дутураева Дилноза Шукуриллаевна:** «Қорахитойлар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё (XII аср иккинчи чораги – XIII аср бошлари)» (**07.00.01**) – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73, факс: 262-93-51) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Э.Э.Каримов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Тарих институти

Оппонентлар: М.М.Исҳоқов, Ҳ.Тўраев

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Диссертацияда XII аср иккинчи чораги – XIII аср бошлари, яъни 1124-1218 йилларда Марказий Осиё ҳудудида ҳукмронлик қилган Қорахитойлар сулоласининг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳамда Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, уйғурларнинг Турфон идиқутлиги каби маҳаллий давлатлар ва қипчоқ, қанғли, қарлук, найманлар каби қабилалар билан бўлган муносабатлари тадқиқ этилган.

Қорахитойларнинг туркий ҳалқлар билан қадимги алоқалари, Марказий Осиёдаги ўзига хос сиёсати ва унинг натижалари каби масалалар араб, форс ва хитой манбалари, археологик материаллар ҳамда илмий адабиётлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда ёритиб берилди.

**Ёрматов Фахриддин Жойловович:** «Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида)» (**07.00.01**) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12, 244-77-28) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.А.Маврулов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат маданият институти

Оппонентлар: М.Абдураҳмонов, Н.Д.Жўраева

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишда мустақиллик йилларида республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тизими шаклланиши ва ривожланиши каби масалалар жанубий вилоятлар – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида илк бора тадқиқ этилган.

Диссертацияда бозор иқтисодиётiga ўтиш ўзбек моделининг муҳим қисми бўлган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш масаласи жанубий вилоятлар мисолида ўрганилган.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш тизимининг шаклланиши, бу жараёнда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг ўрни, “Маҳалла”, “Нуроний” каби ижтимоий институтларнинг роли каби масалалар тадқиқ этилди. Мавжуд камчиликлар таҳлил этилиб, соҳани ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди.

Архив хужжатлари, маҳаллий ва хорижий муаллифлар асарлари, тадқиқотлари ва илмий мақолалар маълумотларини қиёсий таҳлил этиш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ривожланиш истиқболлари ўрганилди, янги маълумотлар илмий муомалага киритилди.

**Мамадалиев Ҳусnidдин Муйдинович:** «IX – XII асрларда Ўрта Осиёда этник ҳолат (араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида)» (**07.00.01**) – ЎзР ФА Тарих институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-73, факс: 262-93-51) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.С.Камолиддин

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Тарих институти

Оппонентлар: Д.Ю.Юсупова, З.Қуттибоев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишнинг мақсади IX – XII асрларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар этник тарихини араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида тадқиқ этиш, тизимлаштириш ва умумлаштиришиб кўрсатишдан иборат.

Диссертацияда IX – XII асрларга тегишли Ўрта Осиёни ўрганишга доир бўлган араб тилидаги манбалар ва улардаги минтақа халқлари этник тарихининг турли жиҳатларига оид масалалар илк бор ўрганилди, IX – XII асрлар Ўрта Осиё этник тарихи бўйича маълумот берувчи араб тилидаги тарихий ва географик манбалар, ўрта аср ҳариталари, саёҳатномалар ва бошқа манбаларнинг тизимли тавсифи тақдим этилди, тадқиқ этилаётган даврга тегишли Ўрта Осиё ўтрок, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси этник таркиби аниқланди, маълумотларнинг аҳамиятига янгича нуқтаиназардан баҳо берилди.

Ишда IX – XII асрларда Ўрта Осиёда яшаган халқларнинг этник тарихини араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида ўрганиш Ўзбекистон тарихи ва этнология фанларида илмий йўналиш сифатида янги шароитда ривожланаётгани, мавзунинг ҳаққоний ва холис ёритилгани аниқланиб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилди, илмий аҳамияти таҳлил қилинди; тадқиқотлардаги тарихий жараёнларни ёритишда камчиликлар, хато талқинлар ҳам борлиги кўрсатилди; IX – XII асрларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар этник тарихини араб тилидаги манбалар маълумотлари асосида тадқиқ этишнинг кам ўрганилган томонлари кўрсатилди, тавсиялар берилди.

**Низомов Хайриддин:** «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги маданий алоқалар (1991-2007 йиллар)» (**07.00.01**) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12, 244-77-28) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: А.Х.Чориев

Иш бажарилган ташкилот: Қарши давлат университети

Оппонентлар: А.Қирғизбоев, Қ.Матхоликов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат шарқшунослик институти

Ишда архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида янги методологик усуулларни кўллаш билан илк марта мустақиллик йиллари (1991–2007)да Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланиши масаласи ҳар томонлама таҳлил этилган. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлигига доир ҳозиргача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган кўпгина янги маълумотлар келтирилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти тадқиқ этилиб, икки кўшни Республикаларнинг давлатлараро муносабатлари конкрет мисолларда кўрсатилган. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларининг маданий ҳамкорлик соҳасидаги ютуқлари билан бирга бу борадаги баъзи бир камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ва ривожланиш истиқболлари кўрсатилган.

**Тилаев Эрмат Раҳматович:** «Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (жанубий вилоятлар мисолида)» (07.00.01) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56) (диссертация ўзбек тилида).

Илмий раҳбар: А.Р.Отажонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: С.Н.Турсунов, Ю.А.Эргашева

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертацияда комплекс тарзда мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар жанубий вилоятлар, яъни Қашқадарё ва Сурхондарё мисолида кўриб чиқилиб, таҳлил этилган.

Ишда иқтисодий ўзгаришлар, ислоҳотларнинг биринчи босқичи, тинчликни сақлаш, миллий ва фуқаролик ҳамжиҳатлиги, мамлакатнинг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиши таҳлил қилинган.

Аҳолининг ижтимоий ҳаёти ўрганилиб, биринчи навбатда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ қилиш жараёни тадқиқ этилган.

Маърифий ва маънавий соҳаларида амалга оширилган ишлар, миллий қадриятларнинг тикланиши ва бойитиши, маънавий-маърифий муассасаларнинг ишлари, мустақиллик йилларида вилоят зиёлиларининг фаолияти илмий жиҳатдан ўрганилди.

**Хатамов Тоҳир Абдумуталович:** «Ўзбекистон умумтаълим мактаблари таълим ислоҳотлари тизимида: муаммолар, ечими ва истиқболи (1991-2009 йй.)» (07.00.01) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Қ.Эргашев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Ю.А.Эргашева, Н.Х.Обломуродов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишда Ўзбекистон тарихида кам ўрганилган ва шу пайтгача мустақиллик ғоялари асосида илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган истиқтол даври умумтаълим мактабларида кечган ислоҳотлар жараёни тадқиқ этилган.

Диссертацияда 1991-2009 йилларда Ўзбекистон умумтаълим мактабларида амалга оширилган таълим ислоҳотлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурлари умумтаълим мактаблари ҳаётида янги ривожланиш босқичи сифатида намоён бўлиши, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, умум ўрта таълим тизими моддий-техника базасидаги ва таълим-тарбия соҳасидаги тўплангандай тажрибалар ҳамда мавжуд муаммолар ечими, таълимдаги халқаро ҳамкорлик муносабатлар тарихшунослик нуқтаи-назаридан илк бор алоҳида мавзу сифатида маҳсус тадқиқ этилиб, уларнинг ҳар бирининг таҳлилий натижалари ва хуносалари берилди.

## Иқтисод фанлари

**Исоҳўжаева Мунира Яшнаровна:** «Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат тизимларини ишлашини такомиллаштириш» (08.00.03) – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўч., 5. Тел.: 233-14-78) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Л.И.Шибаршова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти

Оппонентлар: М.А.Икрамов, Т.М.Буткеева

Етакчи ташкилот: Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази  
«UNICON.UZ»

Ишнинг мақсади Ўзбекистонда электрон тижорат тизимларини такомиллаштириш механизmlари бўйича назарий-методик тамойиллар ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Ишнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

- 2010-2016 йй. давр мобайнида электрон тижорат ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилган;
- электрон тижорат тизимлари инфратузилмасини давлат томонидан назорат қилиш унификация механизmlари билан биргалиқда ривожлантириш асосланган;
- электрон тижорат ривожланиш суръатини белгилайдиган асосий омиллар аникланган ва электрон тижорат ривожланишини прогноз қилиш методикаси ишлаб чиқилган;
- Учинчи ишончли тараф яратиш орқали республикада электрон тижоратни хавфсизлигини таъминлаш механизми таклиф этилган ва яқин давр мобайнида электрон тижорат тизимлари ривожланиши варианти прогнозлар асосланган;
- Учинчи ишончли тараф хизматларини қўллаш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган ва апробация қилинган.

**Маджидов Шахрух Ахлитдинович:** «Ипакчилик тармоғида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш» (**08.00.03**) – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шаҳрисабз тон кўч., 5) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Н.М.Маҳмудов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Оппонентлар: И.И.Искандеров, Қ.М.Умаркулов

Етакчи ташкилот: «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акционерлик компанияси

Ишнинг мақсади: ипакчилик тармоғини модернизациялаш шароитида инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва уни амалиётга тадбиқ этиш борасида тавсиялар беришдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

- инвестицион фаолият категориясига янги мазмундаги муаллифлик таъриф берилган;
- ипакчилик тармоғида инвестицион лойиҳаларни самарадорлигини баҳолашнинг дисконтлаш усулидан фойдаланиш орқали ҳисоблаш услуги асосланган;
- ипакчилик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнида хом ашёнинг миқдорий харакатини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;
- ипакчилик тармоғи миқёсида ишлаб чиқариш қувватларига жалб этилган инвестицияни самарадорлигига баҳо берилган;
- ипакчилик тармоғида инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш ва танлаш услугларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Хатамова Гулнора Рахимжон қизи:** «Корпоратив тузилмаларда инновацион стратегия механизмини такомиллаштириш (“Тошкент трактор заводи” Очиқ акциядорлик жамияти мисолида)» (**08.00.03**) – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шаҳрисабз тон кўч., 5) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Л.Турсунходжаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Оппонентлар: М.Р.Болтабоев, М.Н.Абдуллаева

Етакчи ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Ишнинг мақсади корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияни такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Ишнинг илмий янгилигини тавсифловчи асосий натижалар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- корпоратив саноат тузилмалари рақобатбардошлигини ривожлантириш ва юксалтиришда инновацион стратегияларнинг роли аникланган;
- корпоратив тузилмаларда техник ва технологик қайта қуроллантириш, тезкор модернизациялар стратегияларининг тамойиллари ва моҳияти очиб берилган;
- корпоратив тузилмаларда инновацион стратегияларни амалга ошириш механизми самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг услубий асослари ишлаб чиқилган;
- йирик корпоратив обьект инновацион ривожланиши самарадорлиги ва уни инновацион фаолият самарадорлиги ҳамда ҳолати комплекс баҳоланган;
- корпоратив тузилмаларда инновацион стратегия механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таклиф қилинган ва асослаб берилган;

- корпоратив тузилмаларда инновацион фаолиятни фаоллаштиришнинг иқтисодий ва молиявий асослари белгилаб берилган.

**Азизкулов Бахтиёр Хушвактович:** «Пахтачилиқда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги» (**08.00.04**) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Ҳ.Орипов кўч., 16, Тел.: 237-54-01, факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Р.Холмўминов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Оппонентлар: Р.В.Абдуллаев, Ҳ.А.Баротов

Етакчи ташкилот: ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахтачилиқда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- пахтачилиқда агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари назарий жиҳатдан очиб берилган;
- пахтачилиқда самараали агротехнологияларни жорий қилиш асосида соҳа самарадорлигини янада оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланган;
- пахтачилиқда хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш асосида агротехнологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Хожибоев Мухиддин Шодимухаммединич:** «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва дехқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш» (**08.00.04**) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Ҳ.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Т.Х.Фарманов

Иш бажарилган ташкилот: Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти

Оппонентлар: Қ.А.Чориев, З.Х.Каримова

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер ва дехқон хўжаликларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тармоқ учун кредиттинг моҳияти, объектив зарурияти ва аҳамияти асослаб берилган;
- фермер ва дехқон хўжаликлири фаолиятини кредитлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан республикамиизда ижодий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрланган;
- фермер ва дехқон хўжаликларини кредитлаш тизимининг ташкилий-ҳукуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида фермер ва дехқон хўжаликларини банқдан ташқари кредитлаш тизимини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланган;
- фермер ва дехқон хўжаликларини кредитлашда гаров механизмини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Ибадуллаев Нурали Эшниязович:** «Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида)» (**08.00.05**) – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (103000, Самарқанд, Амир Темур кўч., 9. Тел.: 233-38-72, факс: 233-10-54) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: М.Қ.Пардаев

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Оппонентлар: М.М.Мухаммедов, А.Н.Норчаев

Етакчи ташкилот: Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали

Ишнинг мақсади иқтисодиётни модернизация қилиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози шароитида туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини баҳолаш ва ишга солиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодиётни ривожлантиришда туристик ресурсларнинг ўрни очиб берилди ва улардан самарави фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилди;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози шароитида туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни ишга солиш орқали туризмни ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш усуллари тавсия қилинди;
- туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ва уларни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;
- Самарқанд вилоятида туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги муаммолар аниқланди ва уларнинг амалий ечимлари кўрсатиб берилди;
- туризмни кадастрлаш асосида туристик ресурсларни паспортизация қилиш лозимлиги асосланди.

**Абдурахманов Абдуазим Джалалитдинович:** «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини такрорий кўпайишини иқтисодий-статистик таҳлили» (**08.00.06**) – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Б.Усмонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Ё.А.Абдуллаев, Ш.Эргашева

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ишнинг мақсади: Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон аҳолиси такрор барпо бўлиши параметрларига ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини ва қонуниятларини комплекс равиша статистик тадқиқ этиш асосида, демографик жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиши.

Ишнинг илмий янгилиги:

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнларини статистик тадқиқ этишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмун моҳияти очиб берилган;
- Ўзбекистоннинг янги иқтисодий муносабатларга ўтиш ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози шароитида аҳолини такрор барпо бўлиш жараёнларининг гипотетик ва реал авлодлар бўйича статистик параметрлари ишлаб чиқилган;
- аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнидаги ўзгаришлар ва уларга таъсир этувчи демографик, ижтимоий, иқтисодий омиллар статистик баҳоланган;
- танланма кузатишлар натижалари асосида ҳозирги авлоднинг репродуктив фаолияти ўрганилган ва Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун ўлим жадваллари тузилган;
- Ўзбекистоннинг демографик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб, республика аҳолиси такрор барпо бўлиши кўрсаткичларининг 2020 йилгача бўлган даврдаги статистик прогнози амал оширилган.

**Абдурахмонов Ильёс Хуршидович:** «Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш» (**08.00.07**) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, Х.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Х.М.Шеннаев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент молия институти

Оппонентлар: О.О.Олимжонов, Қ.М.Қўлдошев

Етакчи ташкилот: ЎзР Молия вазирлиги

Ишнинг мақсади: Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида жавобгарликни суғурталаш бозорини амал қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- жавобгарликни суғурталаш илк марта яхлит мустақил илмий-тадқиқот обьекти сифатида ўрганилган;
- жавобгарликни суғурталашнинг ташкилий-хуқуқий асосларини тадқиқ этиш асосида алоҳида қонунчилик хужжатларини қабул қилиш зарурлиги исботланди;
- суғурта бозорида рақобат шароитида жавобгарликни суғурталашнинг амалдаги турларини янада такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- Ўзбекистонда давлат капитали иштирокида қайта суғурта ташкилотини ташкил этиш зарурлиги асослаб берилган;
- суғурта бозорида юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини суғурталашни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган;
- рақобатнинг кўчайиши шароитида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича кўриладиган заарларни бевосита қопланиши суғурта мукофотларининг сезиларли ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

**Ибрагимов Даврон Рустамович:** «Дилинг операцияларини амалга оширишда валюта рискларини баҳолашни такомиллаштириш масалалари» (**08.00.07**) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, X.Орипов кўч., 16. Тел.: 237-54-01. Факс: 237-50-11) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Т.С.Расулов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР Банк-молия академияси

Оппонентлар: Н.Х.Хайдаров, Б.М.Душаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ишнинг мақсади халқаро валюта бозорларидаги дилинг операцияларида рискларни баҳолаш усупларини такомиллаштириш ва дилингни оптималлаштириш моделини ишлаб чиқишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги илмий назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- алмашув курси ўзгаришининг чегаравий миқдорларини аниқлашга қаратилган рискни баҳолаш модели ишлаб чиқилган ва ундан фойдаланиш афзалликлари асосланган;
- валюта курси тебраниш даражасини валюта дилинги дисперсиясини ҳисоблаш учун қўлланилиши рискни баҳолаш натижалари аниқлигини ошириши асосланди;
- валюта дилингидаги юзага келадиган рисклар үрганилган ва уларни хеджирлаш йўллари тавсифланган;
- валюта дилингидаги алмашув курси риски, фоиз риски, кредит риски ва мамлакат рискларининг таъсир этиш даражаси аниқланди ва уларни бошқаришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- халқаро валюта бозорида қўлланилиши содда бўлган, валюта курсининг келажақдаги тебраниши эҳтимоли ва тақсимоти асосида валюта рискини баҳолаш ҳамда дилингни оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган.

**Рахмонов Навкар Равшанбекович:** «Товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш» (**08.00.08**) – ЎзР Банк-молия академияси (100000, Тошкент, X.Орипов кўч., 16, Тел.: 237-54-01) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Р.Д.Дусмуратов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Оппонентлар: З.Т.Маматов, Н.К.Ризаев

Етакчи ташкилот: ЎзР Молия вазирлиги

Ишнинг мақсади: Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар чуқурлаштирилаётган шароитда товар-моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, қўйидаги илмий-назарий ва амалий натижаларга эришилди:

- товар-моддий захиралар ҳисоб-иқтисодий категория сифатида ўрганилиб, уларнинг таркибий элементлари, тижорат циклидаги роли ва тақрор ишлаб чиқариш жараёнидаги тавсифи ёритилди;
- товар-моддий захираларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарига хос туркумланиш хусусиятлари аниқланди;

- товар-моддий захиралар ҳисобининг халқаро амалиёти ва мамлакатимиз тажрибаси қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг умумий жиҳатлари ва фарқлари кўрсатилди;
- товар-моддий захиралар аналитик ҳисобини гуруҳлар, гуруҳчалар, турлари ва номлари бўйича ташкил этиш ва уларни кодлаштириш учун таклифлар берилди;
- товар-моддий захираларнинг бутун «ҳаётый цикли» (тайёрлаш, сақлаш ва истеъмол қилиш жараёнлари)да ҳисоб ва аудит услубларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- нормал таъминот фаолияти учун товар-моддий захираларга буюртма шакллантиришнинг мақбул ўлчамини EOQ model ёрдамида аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди.

**Закиров Комилжон Жўраевич:** «Ҳудудий меҳнат бозорида аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишни такомиллаштириш (Сирдарё вилояти мисолида)» **(08.00.10)** – ЎзР ФА Иқтисодиёт институти (100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўч., 5. Тел./факс: 233-14-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: К.Х.Абдураҳмонов

Иш бажарилган ташкилот: Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази

Оппонентлар: З.Я.Худойбердиев, Н.У.Арабов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади. Ҳудудий меҳнат бозорида иш билан бандликни тадқиқ қилиш ва уни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Ўзбекистондаги миллий ва ҳудудий меҳнат бозорлари шаклланиши ва амал қилишининг хусусиятлари аниқланган;
- Ўзбекистон вилоятлари аҳолисининг иш билан бандлиги даражаси ва ишга жойлаштириш хусусиятлари аниқланган;
- Сирдарё вилояти ҳудудий меҳнат бозорларидаги ЦСЗ фаолияти баҳолашнинг иқтисодий мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;
- Сирдарё вилояти ФСЗ сидан фойдаланиш самарадорлиги даражаси аниқланган;
- Сирдарё вилояти ҳудудий меҳнат бозорлари хусусиятлари ва иш билан бандликнинг устивор йўналишларини ҳисобгаолган ҳолда иш жойлари яратиш прогнози ишлаб чиқилган;
- Сирдарё вилояти ҳудудий меҳнат бозорларидаги ЦСЗлар фаолиятини баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Мустафаева Махсуда Сайфуллаевна:** «Ўзбекистон нефт-газ тармоғини модернизациялаш жараёнида персонални бошқариш тизимини ислоҳ қилиш (“Муборакнефтгаз” УШК мисолида)» **(08.00.13)** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Х.Умурзоқов

Иш бажарилган ташкилот: Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали

Оппонентлар: Г.Н.Охунова, М.Л.Турсунходжаев

Етакчи ташкилот: “Ўзнефтегазқазибичиқариш” АҚ

Ишнинг мақсади: нефт-газ тармоғи корхоналарида персонални бошқариш тизимининг назарий, услубий ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш асосида мазкур соҳа корхоналарида персонални бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: нефт-газ тармоғи корхоналари персонални бошқариш тизимининг иқтисодий моҳияти очиб берилган; нефт-газ тармоғи корхоналарида кадрлар хизматлари фаолияти ўрганилиб янги функционал тузилмаси ишлаб чиқилган ва кадрлар бўлими вазифалари такомиллаштирилган; “Муборакнефтгаз” УШК персонални бошқаришнинг замонавий ташкилий тузилмаси ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизми ишлаб чиқилган; дунёнинг тараққий этган давлатларида нефт-газ тармоғи корхоналарида персонални бошқариш услублари ўрганилган

ва уларни республикамиз шароитида қўллаш бўйича тавсиялар асосланган; нефт-газ корхоналари кадрлар бўлиммининг фаолиятини такомиллаштиришда ҳисобга олиши лозим бўлган омиллар аниқланган.

**Отажонов Шухрат Ибраимжонович:** «Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмини такомиллаштириш» (08.00.13) - Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.К.Гойибназаров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Ш.Н.Зайнуддинов, И.К.Мирзаев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизmlарини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-назарий ҳамда услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш асосида миллый иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари асослаб берилган;
- кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион фаолияти самарадорлигини таҳлил килиш ва баҳолаш услуби такомиллаштирилган;
- Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришни самарали бошқариш модели таклиф этилган;
- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришга кўмаклашувчи инфратузилмаларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар асосланган;
- кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштириш ва уларни венчур молиялаштириш тизими таклиф этилган;
- кичик бизнес инновацион фаолиятида рисктарни самарали бошқариш механизmlарининг ташкилий-иктисодий асослари ишлаб чиқилган;
- давлат инновация сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан интеграциясини ташкил этиш тизими асослаб берилган;
- кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион ривожланишини прогнозлаш варианtlари ишлаб чиқилган.

**Парпиев Бобиржон Батырович:** «Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк депозитларига барқарор жалб этиш маркетинг стратегиясини шакллантириш (Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки мисолида)» (08.00.13) – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўч., 49. Тел.: 239-28-72) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Ю.Ходиев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Оппонентлар: Ё.Абдуллаев, А.Солиев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ишнинг мақсади: аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш маблағларини банк депозитига жалб этишнинг маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- республика банк тизими ривожланиши босқичларга ажратиб ўрганиш бўйича муаллиф ёндашуви амалга оширилган;
- хорижий ва маҳаллий олимлар ва мутахассисларнинг банк амалиётида "мижозга йўналтирилганлик" тушунчасига берган таърифлари қиёсий таҳлил қилиниб, муаллиф илмий таърифи берилган;
- банк менежери лавозим йўриқномасини ишлаб чиқишига имкон берадиган янги мижозни жалб этиш жараёнининг босқичлари асосланган;

- банк ҳудудининг маълумотлар базасини шакллантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш маблағларини банк депозитига жалб этишга қаратилган янги мижозларни жалб этиш бўйича маркетинг стратегияси таклиф этилган;
- банк мижозларини сегментлаш учун мижоз ҳаётйи цикли қадри мезонига таяниш услуби таклиф этилган;
- мижознинг банк шароитига мослашишининг дастури таклиф этилган;
- тижорат банкларида ишончли мижозларни ушлаб туриш технологияси услуби ишлаб чиқилган.

**Мохова Елена Александровна:** «Электрон ҳужжат алмашуви тизимини жорий қилиш орқали бошқарув жараёнлари самарадорлигини юксалтириш» (**08.00.14**) – Тошкент давлат иқтисодиёт университети (100003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳ қўч., 49. Тел.: 245-24-44) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Б.А.Бегалов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент ахборот технологиялари университети

Оппонентлар: Р.Х.Алимов, А.А.Журабаев

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ишнинг мақсади: корхона бошқаруви жараёнларининг электрон ҳужжат алмашув тизимини лойиҳалаштириш ва уларни самарали жорий этишнинг усул, ёндашув ва механизмларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:

- корхоналар бошқарув жараёнларининг электрон ҳужжат алмашув тизимини лойиҳалаштириш ва уларни самарали жорий этишнинг усбуни жиҳатлари;
- корпоратив ахборот тизими доирасида оптимал электрон ҳужжат алмашувининг концептуал моделини лойиҳалаштириш технологиялари;
- корхона электрон ҳужжат алмашуви тизимини оптималлаштиришнинг ёндашув ва усулларини самарали қўллаш технология ва механизмлари;
- корхона таркибий бўлинмаларидаги доимий ҳужжат оқимлари ҳажми, ҳужжатларнинг умумий ҳажми, ҳужжатларга мурожат қилиш частотаси, ахборотларни сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва архивлаштиришнинг нархларини белгиловчи электрон ҳужжат алмашув тизи-мини оптимал ташкил қилишнинг моделлари;
- «СамАвто» корхонасида электрон ҳужжат алмашуви тизимини жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методикаси;
- корхонанинг электрон ҳужжатлар алмашуви тизимини ташкил этишда «файл-сервер» ва «мижоз-сервер» технологиясидан самарали фойдаланиш механизмлари;
- корхонанинг турли таркибий бўлинмалари ўртасидаги айлананаётган ахборотлар ҳажмини белгилаш усуллари;
- корхоналарда электрон ҳужжат алмашуви тизимини лойиҳалаштириш ва жорий этишга таъсир кўрсатувчи омиллар таркиби аниқланган.

## Фалсафа фанлари

**Абдуллаева Насиба Бўроновна:** «Замонавий ўзбек матбуоти дизайнининг эстетик хусусиятлари (журналлар мисолида)» (**09.00.04**) - Ўзбекистон Миллий университети (100095, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 246-36-56, факс: 244-73-12) ва ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел.: 262-38-87) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Э.Умаров

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: А.Б.Алиев, М.Ахмедова

Етакчи ташкилот: Миллий рассомчилик ва дизайн институти

Ишнинг мақсади: замонавий ўзбек журналлари дизайнининг эстетик хусусиятларини фалсафий таҳлил этиш ва уларни такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ўзбек матбуоти дизайнни тараққиётининг босқичларга бўлинниб ўрганилиши; тадқиқотчи томонидан олиб борилган социологик тадқиқот асосида замонавий журналлар дизайнининг бугунги кундаги манзараси яратилгани; ёшларга мўлжалланган нашрлар дизайнни эстетик хусусиятларининг биринчи марта фалсафий тадқиқот предметига айлангани, Ўзбекистон даврий матбуот нашрлари дизайнининг эстетик тарбиявий имкониятларининг очиб берилиши; тадқиқотда эстетика назарияси, дизайн назарияси ва матбуот нашрлари дизайнининг такомиллашувига доир амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганидан иборат.

Диссертация натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Миллий матбуот маркази, Маънавият тарғибот маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси ва оммавий ахборот воситалари амалиётida фойдаланиш мумкин.

## Филология фанлари

**Сидиқов Қосим Абилович:** «”Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча бадиий таржима хусусиятлари» (10.01.07) – Ўзбекистон Миллий университети (100174, Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ. Тел.: 114-52-36) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Тўхлиев

Иш бажарилган ташкилот: Наманган давлат университети

Оппонентлар: М.Холбеков, Қ.Мамуров

Етакчи ташкилот: Андижон давлат университети

Ишда Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асаридағи тўртликларнинг русча ва икки инглизча таржималари қиёсий-типолигик таҳлил қилинди. Тадқиқотда тўртликларни хорижий хусусан, рус ва инглиз тилларига таржима қилишнинг назарий асосларини яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда тўртликлар поэтикаси ва бадиий тасвир воситаларини таржимада қайта яратиш қоидалари ва методологиясини илмий асослаш масалалари тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги “Қутадғу билиг” асарининг В.Мей томонидан 1998 йилда амалга оширилган инглизча таржимасини Ўзбекистонда биринчи марта илмий тадқиқотга жалб этилганлиги, асарнинг жаҳон туркийшунослигига ўрганилишини атрофлича таҳлил этилганлиги, тўртликлар таржимасида қоғия, композиция, мақол ва афоризмлар ҳамда шеърий санъатларни қайта яратишида таржимонларнинг ўзига хос тажрибаларини ўрганилганлиги, тўртликлар таржималарини шеърий таржима қонуниятлари асосида аслият билан қиёсий таҳлил этилганлиги, таржималар бўйича керак ўринларда таклиф ва тавсиялар берилганлиги, воситачи тилнинг таржимага таъсири масаласини ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Хасанов Акбаржон Абдурашидович:** «Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар» (10.02.01) – ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти (100170, Тошкент, И.Мўминов кўч., 9. Тел: 262-42-64, 262-94-34) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ҳ.А.Дадабоев

Иш бажарилган ташкилот: Қўқон давлат педагогика институти

Оппонентлар: С.Каримов, Г.Рихсиева

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Ишда А.Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар илк бор лингвопоэтик аспектда таҳлил қилинди. Ёзувчининг асар бадииятини таъминлашда сўзнинг кўчма маъноларидан фойдаланиш маҳорати туркумлараро ва сўзларнинг лексик-семантик гурухлари доирасида изоҳланди ва лингвопоэтик имкониятлари ёритилди. Чегараланган лексиканинг поэтик актуаллашви, бадиий образлилик қиммати кўрсатилди. Семантик-стилистик воситаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ёзувчининг индивидуал услуб қирралари билан боғлиқ ҳолда ўрганилди; шунингдек, жонлантириш синтактика ҳодиса сифатида кўрсатилиб, унинг компонент тузилиши аниқланди. Тадқиқотда лингвопоэтиканинг қиёсий таҳлил усулига мурожаат қилинди ва А.Қаҳҳорга хос лингвистик маҳорат Ойбек ва F.Ғуломнинг сўз қўллаш маҳорати билан қиёсан тадқиқ этилди.

Тадқиқот умумфилологик йўналишда ўрганилаётган бадиий тил масалалари билан шуғулланувчи лингвопоэтика доирасига киради. Тадқиқот натижалари бадиий асар тили юзасидан лингвопоэтик тадқиқот олиб борувчи тадқиқотчилар учун катта амалий ёрдам беради.

## Юридик фанлар

**Сайдуллаев Шахзод Алиханович:** «Хуқуқдаги бўшлиқлар: назарий-хуқуқий муаммолар» (12.00.01) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: З.М.Исломов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Х.Б.Бобоев, Ш.Н.Бердияров

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва хуқуқ институти

Ишнинг мақсади хуқуқдаги бўшлиқларнинг назарий-хуқуқий муаммоларини “Давлат ва хуқуқ назарияси” фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Ишда миллий хуқуқ тизимини шакллантириш жараёнида хуқуқдаги бўшлиқларнинг олдини олиш ва тўлдириш юзасидан хуқуқ ижодкорлиги субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар, хуқуқдаги бўшлиқлар тушунчаси, юридик табиати, турлари, усуслари билан боғлиқ масалаларга оид юридик фанда мавжуд бўлган илмий-концептуал ёндашувлар, ғоялар, тамойиллар ва категориялар, хуқуқ ижодкорлиги субъектларининг хуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва тўлдириш борасидаги фаолияти ҳамда уни тартибга солувчи қонунчилик хужожатлари тадқиқ этилган.

Хуқуқдаги бўшлиқлар тушунчасига муаллифлик таърифи берилган ҳамда хуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш хуқуқдаги бўшлиқларни кўрсатиш ва уларни ўрнатишга ажратилиши, “хуқуқдаги бўшлиқларни тўлдириш” тушунчаси ўз ичига “хуқуқдаги бўшлиқларни бартараф этиш” ва “хуқуқдаги бўшлиқларни енгib ўтиш”ларни қамраб олиши кўрсатиб берилган.

Ишда, шунингдек, “Норматив-хуқуқий хужожатларнинг хуқуқий экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш лозимлигини асослаш билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Оила ва Жиноят кодексларининг тегишли моддаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган.

**Кодиров Умиджон Абдимуротович:** «Ўзбекистонда хуқуқий давлат барпо этиш шароитида давлат функциялари» (12.00.01) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Х.Т.Адилкариев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР Ички ишлар вазирлиги Академияси

Оппонентлар: Э.Х.Халилов, Х.Т.Маматов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади - Ўзбекистонда хуқуқий давлат барпо этиш шароитида давлат функцияларининг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш тенденциялари, қонуниятлари ва хусусиятларини комплекс тадқиқ этишдан иборат.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: хуқуқий давлат барпо этиш шароитида давлат функциялари комплекс тадқиқ этилди. Хуқуқий фанлар эришган ютуқларга таяниб, “давлат функциялари”, “давлат органларининг функциялари” атамаларининг янги, замонавий муаллифлик таърифи шакллантирилди, уни илмий асослашга йўналтирилган фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Хуқуқий давлат барпо этиш шароитида давлатнинг олий, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат бирлашмаларининг давлат функцияларини амалга оширишдаги иштироки тизимли таҳлил этилди. Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилаш, самарадорлигини ошириш мақсадида, “Ижтимоий ҳимоя тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

**Искандаров Надирбек Рахимбаевич:** «Ўзбекистон Республикасида Омбудсман институтининг хуқуқий мақоми» (12.00.02) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.З.Мухамеджанов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: А.Х.Саттаров, Р.Р.Хакимов

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ҳуқуқий асослари, омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тизимида тутган ўрни, фаолиятининг асосий йўналишлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек омбудсманнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатларининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид муаммоларни ўрганишга багишланган.

Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг шаклланиши, унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) юридик табиати, унинг ҳуқуқий мақоми, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан парламент назоратини амалга оширишдаги ваколатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари илк маротаба комплекс равишда ўрганилиб, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштиришга доир назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амонов Завқиддин Аминович:** «Мулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35, Тел.: 233-41-09) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.Оқюлов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Р.Ж.Рузиев, Ж.И.Бабаев

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ишнинг мақсади Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида мулкий ҳуқуқларни тартиба солиш муаммоларини концептуал ва комплекс юридик таҳлил этиш ва шу асосда фуқаролик ҳуқуқининг обьекти бўлган мулкий ҳуқуқлар соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқшунослик фанида биринчи маротаба фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида мулкий ҳуқуқларни тартиба солиш муаммолари ҳар томонлама тадқиқ этилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг шу соҳадаги қонунчилигини ривожлантириш истиқболлари аниқланганлиги билан белгиланади.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари мулкий ҳуқуқлар соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда мулкий ҳуқуқларни ҳуқуқий тартиба солишни такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унинг хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик Палатаси Қонунчиллик ва суд ҳуқуқ масалалари Қўмитасига тақдим этилган. Тадқиқот таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг мулкий ҳуқуқлар соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш жараёнда фойдаланиш мумкин.

**Ахмаджонова Зухрахон Орифжоновна:** «Акциядорлик жамиятларида дивидендлар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартиба солиш муаммолари» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Гулямов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Д.М.Караходжаева, М.М.Воҳидов

Етакчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Ишнинг мақсади акциядорлик жараёнларини рағбатлантириш ва Ўзбекистон корпоратив сектори иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратишнинг ҳуқуқий муаммоларининг комплекс таҳлилини амалга ошириш ва шу асосда миллий қонунчилигимиз ва мазкур соҳадаги ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, ушбу диссертацияда миллый ҳуқуқшунослик илмида биринчи марта монографик тарзда акциядорларнинг дивиденд олиш ҳуқуқларини назарий ва ҳуқуқий ҳусусиятларини комплекс тадқиқ қилиш, шунингдек, мазкур тадқиқотнинг бошқа илмий янгилиги акциядорларнинг дивидендларга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришнинг белгиланган муаммолар доирасини ўзига хослиги ва акциядорларнинг фойданни тақсимлаш масалаларида иштирок этиш ҳамда дивидендларни олиш бўйича ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли ва самарали тизимини ишлаб чиқиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, ундан чиқарилган хуросалардан акциядорларнинг дивидендга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар сифатида фойдаланиш мумкин.

**Каландарова Маликахон Пирназаровна:** «Бозор иқтисодиёти шароитида давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажаришнинг ҳуқуқий муаммолари» (**12.00.03**) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Н.Рўзиназаров

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқук институти

Оппонентлар: О.Оқюлов, В.Р.Топилдиев

Етакчи ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ишнинг мақсади бозор иқтисодиёти шароитида давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажаришнинг ҳуқуқий масалаларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш борасида тегишли назарий-амалий таклифлар, тавсиялар ва илмий хуросалар ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги бозор муносабатлари шароитида давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажаришга оид муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари илк бор таҳлил этилиб, давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажаришга оид мавжуд қонунчиликдаги муаммоларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги назарий асосланган ва амалий таклифларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш билан боғлиқ муаммолар илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳамда тегишли қонун ости ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги асослаб берилди.

**Рахмонкулова Нилуфар Ходжи-Ақбаровна:** «Ҳалқаро ҳусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартиба солиниши» (**12.00.03**) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: В.Ё.Эргашев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Т.А.Умаров, У.Ш.Шораҳметова

Етакчи ташкилот: Республика юристлар малакасини ошириш маркази

Ишнинг мақсади чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳни тузилиши ва тугатилишини тартиба солувчи Ўзбекистон Республикасининг коллизион қонунчилигини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган назарий хуросалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, диссертацияда илк бор янгича ёндашув асосида Ўзбекистон Республикаси чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларини тартиба солиниши билан боғлиқ масалалар комплекс равишда тадқиқ этилди ва ушбу муносабатларни тартиба солувчи қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириш зарурияти асослаб берилди. Миллый цивилистикада биринчи маротаба чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларининг юридик табиатини комплекс равишда таҳлил этиш асосида соҳага оид коллизион муаммони келтириб чиқарувчи асосий ҳолатлар аниқланди ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳ муносабатларини иккитомонлама коллизион боғловчилардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий тартиба солини такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда билдирилган таклифлар, умумлаштирилган хуроса ва қоидалар чет эл элементи билан

муракаблашган никоҳ муносабатларини коллизион-хуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин ҳамда суд ва бошқа давлат органларининг қонунни қўллаш амалиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, халқаро хусусий ҳуқуқ фани бўйича дарсликлар, ўкув қўлланмалари ва дастурий кўрсатмаларнинг тегишли мавзуларини тайёрлашда, оила ҳуқуқи бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида ҳам бу таклиф ва хulosалардан кенг фойдаланиш мумкин.

**Сулейменова Айгерим Майдановна:** «Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл давлатлари суд қарорларининг ижро этилиши» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35, Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-78) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.С.Гулямов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: О.Оқюлов, Н.Н.Абдуллаева

Етакчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Ишнинг мақсади бўлиб чет эл суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратишнинг ҳуқуқий муаммоларини концептуал таҳлил қилиш ва шу асосда халқаро ҳамда миллий ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича, шунингдек уни амалга ошириш амалиёти бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, диссертацияда миллий ҳуқуқшуносликда биринчи маротаба чет эл давлати суд қарорларини ижро этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ушбу ҳуқуқий муносабатларга концептуал ёндашув базасида мустақил Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро-ҳуқуқий нормалардан келиб чиқиб таҳлил қилингандиги билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, мазкур тадқиқот ишининг материаллари, хulosha ва тақлифларидан XXX курсини ўқитишда қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин, шунингдек амалга оширилган тадқиқотнинг материаллари ТДЮИ, Қозоғистон-Россия институти, Жанубий Қозоғистон давлат университетида, Академик Инновация университетида “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Фуқаролик процесси”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

**Темирова Наталья Сабировна:** «Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларининг ҳуқуқий асослари» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35, Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-78) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.М.Караходжаева

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: О.Оқюлов, Т.В.Кочергина

Етакчи ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Ишнинг мақсади ҳисоб-китоб клиринг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш муаммоларини комплекс ҳуқуқий таҳлил қилиш ва бозор муносабатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳисоб-китоб муносабатлари иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ва унинг амалиётини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, диссертацияда миллий ҳуқуқшуносликда биринчи маротаба ҳисоб-китоб-клиринг муносабатларининг илмий ва ҳуқуқий асослари комплекс ва чукур таҳлил қилинган; Ўзбекистон Республикасида клиринг операциялари тизими, улар иштирокчиларини ҳимоя қилиш механизmlари ва усуслари, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш кафолатларини такомиллаштириш бўйича мавжуд муаммолар ва Ўзбекистонда кенг қамровли ва сифатли янги клиринг тизимини ривожлантириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унинг хulosаларидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар сифатида фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан умумлашма асарларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни яратиш, шунингдек, олий ўкув юртларида “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Қимматли қоғозлар ва биржа иши”, “Хўжалик ҳуқуқи”, “Молия ҳуқуқи” фанларидан маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда ва ҳисоб-китоб-клиринг муносабатлари иштирокчилари малакасини ошириш ишида фойдаланиш мумкин.

**Усманова Элеонора Ниаматжановна:** «Агентлик муносабатларини шартномавий таъминлаш муаммолари» (12.00.03) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ күч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-78) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.М.Караходжаева

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: О.Оқюлов, М.А.Аминжонова

Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Ишнинг мақсади агентлик муносабатларининг назарий тушунишнинг ҳуқуқий муаммолари ва ҳуқуқий тартибга солиш тизимини комплекс илмий таҳлил этиш, шунинг асосида агентлик муносабатлари соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган аниқ амалий тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, унда миллий фуқаролик ҳуқуқида биринчи марта агентликнинг янги ҳуқуқий концепцияси келтирилади, ушбу институтнинг фуқаролик ҳуқуқидаги мазмуни ва белгилари комплекс ўрганилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унинг хуносаларидан Ўзбекистон Республикасининг вакиллик фаолияти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар сифатида фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан умумлашма асарларни, дарслер ва услубий қўлланмаларни яратиш, шунингдек, олий ўқув юртларида “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Хўжалик ҳуқуқи”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ” фанларидан маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориша фойдаланиш мумкин.

**Иноярова Сохиба Фазиловна:** «Ҳакамлик суди қарорлари қонунийлиги ва асослилигини таъминлашнинг процессуал механизmlари» (12.00.04) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ күч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: О.Оқюлов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: С.С.Гулямов, М.К.Азимов

Етакчи ташкилот: Республика юристлар малакасини ошириш маркази

Ишнинг мақсади ҳакамлик суди қарори, унинг қонунийлиги ва асослилигини таъминловчи процессуал механизmlар моҳияти ва ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш, илмий ечимларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, илк бор янгича ёндашув асосида ҳакамлик суди қарорининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашнинг процессуал механизmlари билан боғлиқ масалалар комплекс равища тадқиқ этилди. Диссертацияда процессуал ҳуқуқнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қиласиган бир қатор янги дефинициялар ишлаб чиқилган ва илмий муомалага киритилган, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодексига ҳакамлик муҳокамаси томонлари бўлган фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда амалга оширилган тадқиқотлар “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Фуқаролик ишлари бўйича процессуал актлар”, “Хўжалик процессуал ҳуқуқи” каби ўқув фанларининг ажралмас қисми ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодекслари бўйича шарҳлар ёзишда, шунингдек кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Астанов Истам Рустамович:** «Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт» (12.00.09) - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ күч., 35. Тел.: 233-41-09) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Б.Хидоятов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

**Оппонентлар: Ф.М.Мухитдинов, А.К.Закурлаев**  
**Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети**

Ишнинг асосий мақсади тадқиқот обьектини комплекс юридик таҳлил қилиш асосида: 1) Жиноят-процессида экспертизанинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш; 2) экспертизани тайинлаш ва ўтказиш механизмини такомиллаштириш; 3) хорижий мамлакатлар қонунчилигини мухим жиҳатларини тадқиқ этиш орқали илмий асослантирилган назарий хуносалар, амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, диссертацияда жиноят процессида экспертиза тайинлаш ва ўтказишига оид назарий ва амалий масалалар жиноят-процессуал ҳуқуқи нуқтаи назаридан монографик даражада тадқиқ этилган; илк маротаба экспертизага оид тушунчалар тўлиқ таҳлил этилиб, уларнинг ҳар бирига муаллифлик таърифи берилган; хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал ҳуқуқи нормалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонуни билан қиёсий таҳлил қилиниб, улардаги ижобий нормаларни имплементация қилиш масалалари бўйича тақлиф ва тавсиялар; ЖПКнинг экспертизага оид нормалари таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш ва уларга қўшимча ва ўзgartириш киритиш бўйича қонун лойихаси; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, эксперталар амалиётини яхшилаш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда шакллантирилган хуносаси ва тақлифлар қонунчилик ва соҳавий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда инобатга олиниши мумкин. Тадқиқот натижасида шакллантирилган тақлиф ва тавсиялар жиноят-процессуал ҳуқуқи фанини назарий жиҳатдан ривожлантиришга муайян ҳисса қўшади ва жиноят процессининг ушбу институтига оид қарашларни тизимлаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Бадалбаев Алишер Аскarovич:** «Дастлабки тергов жараёнида кафиллик билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораларини танлаш назарияси ва амалиёти» (**12.00.09**) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ю.С.Пулатов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти

Оппонентлар: З.Ф.Иноғомжанова, Т.Э.Арипов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг мақсади кафиллик билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораларини танлашнинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш, унинг жиноят процессида тақтиқ ҳусусиятларини тадқиқ этиш ва қўллаш, ҳамда жиноят процессида кафилликни танлаш ва қўллашга оид қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган назарий ва амалий тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг чукур ўрганилганлиги, шу билан бир қаторда ушбу соҳада мавжуд муаммоларни ўрганилганлиги ва улар асосида кафиллик билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чораларини танлашга оид қонуний, назарий ва амалий асосларни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиша ѹўналитирилганлиги, ҳамда кафиллик билан боғлиқ эҳтиёт чораларига оид таърифларнинг ифодаланганилиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, мамлакатимиз ҳуқуқшунослик соҳасида илк бор монография даражасида кафиллик билан боғлиқ эҳтиёт чораси тушунчаси ва мазмуни, ҳамда дастлабки терговда улар қўлланишининг назарий ва амалий муаммолари кўриб чиқилди. Ички ишлар ва прокуратура тергов аппаратларининг материаллари асосида, кафиллик билан боғлиқ эҳтиёт чораларининг ўзига хос ҳусусиятларининг жиноят процессида таҳлили амалга оширилди.

**Рашидов Бехзод Нурбоевич:** «Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш самарадорлигини ошириш муаммолари» (**12.00.09**) – Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Д.М.Миразов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ИИВ Академияси

Оппонентлар: Б.Х.Пўлатов, Т.Э.Арипов

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ишнинг асосий мақсади гаров эҳтиёт чорасининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини, унинг ижтимоий-хуқуқий асосларини, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, хорижий давлатларда ва миллий процессуал қонунчилиқда тартибга солинишини ўрганиш, уни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Олингандан натижалар ва уларнинг янгилиги: Диссертацияда эҳтиёт чораси сифатида гаровнинг моҳияти, тарихан шаклланиши, ҳуқуқий асослари, уни қўллашнинг процессуал тартиби ва самарадорлигини ошириш шартлари, омиллари, гаров қўлланилишининг бугунги қундаги ҳолати, ҳуқуқий тартибга солиниши ва бундаги мавжуд муаммолар илк бор монографик даражада комплекс тарзда ўрганилган. Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш самарадорлигини ошириш йўналишларини ўзида мужассам этган илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар берилган.

Тадқиқот натижасида олингандан илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги ва суд-тергов амалиётида, ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тиллаев Темур Набижанович:** «Жиноят процессида фуқаровий даъво» (12.00.09) - Тошкент давлат юридик институти (100047, Тошкент, Сайилгоҳ кўч., 35. Тел.: 233-41-09. Факс: 233-37-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Х.Пўлатов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ИИВ Академияси

Оппонентлар: Ф.М.Мухитдинов, Б.Б.Хидоятов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади - жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал тартибини, уни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, назарий жиҳатлари ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш асосида жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни қоплаш бўйича суд, прокуратура ва тергов органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертацияда илк маротаба монографик тарзда амалдаги ЖПК нормалари асосида жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни қоплаш институти, мазкур институтнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, уни қўллашнинг назарий жиҳатлари ва амалий муаммолари тадқиқ этилган.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг механизми республикада амалга оширилаётган суд-хуқуқ исплоҳотларидан келиб чиқсан ҳолда танқидий равишда таҳлил қилинган, мазкур механизмнинг назарий ва амалий муаммолари аниқланган. Хориж мамлакатлари жиноят-процессуал қонунчилиги ва жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал этишни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қиёсий таҳлил қилинган, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ёритиб берилган.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони қўзғатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этишни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни, назарий фикрларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари асосида жиноят процессининг мазкур институтини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Кадиркулов Адҳам Очилович:** «Пулларни қалбакилаштиришга қарши курашда халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик» (12.00.10) – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54. Тел.: 267-67-69. Факс: 267-09-00) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Г.А.Маткаримова

Иш бажарилган ташкилот: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Оппонентлар: И.М.Умарохунов, Д.Сатторов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади пулларни қалбакилаштиришга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, уни ҳуқуқий тартибга солишдаги муаммоларни аниқлаш, мавжуд муаммолар ечимини топган ҳолда илмий хулосалар чиқариш, Ўзбекистонда пулларни қалбакилаштиришга қарши кураш механизmlари ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда халқаро нормаларни қўллашга қаратилган илмий таклиф ва тавсияларни беришдан иборатdir.

Олингандан натижалар ва уларнинг янгилиги: пулларни қалбакилаштириш халқаро характердаги жиноятга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти, моҳияти таърифланган, унинг миллий ва

халқаро-хуқуқий асослари ўрганилган, пулларни қалбакилаштириш тушунчасига ва халқаро характердаги жиноят сифатидаги таркибиға таъриф берилган.

Диссертациядаги хулоса ва тавсиялар амалиётда Ўзбекистон Республикасида хуқуқни муҳофаза қылувчи органлар, хусусан прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимлари ва судьяларнинг амалий фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг асосий натижаларидан пулларни қалбакилаштириш жиноятига қарши курашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлиги фаолиятида, шунингдек, бу борада халқаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва келажақда ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Умарханова Дилдора Шарипхановна:** «Жиноят содир қилган шахсларни экстрадицияси бўйича халқаро-хуқуқий ҳамкорлик» (**12.00.10**) – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54. Тел.: 267-67-69. Факс: 267-09-00) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.З.Мухамеджонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Оппонентлар: Б.И.Исмоилов, Д.Ф.Раҳимов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади экстрадиция бўйича миллий қонунчилик ва халқаро шартномаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, экстрадицияни амалга ошириш механизми самарадорлигини оширишга ҳамда жиноят содир этишда айбланаётган шахсларни ушлаб бериш ва ушлаб беришни талаб қилиш жараёнини тартибга солувчи миллий қонунчилик ва халқаро хуқуқий нормаларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, диссертация Ўзбекистон Республикасининг янги хуқуқий доктринаси шакллантирилаётган шароитда жиноят содир этишда айбланаётган шахсларнинг экстрадицияси бўйича халқаро-хуқуқий ҳамкорликнинг хуқуқий асослари, назарий ва амалий муаммоларини, ушбу жараёнларни тартибга солувчи халқаро-хуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос жиҳатларини, экстрадиция амалиётини ва уни такомиллаштириш йўлларини комплекс таҳлил қилишга бағишлиланган. Унда экстрадиция таърифидан келиб чиқкан ҳолда, “ушлаб бериш”, “экстрадиция”, “ушлаб беришни талаб қилиш” ва “халқаро қидирув” тушунчаларига таърифлар, учинчи мамлакат орқали ушлаб бериш ва талаб қилиш бўйича механизмни тегишли тартиби ва қисмлари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Шукуров Джалол Хамидович:** «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-хуқуқий жиҳатлари» (**12.00.10**) – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (100077, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўч., 54. Тел.: 267-67-69. Факс: 267-09-00) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.Р.Рахманов

Иш бажарилган ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Оппонентлар: И.М.Умарахунов, Х.Д.Вахабов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат юридик институти

Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг халқаро-хуқуқий жиҳатларини комплекс тадқиқ этишдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги мамлакатимиз юридик фанида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-хуқуқий жиҳатларини чукур таҳлил этишга қаратилган комплекс илмий тадқиқот эканлигидадир. Унда давлат ва хуқуқ назарияси, халқаро хуқуқ, конституциявий хуқуқ, молиявий хуқуқ, таваккаллар иқтисодиёти, хавфсизлик назарияси сингари билим тармоқларининг энг асосий қоидаларидан фойдаланилган.

Диссертацияда таклиф этилган фанлараро ёндашув методологияси Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги муаммоси ва унинг халқаро-хуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хавфсизлик назарияси ва юриспруденция (хуқуқшунослик)нинг асосий қоидаларидан фойдаланилиши Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини, жумладан халқаро хуқуқ нуқтаи назаридан тадқиқ этиш соҳасини кенгайтиришга имкон беради.

## Педагогика фанлари

**Абдуллаева Насибахон Жўраевна:** «Замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш» (13.00.01) – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (100138, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўч., Г-9а мавзеси, 21-а. Тел.: 275-77-95) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: К.Хошимов

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат университети

Оппонентлар: Ф.Юзликаев, М.Усмонбоева

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Ишнинг мақсади: замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олинганд натижалар ва уларнинг янгилиги: Сиддиқ Ражабовнинг фаолияти ва таълим-тарбияга оид фикрлари илмий-педагогик мерос сифатида тавсифланди; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросини ўрганишнинг мавжуд ҳолати таҳлил қилинди; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросидан фойдаланишнинг самарали шакл, метод ва воситалари аниқланди; замонавий шароитда олий таълим тизимида Сиддиқ Ражабов илмий-педагогик меросидан самарали фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларидан ҳамда илгари сурилган методик тавсиялардан республика олий педагогик таълим тизимида назарий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материалларидан «Педагогика назарияси ва тарихи» фанини ўқитишида, педагогик туркум фанлар бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш, қўлланма ва дарсларни яратиш, шунингдек, талабалар томонидан курс ва битирув малакавий ишларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Бекимбетова Айнагул Амангельдиевна:** «Қорақалпоқ ҳалқ педагогикасида ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналари» (13.00.01) – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (100138, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўч., Г-9а мавзеси, 21-а. Тел.: 275-77-95) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: У.Алеев

Иш бажарилган ташкилот: Қорақалпоқ давлат университети

Оппонентлар: Ж.Ф.Юлдашев, Ш.Қ.Мардонов

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Ишнинг мақсади: Қорақалпоқ ҳалқ педагогикасида ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналари моҳиятини ёритиш, илмий таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, шунингдек, ундан хозирги таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш йўлларини аниқлаш.

Олинганд натижалар ва уларнинг янгилиги: Қорақалпоқ ҳалқ педагогикасида ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналари долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий жиҳатдан асосланиб, унинг мазмуни ва имкониятлари аниқланди; ҳалқ педагогикасида ёшларга атроф-оламни ўргатиш, ёшлардаги мантиқий тафаккурни ривожлантириш тажрибалари ўрганилди; ҳалқ педагогикасида математик, астрономик, биологик ва об-ҳавони олдиндан аниқлашга ўргатиш анъаналари ўқувчи ва талабалар шахсининг ақлий камолоти кафолатларининг бири эканлиги исботланди; ёшларни баркамол авлод сифатида тарбиялашда ҳалқдаги ақлий тарбия бериш анъаналарининг самарадорлиги аниқланди; ҳалқнинг ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналаридан узлуксиз таълим тизимида фойдаланишга йўналтирилган мезонлар ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларидан ҳамда илгари сурилган методик тавсиялардан республика олий ва ўрта-маҳсус таълим тизимида назарий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материалларидан «Педагогика назарияси ва тарихи» фани муайян маънода ҳалқнинг ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналари билан бойитилди. Иш натижалари олий ва ўрта-маҳсус таълим тизимида «Педагогика», «Психология», «Фалсафа», «Астрономия», «Математика» курсларини ўрганиш жараёнида шунингдек, ушбу фанлар бўйича маъруза матнлари, курс ва битирув малакавий ишларини ёзиш, дарсларни яратиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

## Тиббиёт фанлари

**Каримова Дилдора Абдулазизовна:** «Соматик ҳолати оғирлашган аёлларда бачадон миомасини даволашнинг янги технологиялари» (14.00.01) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103. Тел.: 269-44-12) (диссертация рус тилида).

Илмий раҳбар: Д.К.Нажмутдинова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Д.Ф.Каримова, Р.Э.Асомов

Етакчи ташкилот: Россия давлат тиббиёт университети

Ишнинг мақсади: симптомли бачадон миомаси мавжуд соматик оғирлашган беморларда эндоваскуляр аралашувлар тактикаси ва техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш.

Симптомли бачадон миомаси бор соматик оғирлашган беморларда анъанавий гормонал ва жарроҳлик даволаш натижаларини солиштирма жиҳатдан баҳоланди. Рентгенэндоваскуляр аралашувлар нуқтаи-назаридан келиб чиқсан ҳолда ички ёнбош артериялари бассейнининг ангиоархитектоникасини ўрганилган. Соматик оғирлашган симптомли бачадон миомаси мавжуд bemорлар учун даволаш-ташхисий алгоритми ишлаб чиқилган.

Симптомли миома мавжуд bemорларда уларнинг ҳамроҳ касалликлари бўлишига қарамасдан, уларни репродуктивлилек фаолиятини сақлаб копиш ва bemорлар ҳохишига биноан асосланган қиёсий ёндашувнинг зарурлиги тасдиқланган.

Ушбу контингентдаги bemорларда баланд частотада кузатиладиган асоратларнинг даволаш муаммосини ҳал қилиш учун бачадон миомани даволашда кўпроқ самарали ва минимал ножӯя таъсирига эга кам инвазив услубларини қўллаш зарур, булардан коллагенли ғалвирак ва Гиантурко типидаги спиралларни ёрдамида бачадон артерияларини томир ичи окклюзияси.

Анъанавий гормонотерапиянинг ножӯя таъсиrlар баланд частотаси, унинг самарадорлиги йўқлиги ва соматик касалликлар декомпенсацияси баланд частотаси аниқланди. Ички ёнбош артерияларнинг хар хил типлари аниқланди. Соматик оғирлашган симптомли бачадон миомаси мавжуд bemорларни парваришлишга қаратилган тавсия қилинган даволаш-ташхисий алгоритм жарроҳлик даволашга қараганда ёндош патологиянинг декомпенсацияси учраш тезлигининг камайишига, менструал ва репродуктив функциялар сақланиши ва касалхонада бўлиш давомийлигини ва реабилитация муддатларини қисқартиришга олиб келди.

**Тўраева Гулноз Юлдашевна:** «Анамнезида муддатдан илгари туқсан аёлларни ҳомиладорликка тайёрлашни оптималлаштириш» (14.00.01) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.К.Мухитдинова

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: Д.Д.Курбонов, Ю.Г.Расул-Заде

Етакчи ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ИАТМ

Муддатдан илгари туғруқда гемодинамика ҳолати, эндометрий ва фетоплацентар комплекснинг морфофункционал ҳолатлари ўрганилди. Муддатдан илгари туғруқда аниқланган фетоплацентар комплекс бузилишлари қиёсий баҳоланди.

Ҳомиладорлик муддатдан илгари тўхтатилганда эндометрийдаги морфофункционал ўзгаришлар бачадон-йўлдош-ҳомила комплекси шаклланишининг чекланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида пуштнинг, кейинчалик эса эмбрион ва ҳомиланинг гемохориал озиқланиши ноадекватлигини таъминлайди.

Эндометрийда метаболик ва reparativ-регенератив жараёнларни яхшилаш учун анамнезида муддатдан илгари туқсан аёлларни ҳомиладорликка тайёрлаш даврида магнитли инфрақизил лазерли нурланиш ва тизимли энзимотерапия комплекс қўлланилди ва унинг самарадорлиги исботланди.

**Умарова Наргиза Мирзоевна:** «Бачадон структур ўзгаришлари билан ҳомиладор аёлларда фетоплацентар тизимнинг морфофункционал қўрсаткичлари»

**(14.00.01) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)**

Илмий раҳбар: Ф.М.Аюпова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Д.Ф.Каримова, А.Ю.Юлдашев

Етакчи ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган  
акушерлик ва гинекология ИАТМ

Ишнинг мақсади: функционал ташҳисотнинг замонавий усусларини қўллаб, бачадон структур ўзгаришларга учраган ҳомиладор аёлларда фетоплацентар тизимнинг клиник-функционал ва морфологик ҳусусиятларини аниқлаш.

Томирларнинг уч ўлчамли ангиографияси бачадон структур ўзгаришлари билан ҳомиладор аёлларда фетоплацентар мажмуа функционал текширувининг энг ахборий усули ҳисобланади, бунда бачадон миомаси мавжуд аёлларда томирларда кучли қон айланиши билан бир қаторда плацентация соҳасида томирли расмнинг хирадашуви, бачадон чандиги билан ҳомиладорларда қон айланишининг ёмонлашуви билан васкуляризациянинг камайиши кузатилади.

Бачадон структур ўзгаришлари билан аёлларда йўлдошдаги терминал сўрғичлар томирларнинг муддатдан илгари склерози ва деворининг қалинлашуви ФПЕ синдромининг ривожланиши асосини ташкил қилиши аниқланди. Терминал сўрғичлардаги томирли ўзан майдониниг камайиши, “темато-плацентар тўсиқ”нинг қалинлашуви ва хорион эпителийсининг деструктив ўзгаришлари сифатида намоён бўлувчи йўлдошнинг “муддатдан илгари қариши” ФПЕ синдромининг ривожланиши патогенезида катта аҳамиятга эга.

Эхографик текширувлар, допплерометрия ва уч ўлчамли ангиографиядан фойдаланиб, хавф гурухига кирувчи аёлларда ФПЕ ташҳисоти алгоритми кенг клиник амалиёт учун ишлаб чиқилди ва таклиф этилди, бу ҳомиладорликни юритишни тўғри тактикасини ишлаб чиқиш, туғдириш усули ва муддатини аниқлаш мақсадида ўз вақтида эрта даврларда ҳомила ҳолатидаги бузилишлар даражасини аниқлаш имконини беради.

**Атаходжаева Гулчехра Абдунабиевна:** «Зўриқишиш стенокардияси бўлган беморларда юрак қон-томир тизимининг гелио-метеотроп реакциясининг ҳусусиятлари» **(14.00.06) – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази (100052, Тошкент, Осиё кўч., 4. Тел.: 237-38-16) (диссертация рус тилида)**

Илмий раҳбар: Ш.М.Раҳимов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: С.Д.Искандерова, Х.Х.Турсунов

Етакчи ташкилот: Қирғизистон Республикаси ССВ Кардиология ва терапия  
миллий маркази

Ишнинг мақсади: Турли метеорологик ва гелиогеофизик омиллар таъсирида стенокардиянинг клиник ва патогенетик намоён бўлиш ҳусусиятларини ўрганиш.

Илк бор геомагнит активликнинг турли даражаси билан зўриқишиш стенокардиясининг клиник ҳамда баъзи бир патогенетик кўринишлари билан комплекс анализи ўтказилди. Геомагнит тўфон ташкил омил сифатида мазкур касаллик кечишига салбий таъсир қилиши аниқланди. Геомагнит тўфон кунлари стенокардия хуружи, қабул қилинаётган нитроглицерин таблеткалар сонининг ортиши ва беморнинг жисмоний зўриқишига толерантлигининг камайиши асосида гемостазнинг тромбоцитартомир омиллари, вегетатив бошқарилиш ва липидлар перекисли оксидланишнинг бузулишлари ётиши аниқланди. Стенокардиянинг клиник патогенетик кўриниши ҳамда геомагнит активлик даражаси орасида зич боғлиқлик мавжудлиги исботланди. Олинган маълумотлар зўриқишиш стенокардиясининг клиник кечишининг авж олиб боришида геомагнит тўфоннинг асосий омил сифатида кўриб чиқишига асос беради.

Гелиометеотроп жавобнинг профилактик чора-тадбирларини амалий кардиологиянинг барча жавҳаларига тадбиқ этиш ЮИКнинг авж олиб бориши ва асоратлар сонининг камайишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Илмий текширув натижасида зўриқишиш стенокардияли беморлар юрак қон-томир тизимининг гелиометеотроп жавобининг клиник ва лаборатор-инструментал мезонлари аниқланди ва бу маълумот мазкур холатни ташхислашда амалий кардиология қўллаш имкониятини беради. Бу ўз навбатида зўриқишиш стенокардияли беморларни даволашда клиник ва экономик самарадорлигини яхшилаш имконини яратади.

**Ахмадалиева Нигора Одиловна:** «Табиий овқат қўшимчалари асосида организмнинг ҳимоя хусусиятларини ошириш имкониятлари» (14.00.07) - Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Л.А.Пономарёва

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Б.А.Дусчанов, Г.Т.Искандарова

Етакчи ташкилот: Санкт-Петербург давлат тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: табиий иммункрекцияловчи омиллардан фойдаланишни илмий асослаш ва бунинг асосида фармакологик воситаларни аралаштирумай, организмнинг ҳимоя хусусиятини оширишга имкон берадиган таъм берувчи қўшилмаларни кўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Биринчи маротаба 12 хилдаги хушбўй зираворларнинг кимёвий таркибини баҳолаш билан ўтказилган тажриба тадқиқотларининг натижалари, одам организмининг ичак микрофлорасига таъсири ва совуқ стресс таъсири эттирилган шароитда тажриба ҳайвонлари организмининг иммун тизимига таъсири ҳақидаги маълумотлар аниқланди. Олинган маълумотлар, тадқиқотдан ўтказилган хушбўй зираворлар биологик фаол микро- микроэлементларнинг қўшимча манбаи сифатида, ичак микрофлораси коррекциясини коррекциялашда қўшимча омил каби, ҳамда экологик омилларнинг таъсири натижасида организмнинг ҳимоя хусусиятларини пасайиши шароитида иммун реакцияларни фаоллаштирувчи омил сифатида мулоҳаза чиқаришга имкон беради.

Олинган назарий хулосалар ва тажриба-тадқиқот натижалари асосида биринчи марта 3 хилдаги иммунстимулловчи комплекс яратилган ва оммавий иммунокрекцияловчи восита сифатида хушбўй зираворлардан фойдаланиш бўйича услубий тавсиянома ишлаб чиқилган.

**Атахажиев Миркомил Сотқинбоевич:** «Чаноқ билан туғилган чақалоқларнинг саломатлик ҳолати ва уларнинг эрта адаптацияси» (14.00.09) - Тошкент педиатрия тиббиёт институти (100140, Тошкент, Боғишамол кўч., 223, Тел.: 260-31-26, факс: 262-33-14) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.С.Ташбаев

Иш бажарилган ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: К.Р.Дилмурадова, Х.Т.Мухамедова

Етакчи ташкилот: Республика ихтисослаштирилган педиатрия ИАТМ

Ишнинг мақсади: Бош ва орқа миянинг туғруқ вақтида заарланиши, чақалоқлар соғлиги ва эрта адаптация ҳолати билан узвийлигини ўрганиш.

Чаноқ билан туғилишга олиб келувчи омиллар бош билан туғилишга қиёсланган ҳолда ўрганилди. Чаноқ билан ётишда кечеётган туғруқ механизмларида умуртқа ва орқа миянинг бўйин, кўкрак ҳамда бел соҳалари шикастланишига олиб келувчи мезонлари ўюшганлиги биринчи марта аниқланди. Чаноқ билан туғилган чақалоқларнинг эрта неонатал даври тез-тез учрайдиган бош ва орқа мия шикастланиши билан боғлиқ бўлган перинатал касалликлар ва саломатлигининг ёмонлашиши билан асоратли кузатилган.

Тадқиқотда УТТ нинг кенг имкониятлари кўрсатилган – ҳомила текшируви (фетометрия) ва ҳомиланинг анте- ҳамда интранатал даврида функционал ҳолатини аниқлаш учун кардиотокография (КТГ), унинг параметрларининг ҳисобга олиниши, ўз вақтида акушерлик манипуляциялари ўтказилиши неонатологларга ёрдам беради ва чақалоқларнинг чаноқ билан келган туғруқларида шикастланиш ҳолатларининг камайишида кўмак беради.

Чаноқ билан туғилишда она, ҳомила ва чақалоқлар ҳолатини комплекс (клиник, неврологик, инструментал) текшириш усувлари ҳомила ҳамда чақалоқ ҳолатининг бузилишини эрта ташхислаш ва унинг олдини олишга олиб келади.

**Исканова Гулшан Холдоровна:** «Турли интерферон статусига эга бўлган болаларда норевматик кардитлар кечишининг ўзига хос хусусиятлари» (14.00.09) - Тошкент педиатрия тиббиёт институти (100140, Тошкент, Боғишамол кўч., 223, Тел.: 262-33-14) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: И.А.Каримжонов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Р.С.Джубатова, Т.У.Арипова

## **Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Ишнинг мақсади: TORCH-инфекция билан заарланган болаларда норевматик кардитларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари шаклланишида интерферон статусининг аҳамиятини ўрганиш ва коррекцияловчи даволаш усулини ишлаб чиқиш.

Болаларда учрайдиган норевматик кардитларнинг патогенезида Herpes simplex virus, Cytomegalovirus и Chlamidialарнинг аҳамияти тўғрисида янги маълумотлар олинди. Инфекция билан заарланган болаларда алфа ва гамма интерферонлар ишлаб чиқарилишининг камайиши кардитнинг кардиомиопатияга ўтишига, бу эса ўз навбатида боланинг ногирон бўлиб қолишига олиб келади. Олинган натижалар паст интерферон статусига эга бўлган болаларни даволашда интерфероногенез индуктори –циклоферон препаратини кўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. циклоферонни кўллаш бола организми томонидан хусусий интерферон ишлаб чиқарилишини таъминлади. Бу эса ижобий таъсир кўрсатиб комплекс даволашнинг юқори самарадорлиги клиник симптомларнинг бирмунча эрта регрессия билан юзага чиқшини кўрсатди.

**Латыпова Гули Гайратовна:** «Марказий асаб тизими перинатал жарохатланган болаларнинг зотилжам касаллигига апоптоз омиллари фаоллашувининг аҳамияти» (**14.00.09**) - Тошкент педиатрия тиббиёт институти (100140, Тошкент, Боғишамол кўч., 223. Тел.: 260-31-26) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Д.И.Ахмедова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Ф.М.Шамсиев, З.С.Камалов

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: Асаб тизимининг гипоксик-ишемик генезидаги перинатал шикастланиши қайд этилган болаларда зотилжам кечишининг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш.

Ўтказилган текширувлар натижасида биринчи марта 1 ёшдан катта болаларда ФНО-а ва ИЛ18 яллигланиш олди цитокинларининг меъёрий кўрсаткичлари аниқланди. Илк ёшдаги болаларда иммун неврологик бузилишлар билан боғлиқ бўлган церебрал ишемияда статус, яллигланиш олди цитокинлари миқдорининг ўзгариш хусусиятлари аниқланди. Яллигланиш олди цитокинлари миқдори прогностик аҳамиятга эгалиги ва касалликни келгусида нохуш кечишининг прогностик мезолари сифатида кўпланилиши мумкинлиги кўрсатиб берилди. Логистик регрессия усулидан фойдаланиб бронхиал обструкция билан юзага чиқадиган зотилжам касаллигини прогнозлаш математик модели таклиф этилди.

Оғир перинатал гипоксияни ўтказган болалар бронх-ўпка патологияси ривожланиш хавфи мавжуд гурухга кириши аниқланди. Асаб тизими перинатал шикастланган болаларда ўткир зотилжамнинг кечишини прогнозлашнинг иммунологик мезонлари ишлаб чиқилди. Илк ёшдаги болаларда зотилжам кечишини прогнозлаш бўйича математик модель ишлаб чиқилди.

**Расулова Нодира Алишеровна:** «Рахитнинг оқибатларини прогнозлаш ва олдини олишда фосфор-кальций алмашинуви бузилишини кўп факторли баҳолаш» (**14.00.09**) - Тошкент педиатрия тиббиёт институти (100140, Тошкент, Боғишамол кўч., 223. Тел.: 262-33-14) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Р.Х.Шарипов

Иш бажарилган ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: Ф.С.Шамсиев, И.А.Каримжонов

Етакчи ташкилот: Республика ихтисослаштирилган педиатрия ИАТМ

Ишнинг мақсади: Рахитни профилактика қилишнинг модификацияланган схемаларини ишлаб чиқиш ва даволаш учун олдини олиш, прогностик мезонларини аниқлаш билан фосфор-кальций алманишуви бузилишининг ҳавф омилларини баҳолаш.

Рахит касаллигининг учраш миқдори 25(OH)D дефицити биринчи маротаба илк ёшдаги соғлом болаларнинг қон зардобида аниқланди. Болалар қон зардобининг 25(OH)D миқдорини аниқлаш асосида рахит касаллигининг ҳавф омиллари қондаги кальций ва фосфор миқдори билан боғлиқлиги аниқланди. Рахит билан касалланган болаларни витамин D билан даволашда ва олдини олишда патронаж модификацион схема ишлаб чиқарилган. Ушбу схема индивидуал равишда рахит касаллигининг даражаси ҳамда асосий метаболитига мослашган. Илк ёшдаги болаларда шу модификацион схема рахитни олдини олишда ҳамда даволашда кул келди.

Математик усули асосида она ва бола томонидан рахит касаллигининг ҳавф омиллари ривожланиши таҳлил қилиниб, соғлиқни сақлаш бирламчи буғимида бу патология билан касалланган болалар алоҳида гурухга ажратилиб олдини олиш чора тадбирларини ўтказишда ёрдам беради. Рахит касаллигини ўз вақтида олдини олишда ҳар бир болага витамин D беришда шифокор, тиббий ҳамшираси ва ота-оналар билан биргаликда олиб борилади. Мана шу усул витамин D етишмовчилиги яширин шаклини олдини олишда ҳам ёрдам беради.

**Абдуллаев Темурбек Улугбекович:** «Климактерик кератодермиянинг клиник-генотипик хусусиятлари» (14.00.11) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Маҳмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.И.Ибрагимов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган  
дерматология ва венерология ИАТМ

Оппонентлар: А.Ш.Ваисов, М.И.Абдуллаев

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишда биринчи марта климактерик кератодермиянинг клиник-генотипик хусусиятлари ўрганилди ва касалликни ташҳислаш, даволаш ва прогнозлаш усувлари такомиллаштирилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида климактерик кератодермияли аёллар оипаларида ККга сезувчанлик юқорилиги аниқланди, бу эса ушбу патологияга ирсий мойиллик омилларидан бири ҳисобланади. А(II) қон гурухи фенотипли, 2-2 гаптоглобин фенотипли, D церулоплазмин фенотипли ва HLA-B17, ҳамда HLA-B40 фенотипли КК генотипи билан характерланувчи маркерга эга аёллар климактерик кератодермияга анча сезигрлиги исботланди, бу ушбу касалликнинг ирсият билан боғлиқлигидан далолат беради. КК билан оғриган беморлар генотипини тавсифловчи белгилар кўп миқдорда ўзаро коррелятив боғлиқликка эга, бу эса климактерик кератодермияга конституционал мойилликга жавоб берувчи полиген тизим мавжудлигини кўрсатади. Беморлар генотипининг (A(II) қон гурухи, Nr 2-2, Cr D, HLA-B17, HLA-B40) аниқланиши, клиник-лаборатор қўрсаткичлар, генеалогик текширувлар климактерик кератодермиянинг кечиш характеристи ва натижасини прогнозлаш бўйича юқори ҳавф гуруҳига кирувчи аёлларни ажратиб олиш имконини беради.

Олинган натижалар асосида климактерик кератодермияли беморлар генотипи хусусиятлари аниқланди, бу эса климактерик кератодермия касаллигининг кечиш характеристи ва натижаларини прогнозлаш бўйича юқори ҳавф гуруҳига кирувчи аёлларни ажратиб олиш имконини берди. Соғлиқни сақлаш амалиётига климактерик кератодермияли аёлларни фемостондан фойдаланган ҳолда даволашнинг янги патогенетик асосланган комплекс даволаш усули ишлаб чиқилди ва татбиқ этилди, бу усул ўтказилган давонинг самарадорлигини ошириш, стационарда даволаниш муддатларини қисқартириш имконини беради.

**Нурматов Улугбек Баходирович:** «Катталарда атипик шаклда жойлашган зооантропоноз трихофитиянинг клиник-иммунологик тавсифи» (14.00.11) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Маҳмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: З.М.Абидова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган  
дерматология ва венерология ИАТМ

Оппонентлар: А.Ш.Ваисов, А.А.Батирбеков

Етакчи ташкилот: Андижон давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: Беморларнинг иммунологик статуси ва тери микрофлораси ҳолатини ҳисобга олган ҳолда қов соҳасидаги зооантропоноз трихофитияни даволашнинг энг мақбул усувларини ишлаб чиқиши.

Қов соҳаси трихофитиясининг этиологиясида Tr. verrucosum (var.faviforme) муҳим аҳамият касб этади. Қов соҳасидаги зооантропоноз трихофития асосан жинсий йўл орқали юқади. Қов соҳасидаги трихофитиянинг 23,4% ЖАОЮК билан ассоциацияланади. Касалликнинг клиник кечишида инфильтратив-йирингли шакли (62,2%) кўпроқ кузатилади.

ЖАОЮК билан ассоциацияланган ва трихофитиянинг инфильтратив-йирингли шакли билан касалланган bemорларда дисбаланс кўпроқ иммун тизимнинг ҳужайравий ва гуморал занжирида кузатилади, ҳамда организмнинг носпецифик ҳимоя функциясининг пасайиши кузатилади. 75% юзаки-доғли, 95,4% инфильтратив ва қов соҳасидаги трихофитиянинг инфильтратив-йирингли шакли билан касалланган bemорларнинг 100%да шикастланган терида трихифтонлардан ташқари

*Staphylococcus epidermidis*, *Staphylococcus aureus* и *Clostridium perfringens* ажралиши яқол кузатилади. Қов соҳасидаги зоантропоноз трихофития билан касалланган беморларда касаллик тери рН мұхитининг ишқорий тарафға силжиши билан намоён бўлади.

Қов соҳасидаги зоантропоноз трихофития билан касалланган беморларни даволаш учун ишлаб чиқилган комплекс усул ўз ичига ламизил, иммуномодулин, метилурацил билан комплекс даволаш ва цитеал суюқлигини маҳаллый қўллаш терапевтик самарага эга бўлиб, у иммун тизимида аниқланган ўзгаришларнинг ва организмнинг носпектифик ҳимоя хусусиятининг тикланишига, ҳамда тери рН мұхитини меъёрлаштиришга ёрдам беради.

**Тиловбердиев Шухрат Артыкович:** «Иммунокомпрометирланган беморлар оғиз бўшлиғи шиллик қавати кандидозининг клиник-иммунологик таснифи» (14.00.11) – Тошкент тиббиёт академияси (100048, Тошкент, Паҳлавон Махмуд кўч., 103. Тел.: 289-44-12) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.З.Мавлянова

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология ИАТМ

Оппонентлар: А.Ш.Ваисов, М.В.Залялиева

Етакчи ташкилот: Қозғистон Миллий тиббиет университети

Ишнинг мақсади: Иммунокомпрометирланган беморларда клиник-иммунологик статусини ҳисобга олган ҳолда оғиз бўшлиғи шиллик қавати кандидозини ташхиси ва даволаш усусларини мукамаллаштириш.

Текширишлар натижасида иммунокомпрометирланган беморларда оғиз бўшлиғи кандидози 73,2% ҳолат-ларнинг 53,6% ида инвазив соҳта мемброноз ва 19,6% ида эрозив яра кўринишида кечиши аниқланди. Иммунокомпрометирланган беморлар оғиз шиллик қаватининг кандидозини асосий қўзғатувчилари қўйидагилар: *C.tropicalis* (42,3%), *C.albicans* (31,9%) ва *C.torulopsis* (12,4%). *Candida* груҳи замбуруғлари флуконазолга ва кетоконазолга, кейинчалик амфотерицинга ҳам сезирлиги юқорилиги, нистатинга ўртacha ва флюороцитозинга эса пастлиги аниқланди.

Оғиз бўшлиғида кандидознинг инвазив шакли ривожланиши яллигланиши авж олдирувчи (ИЛ-1β, ФНО-α) ва яллигланишга карши (ИЛ-4) цитокинларнинг дисбаланси фонида шиллик қават биосубстратларида секретор иммуноглобулин А нинг самарали фаолият бузилиши оқибатида юзага келади.

Оғиз бўшлиғи шиллик қавати кандидозини комплекс даволаш усули ишлаб чиқилди. Комплекс давоси антимикотик препарат «Флуконазол» ва иммунокоригирловчи «Одам лейкоцитар интерферони» препаратлари билан даволашни ўз ичига олади, қайсики оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг замбуруғли инфекциясидан тозалашда ижобий терапевтик самара беради ҳамда цитокин статусида аниқланган бузилишларни бартараф этиб, организмнинг носпектифик иммун ҳимоясини тиклайди.

**Агафонова Анастасия Владимировна:** «Болаларда лейкоэнцефалопатияларнинг клинико-неврологик ва иммунологик кўринишлари» (14.00.13) – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (100007, Тошкент, Паркент кўч., 51. Тел.: 268-17-44, 268-27-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Ш.Шамансуров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: Г.С.Рахимбаева, В.П.Зыков

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: лейкоэнцефалопатияларни клинико-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуализацияланган ва иммунологик кўринишларни ўрганиш.

Иzlанишда Зойдан 10 ёшгача бўлган 100 нафар болаларнинг динамик кузатуви ва лаборатор-инструментал текширувлар натижаларининг тахлили келтирилган. Текширилган клиник грухга 50 нафар лейкоэнцефалопатия билан касалланган болалар кирди. Бу болаларда мақсадли лабаратор ва инструментал текширувлар ўтказилди. Лейкоэнцефалопатияли беморлар билан жинси ва ёши билан мос келган ҳолдаги назорат грухи 20 нафар соғлом болалардан иборат. Солиштирма грухни 30 нафар перивентрикуляр лейкомаляцияли болалар ташкил қилди.

Биринчи бор клинико-неврологик, радиологик ва иммунологик маълумотлар асосида димиелинизация жараёнларини таққослашда, аниқ таққослаш-ташхислаш мезонлари юзага

чиқарилиши билан миелинопатиялар ва миелинокластиялар билан касалланган болаларни алгоритм ёрдамида ташхислаш.

Келтирилган натижалар лейкоэнцефалопатияларни болаларда тизимли лейкохараённи истоланган холда тұғри ташхис қўйиш йўли билан ташхислаш самарасини оширади. Таққословчи алгоритмни қўллаш миелинопатияларни миелинокластиялардан, шу билан бирга туғма ва ортирилган лейкохараённларни бир биридан таққослаш имконини беради.

**Нурматова Шоира Октябрьевна:** «Бош мия фалажи резидуал босқичида мушак тонусини узоқ муддатли коррекциялашда замонавий ёндашув» (14.00.13) – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (100007, Тошкент, Паркент кўч., 51. Тел.: 268-17-44, 268-27-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Г.С.Рахимбаева

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Ш.Ш.Шомансуров, В.П.Зыков

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: мушак тонусини пасайтирувчи замонавий усуулларнинг бош мия фалажи (БМФ) спастик турлари билан оғриган беморлар мажмуавий даволанишидаги самарадорлигини ўрганиш.

Ишнинг асосида Республика болалар руҳий-асаб шифохонасида даволанган, БМФ билан оғриган 167 та беморни текшириш ётади. Клиник-неврологик текширишлар 167 беморда, елка ва болдири мушаклари электронейромиографияси (113 текшириш), базометрия (210 текшириш), плантография (200 текшириш), ихнография (195 текшириш), гониометрия (248 текшириш), САН бўйича тестлаш (аҳволи, активлиги, руҳий ҳолати) (34 бемор) бажарилди. 64 бемор ботулотоксин санчишлари олди, 36 – спирт-новокайнли блокада, 34 – иппотерапия, 33 – традицион даво усууллари (контрол гурух).

Ишда Узбекистонда биринчи марта БМФ спастик турлари билан оғриган беморларнинг мажмуавий даволанишида ботулотоксин санчишларининг самарадорлиги ўрганилди. Периферик нейромотор аппаратининг биоэлектрик активлиги ҳолатини уч босқичда – мушак, сегментар ва сегментдан юқори босқичларда ўрганиш асосида ботулотоксин санчишлари ва спирт-новокайнли блокаданинг самарадорлигини аниқлаш учун, биринчи марта, нейро-физиологик таҳлиллар ўтказилди. Биринчи марта, узоқ муддатдаги кузатувда клиник-нейро-физиологик кўрсаткичларнинг динамикасини ўрганиш асосида санчишдан кейинги тиклаш муолажаларининг самарадорлиги таҳлил қилинди. БМФ билан оғриган беморларни ботулотоксин билан даволаш алгоритми ишлаб чиқилди. БМФ билан оғриган беморларга иппотерапиянинг тиббий-ижтимоий ва педагогик таъсири мажмуасидаги ўрни аниқланди.

Болалар мия фалажи спастик турларининг резидуал босқичида ўтказиладиган тикловчи даво самарадорлигини ошириш, даволаш жараёнини енгиллаштириш учун даволаниш вақтида ботулотоксин санчишларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Расулова Хуршидахон Абдубориевна:** «Ўтқир ишемик инсультларнинг патогенетик гетерогенлигига мансуб клиник-биокимёвий хусусиятлари» (14.00.13) – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (100007, Тошкент, Паркент кўч., 51. Тел.: 268-17-44, 268-27-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ё.Н.Мажидова

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Оппонентлар: Г.Қ.Содиқова, З.Р.Ибодуллаев

Етакчи ташкилот: Қозогистон Миллий тиббиёт университети

Ишнинг мақсади: ўтқир ишемик инсультнинг патогенетик турларига боғлиқ ҳолда клиник-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳамда эндотелиал дисфункция ва холинэргик трансмиссияни аниқлаш билан кейинги даволаш тактикасини оптималлаш.

Илмий иш асосида 120 та беморни текшириш ётади, улардан 100 нафари ишемик инсульт билан (энг ўтқир ва ўтқир даври) ва 20 таси 1-2 чи даражали дисциркулятор энцефалопатия билан касалланган (синов гурухи). Ишда клиник-неврологик текширув ўтказилди, ҳавф омиллари, фон ва ҳамроҳ касалликлар ўрганилди, РТФА Неврология ИТИ компьютер программаси (2004) асосида ишемик инсультнинг турлари, уларнинг оғирлик даражаси Скандинав, Оргогозо, Оригинал шкалалар ёрдамида аниқланди ҳамда параклиник (лаборатор, ультратовуш, нейровизуализациян), биокимёвий

(азот оксиди маҳсулотларини ва ацетилхолинэстераза миқдорини қон зардобида таҳлил қилиш) ва статистик текширув усулларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар асосида ишемик инсультнинг атеротромботик, лакунар ва кардиоэмболик турларини дифференциал диагностика қилиш алгоритми (шкаласи) ишлаб чиқилди. Ишемик инсультда холинэргик тизим етишмовчилиги ва эндотелиал дисфункцияning ролини кўшган ҳолда патобиокимёвий ишемик каскад схемаси келтирилди. Ишемик инсультларнинг комплекс патогенетик давосига холиномиметик холин альфосцерати (глиатилин)ни қўшиш билан янги даволаш схемаси ишлаб чиқилди.

Ишемик инсультнинг ҳар хил турларига ташхис қўйиш ва даволаш учун унинг патогенетик турларини дифференциал диагностика қилиш шкаласини қўллаш тавсия этилади. Тадқиқот натижалари ишемик инсультларнинг патогенетик гетерогенлигига мансуб холинэргик трансмиссия бузилиши ва эндотелиал дисфункцияни ҳисобга олган ҳолда нейропротектив даво тактикасини яхшиланишига имкон беради.

**Эргашева Наргиза Обиджоновна:** «Транзитор ишемик атака билан хасталанган беморларда гирудотерапияни қўллаш» (14.00.13) - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (100007, Тошкент, Паркент кўч., 51. Тел.: 268-17-44, 268-27-52) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Э.М.Мирджураев

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Оппонентлар: С.А.Лихачев, Г.С.Рахимбаева

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: транзитор ишемик атака билан хасталанган беморларда ишемик инсультнинг профилактикасида гирудотерапияни қўллаш.

Транзитор ишемик атаканинг комплекс даволаш схемасига биринчи бор мақсадга мувофиқ илмий асосланган гирудотерапия киритилди. Илк маротаба бош мия қон айланиши ўткир бузилишининг ривожланишида асосий патогенетик механизмларига гирудотерапиянинг ўзига хос хусусияти ва таъсир механизми ўрганилди. Биринчи марта транзитор ишемик атакани даволашда ва ишемик инсульт профилактикасида гирудотерапия усули ва алгоритми ишлаб чиқилди.

ТИА билан хасталанган беморларда гирудотерапия синтетик тўғри антикоагулантлар қўллаш билан таққослана олиши, кам ножӯя таъсир кўрсатиб, гиперкоагуляцион синдромни позитив ва турғун коррекциясини юзага келтириди. ТИА билан хасталанган беморларнинг даволаш босқичларида зулук ва сеанслар сони аниқланди, ўtkaziladigан даволаш тадбирлари тактикаси ва кетма-кетлиги тузилди. Транзитор ишемик атака даволаш схемасига гирудотерапия усули критилиши қон томир-тромбоцит ва плазма гемостазини энг мувофиқ холатга келтиради, бош мия қон айланишини яхшилайди, тромбин ҳосил қилувчи реакциясини бартараф этади, бу эса ўз навбатида ишемик инсульт ва қайта ТИА ривожланишининг камайишига олиб келади. Транзитор ишемик атаканинг энг мувофиқ даволашда ва ишемик инсульт профилактикасида гирудотерапияга асосланган услубий қўлланма ишлаб чиқилди, бу эса уни нафақат стационар шароитида, балки соғлиқ сақлашнинг бирламчи бўғинида ҳам ишлатиш мумкинлигини таъминлади.

**Насиров Ахтам Баракаевич:** «Қон кетиш билан асоратланган махаллий тарқалган меъда саратонида жаррохлик даволаш усулини танлаш» (14.00.14, 14.00.27) - Республика онкология илмий маркази (100174, Тошкент, Фаробий кўч., 383. Тел.: 246-05-13) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбарлар: М.Д.Жураев, Ж.А.Ахтамов

Иш бажарилган ташкилотлар: Республика онкология илмий маркази,

РШТЁИМ Самарқанд филиали

Оппонентлар: F.A.Хакимов, А.Е.Аталиев

Етакчи ташкилот: Москва онкология ИТИ

Ишнинг мақсади комбинацияланган хирургик амалиётларга кўрсатмаларни кенгайтириб, меъданинг қон оқиши билан асоратланган махаллий тарқалган саратонини (MTMC) хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Махаллий тарқалган, III-IV-босқичдаги қон кетиш билан асоратланган меъда саратони кенгайтирилган-комбинирлашган жаррохлик амалиёти ўtkazishга қарама-қаршилик хисобланмайди. Меъда саратонида Forrest бўйича қон кетиш IAB-даражасида эндоскопик махаллий 70% этанол ва

0.5% лагоден эритмаларини құллаш ююри самарадорликка зга. Таклиф қилинган мазкур усул орқали 86.4% беморларда қон тұхтатишига эришилган. Ишлаб чиқилған амалиёттің оғындықтарынан кейинги комплекс чора-тадбирларға риоя қилингандың қон йүқотиши оғындықтарынан жаррохлық амалиёттің натижаларынан сезилдік тәсілдерге сәйкес көрсетмайды.

Қон кетиш билан асортланған маҳаллій тарқалған мөдделде саратонидегі амалиёттің кейинги асортларның үлім күрсатқычының камайишига олиб келувчи комплекс чора-тадбирлардың ишлаб чиқылғаны. Бұзғалық даволашнинг узоқ натижаларынан яхшиланишига сабаб болған омил – жаррохлық усулига күрсатмаларны ошириш натижасы хисобланады. Қон кетиш билан асортланған маҳаллій тарқалған мөдделде саратонидегі жаррохлық даражасынан, қон йүқотиши оғындықтарынан жаррохлық усулынан бажарылыш муддатынан инобатта олиб тез тиббий ёрдамда онколог даражасынан мутахассислар амалий фаолияттунан мұвоғиқлаштырыш учун аник жаррохлық усулынан ишлаб чиқылған. Қон кетиш билан асортланған маҳаллій тарқалған мөдделде саратонидегі жаррохлық даволаш натижаларынан олдиндан айттың беріш учун ишлаб чиқылған математик прогнозлаштырылғанда ассоциацияның омил хисобланады.

**Шарипова Парыда Камильевна:** «Тұғма транзитор гипотиреозни илк чақалоқлық даврида рұхий онтогенезі» (14.00.18) - Тошкент врачлар малакасынан ошириш институти (100007, Тошкент, Паркент күч., 51) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Т.И.Исмаилов

Иш бажарылған ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Л.А.Тұрсынходжаева, Ф.Н.Хасанов

Етакчи ташкилот: Психиатрия, психотерапия ва наркология илмий-амалий Республика марказы (Алмати, Қозоғистон)

Ишнинг мақсади: тұғма транзитор гипотиреозни кечирған болаларнинг чақалоқлық давридан то 11 ёшгача рұхий ривожланишида күзатыладын ўзғарыштарни аниқлаш даражасынан бартараф қилиш йулларынан ишлаб чиқыш.

Тиреоид гормонлар тәнқислиги аксарият ҳолларда ҳомиладорликнинг сұнғы даврида да тұғруқдан кейинги ҳаётнинг бириңчы ҳафтасыда, яғни ЦНС шаклланадын, бош мия пүстілгенде ғаол етиладын мұхим даврда юзага келады. Болаларда нерв системасынан шаклланып да етилиш жараёнларыда тиреоид гормонлар бириңчы даражалық роль үйнашини хисобға олғанда, чақалоқтар да болаларнинг бошқа эндокринопатиялары қатысада транзитор гипотиреоз алоқында ажамият касб этиши аён болады, бұзғалық даражасынан пухтароқ ўрганиш зарурларын белгилайды.

Тұғма транзитор гипотиреозни бошдан кечирған болаларнинг рұхий саломатлиғы қиёсий-ёш нүктәи назаридан илк бор тадқиқ этилди. Болаларда чақалоқлықтан 11 ёшгача болған даврда рұхий да жисмоний соғылымнан бузылышлары ўрганилди, мазкур патологияда рұхий ҳолат ассоциацияның бузылышлары аниқланды. Қалқонсимон без функциясынан транзитор бузылышлары бола ривожланишига салбай тәсілдерге күрсатады, хусусан чақалоқлық даврида болаларнинг мослашушы жараёнларыда мөдделден оғыш ҳолларынан өз беришига да бола ҳаётнинг дастлабки уч йилида юқумли да соматик касаллуктар сонининг ортишига сабаб болады. Мектебде ёшидаги болаларни текшириш жараённан олинған маълумоттарға күра, тұғма транзитор гипотиреоз болалар ақпараттың қобилиятининг сүсайишига, неврозсимон бузылышларнинг купайишига олиб келады. Кичик мектебде ёшида ассоциацияның энурез, дудукланиш, үйқуда гапириш да юриш тарздагы үйқунинг бузылыши, чүчиш, гиперкинезлар күзатылған болғанда, үсмирларда аффектив белгілер, пассивлик, ланжлик етакчилик қыллады. Тұғма транзитор гипотиреозни комплекс даволашда нейрометаболик дори моддаларини күллаштырып ассоциацияның иштептілген болалардың жағдайларын анықтады.

**Мардыева Гульшод Маматмуратовна:** «Чақалоқтарнан транзитор гипотиреоз даражасынан анықтап көрсету

Илмий раҳбарлар: М.Н.Абдуллаева, Я.А.Ахмедов

Иш бажарылған ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Оппонентлар: М.Х.Ходжибеков, Т.А.Бобомуратов

Етакчи ташкилот: Ҳарбий тиббиёт академияси (Россия)

Ишнинг мақсади: гестацион муддатидан қатырайттың назар зотилжам болан янги түғилған чақалоқтардагы клиник, рентгенологиялық да биокимиялық белгиларын жамланма ҳолда

ўрганиш, катамнезда нафас олиш бузилиши синдроми белгилари билан туғилган болаларда ўтказилган кузатишлар орқали олинган маълумотлардан фойдаланиб диагностик маркерларни динамик кузатишлар натижасида аниклаш.

Янги туғилган чақалоқлардаги зотилжамда нафас бузилиш синдромининг рентгенологик белгиларини оғирлик даражасини биокимёвий кўрсаткичлар билан солиширган ҳолда баҳолашга жамланма ёндашиш амалга оширилган. Биокимёвий силжишларнинг, жумладан α-фетопротеин, α<sub>1</sub>-антитрипсин ва α<sub>2</sub>- макроглобулин янги туғилган чақалоқларда зотилжам ҳолати ва нафас бузилиш синдроми белгилари сабабли содир бўладиган етилмаслик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги ўрганилган. Катамнезда муддатидан олдин, ҳамда нафас бузилиш синдроми белгилари билан туғилган болалар гурухининг зотилжам билан касалланиши устунлиги белгиланган.

**Мусаев Рустам Сидикович:** «Умуртқа поғонаси кўкрак-бел қисмининг остеопороз оқибатидаги синишларининг тарқалганлиги ва уларни даволаш» (14.00.22) – ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия ИТИ (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 78. Тел: 233-10-30) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: Ш.Ш.Шотурсунов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия ИТИ

Оппонентлар: Қ.Т.Худойбердиев, С.В.Перфильев

Етакчи ташкилот: Белоруссия травматология ва ортопедия РИАМ

Ишнинг мақсади: умуртқа поғонаси кўкрак-бел қисми таналарининг остеопороз оқибатидаги синишларини Ўзбекистон Республикасининг турли хил ҳудудларида тарқалишини ўрганиш, уни даволаш самарадорлигини ошириш.

Умуртқа поғонаси кўкрак-бел қисмининг остеопороз оқибатидаги синишларини остеотроп доридармонларни комбинацияланган ҳолда комплекс ортопедик даволаш муолажалари билан хамоханг қўллаш схемаси ишлаб чиқилиб, клиник амалиётга тадбиқ этилди.

Республиканинг учта ҳудудидан олинган рентгенморфометрик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдиги умуртқанинг кўкрак-бел қисми остеопороз оқибатидаги синиши Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида ахолисида 15,3% ни (шундан, эркаклар 16,2%, аёллар 14,4 %), Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида 14,1 % ни (аёлларда 15,4 %, эркакларда 12,8%), Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида 13,7 % ни (аёллар 14,6%, эркакларда эса 12,8 %) ташкил этди.

Умуртқа поғонаси кўкрак-бел қисмининг остеопороз оқибатидаги синишларини остеотроп доридармонларни комбинацияланган ҳолда комплекс ортопедик даволаш муолажалари билан хамоханг қўллаш самарали усул эканлиги аниқтаниб, ушбу усульнин қўллаш сүяк тўқимаси мустаҳкамлигини оширади, зичлигини яхшилайди, бу ҳол оғриқ синдромининг сезиларли даражада пасайиши, беморларнинг функционал имкониятларининг ортиши, ҳаёт фаровонлигининг ошиши олиб келади.

**Рўзиев Норпўлат Тўраевич:** «Болаларда болдир суюклари туғма ривожланиш нуқсонларини аппарат-жарроҳлик усулида даволаш» (14.00.22) – ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия ИТИ (100047, Тошкент, Тараққиёт кўч., 78. Тел: 233-10-30) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.М.Жўраев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Травматология ва ортопедия ИТИ

Оппонентлар: А.Қ.Аблакулов, М.П.Тёпленький

Етакчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Ишнинг мақсади: болаларда болдир суюкларини туғма ривожланиш нуқсонларини даволашда ишлаб чиқилган усул ва янги аппарат-жарроҳлик амалиёти ёрдамида натижаларни яхшилаш.

Шу мақсад йўлида ушбу касалликни клиник кўринишлари ўрганилди, ҳамда уларнинг даволашга қиёсий ёндошишнинг мезонлари аниқланди. Илк маротоба катта болдир суюги туғма йўқлигига, сон-кичик болдир бирлашмаси ҳосил қилиш ва болдир-оёқ панжасини стабилизациялаш усули ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилинди.

Даволашни узок муддатли натижаларнинг клиник-инструментал таҳлили, шуни кўрсатдиги, болдир сукларини туғма йўқлигига жарроҳлик усули энг маъқул ҳисобланади. Шу билан бирга катта ва кичик болдир суюкларини туғма қисман ёки тўлиқ йўқлигига компрессион-дистракцион остеосинтез усули кўрсатилган, аппаратни монтаж қилиш, ҳар бир клиник ҳодисада суюк ва бўғимларнинг ҳолати йўналиши табиатига боғлиқ бўлиши керак, шу касалликларни оширишга имкон беради.

**Машарипов Азамат Сабирович:** «Ўлим билан яқунланган бош мия жароҳати муддатини аниқлашнинг эксперт мезонлари» (14.00.24) – Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: А.И.Искандаров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Оппонентлар: Ж.Ж.Джалолов, А.С.Чурикова

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ишнинг мақсади: БМЖ муддатига боғлик ҳолда ички аъзолардаги (жигар ва буйраклар) морфологик ўзгаришларни ва тўқимавий тақсимланувчи лейкоцитозни ўрганиб, БМЖ муддатини аниқлаш эксперт мезонларини ишлаб чиқиши.

Биринчи марта суд-тиббиёти тадқиқотларида БМЖ дан ўлганларнинг турли ёш гурухларида ички аъзолардаги патоморфологик ўзгаришлар ва тўқимавий тақсимланувчи лейкоцитоз ўрганилди.

Тадқиқотлар асосида куйидаги илмий-амалий натижалар олинди:

– БМЖ дан ўлганларнинг жигар ва буйракларида ўтқир дисциркулятор, геморрагик ва дистрофик ўзгаришларнинг устунлик қилиши БМЖ дан кейинги тез ўлимдан дарак беради. Бўлакчалар марказида алмашинув-дистрофик ва некробиотик жараёнларнинг ортиб бориши 24 соатта мос келади, массив қон қўйилишлар, центролобуляр некроз ва стромал-томирлар компонентларининг диффуз дезорганизацияси кўринишидаги «шокли жигар» манзараси 3-4 кунлик муддатли БМЖ дан дарак беради;

– бош мия жароҳатида адаптацион синдром ичига тўқимавий тақсимланувчи лейкоцитоз шаклида лейкоцитар система ҳам киради. Бу маълумотлар, жасадни текширишнинг бошқа натижалари билан комплексда БМЖ муддатни аниқлашда ва унинг пато- ва танотогенезини ўрганишда аҳамиятлидир.

**Тлеуниязов Шанияз Канязович:** «Экологик ножуя Орол минтақасида гриппнинг эпидемиологик хусусиятлари» (14.00.30) – ЎзР ССВ Эпидемиология, микрообиология ва юқумли касалликлар ИТИ (100133, Тошкент, Решетов кўч., 2. Тел.: 243-36-05) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.Н.Бабаходжаев

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ССВ Эпидемиология, микрообиология ва юқумли касалликлар ИТИ

Оппонентлар: Н.С.Атабеков, А.В.Юлдашев

Етакчи ташкилот: Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Ишнинг мақсади: Экологик ножуя Орол бўйи минтақасида гриппнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Қорақалпоғистон Республикасида 1991-2008 йилларда грипп касаллигининг динамикаси нотекислиги, яъни касалликнинг кўтарилиш ва унинг пасайиш даврлари билан алмашиниши аниқланди. Қорақалпоғистон Республикасида гриппнинг асосий этиологик агенти А вируси эканлиги аниқланди, лекин айrim йилларда В ёки аралаш (A+B) турлари ажратилди. Гриппол вакцинаси гриппга қарши бошқа вакциналарга нисбатан кўпроқ профилактик ва иқтисодий самарага эга эканлиги аниқланди (индекс ва коэффициент самарасини хисоблашга асоссан). Грипп касаллигининг кириб келиши ва тарқалиши хавфи түғилганда касалликка қарши эпидемиологик назорат асослари такомиллаштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ахолисининг хар хил катламларида грипп пандемияси хавфи пайдо бўлган холатлар учун касалликнинг прогностик мезонларининг хисобкитоблари ўтказилди. Пандемия хавфи түғилган холатларда гриппга қарши вакцинация қилиниши зарур бўлган аҳоли гурухларининг сони аниқланди.

**Абдуллаев Раҳмонжон Олимжонович:** «Кекса ва қари ёшдаги шахсларнинг тиббий ижтимоий реабилитациясини такомиллаштириш» (14.00.33) - Тошкент тиббиёт академияси (100109, Тошкент, Фаробий кўч., 2. Тел.: 214-83-11, факс: 218-59-48) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Б.Х.Шагазатова

**Иш бажарилган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси**

**Оппонентлар: А.С.Бабаджанов, А.В.Фозилов**

**Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Ишнинг мақсади: кекса ва қари ёшдаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг касалланиш таркибини, ногиронлик ва ўлим билан тугаш ҳолларини ўрганиш ва тиббий реабилитация тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Текширув натижаларига асосан кекса ва қари ёшдаги шахсларда ногиронлик ҳамда ўлимни сабаблари ва даражаси белгиланди; соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини босқичида кекса ва қари ёшдаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг адекватлигига илмий асосланган баҳо берилди; қарияларнинг ҳаёт сифатига баҳо берилди; умумий амалиёт шифокори нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда кекса ва қари ёшдаги шахсларга ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган ташкилий ва услубий тадбирлар мажмую ишлаб чиқилди.

**Худайбердиев Шерзод Гофурович:** «Портал гипертензияли болаларда ажратиш ташрихлари» (14.00.35) - Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарход кўч., 10) (диссертация рус тилида)

**Илмий раҳбар: М.М.Алиев**

**Иш бажарилган ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

**Оппонентлар: А.В.Девятов, И.А.Ахмеджанов**

**Етакчи ташкилот: Қозоғистон педиатрия ва болалар хирургияси ИТИ**

Ишнинг мақсади портал гипертензияли болаларда азиго-порталь ажратиш ташрихларини усулини танлаш ва ахамиятини асослаш.

Мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Андикон вилоят болалар касалхонаси, Марғилон шаҳар болалар касалхонаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси хирургия бўлимдарида 1993 йилдан 2007 йилгача текшириш ва даволаш учун ётқизилган 99 нафар портал гипертензия синдроми билан бемор болалар ўрганиб чиқилди. Тадқиқот мазмуни бўлиб азиго-порталь ажратиш ташрихларини юқори даражадаги қониқарсиз натижалари сабаблари анализ қилиш хисобланади. Портал гипертензияли болаларда азиго-порталь ажратиш ташрихларига абсолют ва нисбий кўрсатмалар конкретлаштирилди ва бажарилиш оптимал муддати аниқланди. Қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши билан болаларда Алговер-Бури шок индексининг диагностик баҳоси асосланди. Тадқиқот давомида портал генезли қизилўнгач-ошқозондан профуз қон кетишили боларда даволаш тактикасини алгоритми ишлаб чиқилди.

Қиёсий таҳлиллар натижасига кўра портал гипертензияли болаларда азиго-порталь ажратиш ташрихларини эффектив усуулари аниқланди. Олдинги чап пастки диафрагма венасини боғлаш азиго-порталь ажратиш ташрихлар билан бирга қулланиши узоқроқ гемостатик эффектга эришишга олиб келиши кўрсатилди.

**Хатамов Хайрулла Мусурмонович:** «Бронхиал астмада тимус, лимфоцит иммунофенотипларининг ҳолати ва ретростернал гормонотерапиянинг самарадорлиги» (14.00.36) - ЎзР ФА Иммунология институти (100060, Тошкент, Я.Фуломов кўч., 74. Тел.: 233-08-55) (диссертация ўзбек тилида)

**Илмий раҳбар: О.К.Жапаров**

**Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Иммунология институти**

**Оппонентлар: О.А.Назаров, Н.Р.Аралов**

**Етакчи ташкилот: Россия Федерацияси «Федерал тиббий-биологик агентлиги Иммунология институти» Давлат илмий маркази**

Ишнинг мақсади бронхиал астмада тимус, лимфоцит иммунофенотиплари ва цитокинлар ҳолатини ўрганиш ҳамда ушбу касаллиқда ретростернал гормонотерапия усулини қўллаб, даволаш самарасини ошириш.

Бронхиал астма инфекцияга қарам шакли (БАИК) оғир даражасининг қўзиш даврида тимус безининг диффуз катталashiб кетганлиги ва периферик қонда иммунитет кўрсаткичларининг дисбаланси аниқланди.

БАИҚ шаклида иммунитетнинг гуморал тизимига нисбатан хужайра иммун тизими фаолроқ иштирок этишини кўрсатди. Касалликнинг қўзиш даврларида (ретростернал гормонотерапия) РГТ усулидан фойдаланиб анъанавий гормонотерапия (АнГТ) усулига нисбатан глюкокортикоид

(ГКС) миқдорини 2-3 марта камайтиришга эришилди. РГТ дан кейин текширилганда иммунитет күрсаткычларидаги дисбаланси АнГТ усулида даволанган беморлардагига қараганда тезроқ меъёрга яқинлашди.

БАИҚ шаклининг ўртача оғир ва оғир даражасида ретростернал гормонотерапия усулини қўллаш натижасида қисқа вақт ичида, бир неча марта кам миқдордаги ГКС сарфлаган ҳолда астма хуружи бартараф этилди. Ушбу усул қўлланилганда дорининг асосий қисми касаллик ўчигига нишонли таъсир этиши туфайли даволанган беморларнинг аҳволи жадал яхшиланиб борди, касалхонада даволанишнинг давомийлиги қисқарди, харажатлар миқдори бирмунча камайди.

**Абдурахманов Абдусалом Абдуллагзамович:** «Атриовентрикуляр каналнинг нотўлиқ шаклини хирургик йўли билан даволаш тактикасини танлаш» (14.00.44) – Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази (100115, Тошкент, Фарход кўч., 10. Тел.: 277-25-22) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.М.Махмудов

Иш бажарилган ташкилот: Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази

Оппонентлар: Ю.С.Синельников, Р.Э.Асамов

Етакчи ташкилот: Украина ТФА Юрак қон-томир Миллий институти

Ишнинг мақсади: эхокардиографик ташхислаш критерийлариغا ҳамда АВ клапанларнинг функциясини тиклаш тактик-техник ҳусусиятларига аниқлик киритиш орқали атриовентрикуляр канал нотўлиқ шаклини хирургик йўли билан даволаш натижаларини яҳшилаш.

Тадқиқотда Марказий Осиеда биринчилар қаторида атриовентрикуляр канал нотўлиқ шаклини хирургик йўл билан даволашнинг ўзига ҳослиги ва унинг натижалари ўрганиб чиқилди. Ушбу ишда эхокардиографияни атриовентрикуляр клапанларнинг ўзгариш даражасини ўрганишда роли ва аҳамияти ўрганиб чиқилди. Клапанларнинг анатомик-функционал ҳолатини атриовентрикуляр каналнинг хирургик даволаш тактикаси ва ҳажмини танлашга аҳамияти исботланди. Клапан табақалари ва клапан ости тузилмаларининг анатомиясига асосланган ҳолда нуқсоннинг хирургик даволаш тактикаси келтирилди. Атриовентрикуляр канал нотўлиқ шаклида клапансақловчи ва клапаналмаштириш операциялари учун кўрсатмалар ва қаршиқўстамаларга аниқлик киритилди. Хирургик даволашни эрта ва узоқ давр натижаларининг ўзгаришларига таъсир этувчи факторлар аниқланди.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган атриовентрикуляр канал нотўлиқ шакли билан оғриган беморларни рационал текшириш режасини таклиф этишга имкон берди. Эхокардиография имкониятларини қўллаган ҳолда клапанларнинг анатомик-функционал ҳолатини аниқлаб, шунинг асосида келажак қайта тиклашнинг тури ва ҳажмини режалаштириш ва атриовентрикуляр клапанлар етишмовчилигини тиклаш тактик ва техник томонларини аниқлаш имконини берди. Операциядан сўнгги даврда даволаш натижаларига таъсир этувчи факторларни, ҳамда операциядан сўнг узок даврда резидуал митрал регургитациясининг динамикасини объектив прогнозик критерийларини аниқлаш ва ҳисобга олиш хирургик даволаш натижаларини яҳшилаш имкониятини берди.

## Санъатшунослик фанлари

**Панжиев Қурбонниёз Бердиевич:** «Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти» (17.00.02) – ЎзР ФА Санъатшунослик институти (100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: 139-42-78) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: О.А.Иброҳимов

Иш бажарилган ташкилот: ЎзР ФА Санъатшунослик институти

Оппонентлар: М.Жўраев, Р.Ю.Юнусов

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти (оилавий маросим, меҳнат, мавсум ва турли мавзулардаги айтим ҳамда фольклор–этнографик ансамбларининг “саҳнавий чиқишлиари”да намоён бўлаётган “иккиласми фольклор” намуналари)ни тадқиқ этишдан иборат. Мавзунинг долзарблиги - ҳозирги давр ўзбек мусиқашунослиги, халқимиз кўп асрлик миллый қадриятларини қайта тиклаш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда, мусиқий фольклорнинг маҳаллий анъаналарини ўрганишга катта аҳамият берадиганлиги билан белгиланади. Бинобарин, диссертация мазмуни ва унинг материалларидан мусиқашунослик илмида, ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг “Анъанавий ўзбек мусиқаси асослари”, “Шарқ халқлари мусиқа

маданияти", "Ўзбекистон мусиқа санъати" каби курслари маърузаларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот давомида эришилган илмий натижалар бошқа фан тармоқлари - фольклоршунослик, этнография ва филология соҳалари учун ҳам муҳимдир.

## Психология фанлари

**Абдуллаева Ранажон Матёқубовна:** «Талабалардаги оила-никоҳ установкаларининг психологик хусусиятлари» (19.00.05) – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Ҳожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Э.Н.Сатторов

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: Ф.Б.Шоумаров, Н.А.Софинов

Етакчи ташкилот: Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти

Ишнинг мақсади: талабаларда оилавий ҳаётга тайёрлик ва оила-никоҳ установкалари боғлиқлигининг психологик хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотда талаба-ёшлар оила-никоҳ установкалари шаклланишининг ёшга, жинсга ва худудга боғлиқ томонлари аниқланди.

Тадқиқот натижалари асосида талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг психологик механизми сифатида маҳсус машғулотларнинг таъсири аниқланди. Тадқиқотда кўлга киритилган эмпирик маълумотлар ва натижаларга кўра олий ўқув юртларида психологик хизматни ташкил этиш мумкин. Тадқиқотда олинган хулоса ва тавсиялар амалиётчи психологлар, гурӯҳ мураббийлари ва педагог тарбиячиларнинг фаолиятларида ёшлар билан ишлашни мақсадли ва оқилона ташкил этишга ёрдам беради, ёшларни бўлғуси оилавий ҳаётларини барқарор бўлишига замин яратади.

**Қосимова Наргиза Дилмуродовна:** «Ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат ижтимоий психологик хусусиятларининг аҳамияти» (19.00.05) – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Ҳожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбарлар: М.М.Маматов, Р.И.Суннатова

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: Б.М.Умаров, Х.М.Алимов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ишнинг мақсади: ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат таъсирининг психологик хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, хусусан, ота-она билан фарзанд ўртасидаги психологик яқинлик муносабатлар, ижтимоий мухитнинг таъсир механизmlари тадқиқ қилиш.

Тадқиқотда ўсмирлар ижтимоийлашувида ибратнинг роли, ижтимоий-психологик хусусиятлари ва шакллари маҳсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилди: ўсмирлар ижтимоийлашувида ибрат обьектлари, ижтимоийлашув агентлари, қадриятлари ҳақидағи тасаввурлар ижтимоий-психологик механизм сифатида, ўсмирлар ота-она, оила аъзолари, тенгдошлари, микросоциумга бўлган муносабатлари таҳлил этилган. Олинган маълумотлар ижтимоий психология ва ёш даврлари психологиясини янги илмий маълумотлар билан бойитади, ўсмирлар ижтимоийлашувида унинг қадриятларини ўрганиш, улар билан психологик яқин бўлиш механизmlарини аниқлашда фойдаланилади.

Тадқиқот натижалари ва материаллари ижтимоий психология, ёш даврлари психологияси, оила психологияси, оила педагогикаси, амалий психология фанларидан машғулотлар ўтказища кўлланиши мумкин.

**Абдрахманова Алуа Сабитовна:** «Диалогик хамкорликдаги билиш фаолиятида юзага келадиган мазмуний ҳосилаларнинг умумий захираси таълим жараёнини самарадорлигини таъминловчи омил шарт сифатида» (19.00.07) –

Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Хожиб кўч., 103.  
Тел: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: С.М.Джакупов

Илмий маслаҳатчи: А.Т.Изакова

Иш бажарилган ташкилот: Караганда давлат университети

Оппонентлар: З.Т.Нишонова, А.А.Зокиров

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ишнинг мақсади диалогик ҳамкорликдаги билиш фаолиятида юзага келадиган мазмуний ҳосилалариниг умумий заҳирасини шаклланиши ва ривожланиши таълим самарадорлигига таъсирини ўрганишдан иборат эди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида таълим самарадорлигини оширишда ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги ўзаро таъсир жараёнида мазмуний ҳосилаларининг умимий заҳирасини шаклланиш механизмлари аниқланди. Таълим жараёни самарадорлигининг модели ва схемаси, таълимни жадал методларини қамраб олувчи "Қарор қабул қилиш" тренингининг дастури ишлаб чиқилди. Тренинг диалогик ҳамкорликдаги билиш фаолиятида мазмуний ҳосилаларининг шаклланишига йўналтирилган. Диалогик ҳамкорликдаги билиш фаолиятида мазмуний ҳосилаларининг шаклланишини ташхис қилишнинг авторлик варианти-кузатиш бланки тузилган. Шунингдек, психологик тадқиқотларда проектив методнинг амалий аҳамияти яққол намоён қилинган.

Ишда кўрсатилган таълим жараёнининг самаралироқ ташкил этиш методининг қўлланилиши қатнашувчиларга юқорироқ натижаларга эришишга ёрдам беради, диссертациядаги апробациядан ўтган ташхис технологияларининг мажмуаси таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи амалий психологларга, оиласиб муаммолар билан шуғулланувчи ва бошқа соҳалардаги психологларга биргаликдаги фаолиятда ўзаро таъсирининг шаклланишини ташхис қилиш мақсадида тавсия этилади.

**Далимова Нилуфар Мелибаевна:** «Компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси хусусиятлари» (19.00.07) – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Хожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Г.Қ.Тўлаганова

Иш бажарилган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Оппонентлар: З.Т.Нишонова, А.А.Зокиров

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Ишнинг мақсади ўсмирларда компьютер ўйинларига тобеликнинг психологик диагностикаси ҳамда уни коррекция қилиш усусларини ишлаб чиқишидир.

Компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси хусусиятлари тадқиқот предметини ташкил қилади; ўсмирларда компьютер ўйинларига тобеликни диагностика қилувчи методика, ўсмирларда компьютер ўйинларига тобеликни бартараф этиш бўйича психокоррекцион дастур ишлаб чиқилган; ташхис усуслари ва психокоррекцион тадбирлар амалиётда қўлланилган; ўсмирларда компьютер ўйинларига тобеликнинг педагогик-психологик профилактикаси юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда олинган натижалардан амалий психологлар, мактаб ўқитувчилари, психологик консультация марказларининг мутахассислари фаолиятида фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган психологик коррекцион дастурдан компьютер ўйинларига тобе ўсмирлар билан гуруҳий ва индивидуал иш олиб бориша, шунингдек, университетлар, педагогика институтлари, педагогика ва психология ихтисослиги бўйича таълим олаётган талабаларга ўқув қўлланмалар яратишида, маърузалар матни тайёрлашда, инновацион дастурлар ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

**Халилова Наргиза Икромалиевна:** «Ўсмирлик даврида ўзини ўзи назорат қилиш шаклланишининг психологик хусусиятлари» (19.00.07) – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Хожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация ўзбек тилида)

Илмий раҳбар: Ф.И.Хайдаров

Иш бажарилган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Оппонентлар: Э.Ғ.Ғозиев, Э.Н.Саттаров

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Ишнинг мақсади: ўсмирлик даврида ўзини ўзи назорат қилиш тизимининг хусусиятлари ҳамда ривожланиш механизмларини аниқлаш ва ўрганиш.

Тадқиқотда иродавий сифатларнинг ривожланиши ўсмир шахсида ўзини ўзи назорат қилиш шаклланишида асосий таъсир этувчи омил эканлиги ўрганилди; ўзини ўзи назорат қилиш шахснинг темперамент хусусиятларидан реактивлик ва ригидлик, эмоционал ҳолатлардан, хавотирланиш даражаси билан боғлиқлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларида ўзини ўзи назорат қилишнинг турли жиҳатлари ўсмирлик даврида муайян қонуниятлар асосида ўзига хос тарзда ривожланиши мумкинлиги кўрсатилиши шахс иродавий жабхаси ҳақидаги илмий тасаввурларни тўлдиради ва амалий психологияк ишнинг тегишли йўналишларида фаолият мазмунини белгилашда мўлжал бўлиб хизмат қиласди. Тадқиқотда қўлга киритилган эмпирик маълумотлар шахс иродавий сифатлари ривожланиши хулқ-атворда ифодаланишининг ёшга оид хусусиятлари ҳақидаги, ўсмирлик даврида шахс ўзини ўзи назорат қилиш даражасини ривожлантиришга йўналтирилган маҳсус психологик машғулотлар самарадорлигини ошириш омиллари тўғрисидаги билимларни бойитади; ўсмирлик даврида шахс рефлексив жараёнларига фаол таъсир кўрсатиш, бу соҳада коррекцион ривожлантирувчи иш самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаштириш имконини кенгайтиради.

**Ядгарова Наталия Курбановна:** «Ўқитувчиларда безовталик кўринишларининг психологик хусусиятлари» (19.00.07) – Тошкент давлат педагогика университети (100070, Тошкент, Ю.Х.Хожиб кўч., 103. Тел.: 254-92-02, факс: 215-54-18) (диссертация рус тилида)

Илмий раҳбар: М.И.Намазбаева

Иш бажарилган ташкилот: Қозоғистон Миллий педагогика университети

Оппонентлар: Э.Ф.Фозиев, А.А.Зокиров

Етакчи ташкилот: Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти

Ишнинг мақсади ўқитувчиларда безовталикнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ҳамда безовталик кўринишлари хусусиятларининг психологик механизмини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотда безовталик ва уни амалга оширувчи психологик-педагогик детерминантлар ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот натижалари шахс безовталиги ҳақидаги функционал механизмлар даражасидаги замонавий мактаб шароитида ўқитувчи шахси безовталиги масалаларини самарали ҳал қилиш ва унинг олдини олишни таъминловчи илмий фаразларни тўлдиради.

Тадқиқот натижалари ва материаллари психологлар амалий фаолиятини ташкил қилишда; ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, шунингдек, педагогик психология бўлимини тўлдиришда кўлланиши мумкин.

## **ДИССЕРТАЦИЯ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(ихтисосликлар шифрлари ўсиши тартиби бўйича чоп этилади)

Илмий кенгашлар қуйидаги диссертация ишлари мавзуларини тасдиқлаганлар:

### **ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ**

#### **Физика-математика фанлари**

Рахимов Исомиддин Сатторович: «Инварианты многообразия филиформных алгебр Лейбница и эллиптических кривых» (01.01.06)

Илмий маслаҳатчи: ф-м.ф.д., акад. Ш.А.Аюпов

\* Диссертация ишлари мавзуларини «ОАК Бюллетени» журналида чоп этилиши, ушбу мавзулар ва улар бўйича ёзилган диссертация ишлари ОАК томонидан тан олингандигини асло билдирамайди.

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти

Тешаев Мухсин Худойбердиевич: «**Динамика сложных механических систем с сервосвязями**» (01.02.01)

Иш бажарилаётган ташкилот: Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти

Абиров Рустам Абдуллаевич: «**Упругопластическое деформирование конструкционных материалов и задачи пластичности при сложном нагружении**» (01.02.04)

Илмий маслаҳатчи: ф-м.ф.д. **К.Ш.Бабамуратов**

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

Курталиев Эльдар Нуриевич: «**Фотоника молекул стириловых красителей и родственных им соединений**» (01.04.05)

Илмий маслаҳатчи: ф-м.ф.д., проф. Н.Низомов

Иш бажарилаётган ташкилот: Самарқанд давлат университети

## **Кимё фанлари**

Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич: «**Буғдойнинг ўсиш ва ривожланишида биотик ва абиотик омиллар таъсирини физиологик фаол моддалар ёрдамида идора этиш**» (02.00.10-биология фанлари )

Илмий маслаҳатчилар: к.ф.д., проф. Д.Н.Далимов, б.ф.д. З.Тилябаев

Иш бажарилаётган ташкилотлар: Гулистон давлат университети,

ЎзР ФА Биоорганик кимё институти

## **Биология фанлари**

Абдувалиев Анвар Арслонбекович: «**Механизмы альтернативной регуляции пролиферации и апоптоза опухолевых клеток**» (03.00.04, 03.00.25)

Илмий маслаҳатчи: б.ф.д., акад. Т.С.Соатов

Иш бажарилаётган ташкилотлар: ЎзР ФА Биокимё институти,

Республика онкология илмий маркази

Таринова Маргарита Владимировна: «**Морфологические основы механизмов регуляции белкового и кислотно-основного гомеостаза в почке**» (03.00.11)

Илмий маслаҳатчи: т.ф.д., проф. А.Ю.Юлдашев

Иш бажарилаётган ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

**Қаранг яна: Ҳ.Ҳ.Қўшиев (02.00.10)**

## **Техника фанлари**

Йулдашев Абдурахим Темирович: «**Анализ и развитие теории и методов оценки полноты сбора, засорённости хлопка, производительности хлопкоуборочных машин и их влияние на качество волокна**» (05.20.01)

Илмий маслаҳатчи: т.ф.д., акад. А.Д.Глущенко

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

## **Тарих фанлари**

Бўриева Хайрия Амануллаевна: «**Тошкент шаҳрининг топонимиаси ва унинг тарихий хусусиятлари (1917-2007 йиллар)**» (07.00.01)

Илмий маслаҳатчи: т.ф.д., акад. А.Р.Муҳаммаджонов

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

## **Иқтисод фанлари**

Ашурова Насиба Ботировна: «**Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқقا тортиш механизмини такомиллаштириш**» (08.00.07)

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д. Ш.А.Тошматов

Иш бажарилаётган ташкилот: Навоий давлат кончилик институти

Касимова Гульяр Ахматовна: «**Бюджетнинг ғазначилик ижросида ижтимоий хизматлар соҳасини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш**» (08.00.07)

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., проф. Р.Х.Шодиев

Иш бажарилаётган ташкилот: Тошкент молия институти

Мусагалиев Ажинияз Жумаголович: «**Солиқ муносабатларида юридик шахсларни солиқقا тортиш механизмини самарали ташкил этиш**» (08.00.07)

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д. Б.Э.Тошмуродова

Иш бажарилаётган ташкилот: ЎзР ФА ҚҚБ Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолар институти

Мамадияров Дилшад Уралович: «**Аграр соҳа корхоналарида бошқарув таҳлилининг методологиясини такомиллаштириш**» (08.00.08)

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д. Р.Д.Дусмуратов

Иш бажарилаётган ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Сайдов Машъал Самадович: «**Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида инновацион бошқарув стратегияси самарадорлигини ошириш (“Ўзбекэнерго” ДАК мисолида)**» (08.00.13)

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., проф. Ш.Н.Зайнутдинов

Иш бажарилаётган ташкилот: Тошкент архитектура-қурилиш институти

### **Фалсафа фанлари**

Содикова Шоҳида Марҳабоевна: «**Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида қарияларни ҳимоялаш масалалари**» (09.00.10-сиёсий фанлар)

Илмий маслаҳатчи: ф.ф.д., проф. Қ.Н.Назаров

Иш бажарилаётган ташкилот: Давлат ва жамият қурилиши академияси

Темирова Умида Сайдовна: «**Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашда тадбиркор хотин-қизларнинг ўрни (ижтимоий-фалсафий таҳлил)**» (09.00.11)

Илмий маслаҳатчи: ф.ф.д., проф. Р.С.Самаров

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

### **Филология фанлари**

Абдуллаев Мұхаммат Ҳамзаевич: «**Убайдий адабий меросининг матний тадқиқи ва поэтикаси**» (10.01.03)

Илмий маслаҳатчи: фил.ф.д., проф. Ҳ.Ҳомидов

Иш бажарилаётган ташкилот: Тошкент давлат педагогика университети

Бекова Назора Жўраевна: «**Алишер Навоий форсий меросининг жанрий хусусиятлари ва бадиияти**» (10.01.03)

Илмий маслаҳатчи: фил.ф.д., проф. Р.Ж.Воҳидов

Иш бажарилаётган ташкилот: Бухоро давлат университети

Сайдов Ҳалим Омонович: «**Жамиятнинг демократлашуви жараёнида ахборот жанрларининг ривожланиш омиллари**» (10.01.10)

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Тошпулатова Назира Курбановна: «**Матбуотда интерактивлик ва коммуникативлик: назария, методика, амалиёт (1991-2010 йиллар матбуот материаллари мисолида)**» (10.01.10)

Илмий маслаҳатчи: фил.ф.д., проф. Г.Ҳ.Боқиева

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Казакова Ольга Павловна: «Турли тизимли тилларда от ясовчи парадигмаларни структураси ва семантикаси (рус ва ўзбек тиллари мисолида)» (10.02.20)

Илмий маслаҳатчи: фил.ф.д., проф. А.Г.Шереметьева

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Ширинова Раима Ҳакимовна: «Оламнинг миллий манзарасини бадиий таржимада қайта яратилиши (француз-ўзбек тилларида реалиялари мисолида)» (10.02.20)

Илмий маслаҳатчи: фил.ф.д., проф. А.Маматов

Иш бажарилаётган ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

### **Педагогика фанлари**

Миркомилов Бахтиёр: «Талабаларда бадиий қадриятларга қизиқиши шакллантириш назарияси ва амалиёти (Жаҳон тарихини ўрганиш жараённида)» (13.00.01)

Илмий маслаҳатчи: п.ф.д. Ш.Қ.Мардонов

Иш бажарилаётган ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Ахмедова Гулноза Мухтаровна: «Узлуксиз таълимда русийзабон ўқувчилар нутқий мулоқот маданиятини ўстиришнинг илмий-методик асослари» (13.00.05)

